

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!



ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

● МАХСУС СОН

● 2009 йил 20 март

● жума

● e-mail: inson_va_qonun@mail.ru

Наврӯз — нафосат, ҳаётӣлик, ризқ-рӯз тимсоли

Ислом КАРИМОВ:

Бугун юртимиздаги барча миллат ва элат вакиллари маҳаллаларда, турар-жойларда бу гўзал ва дилбар айёмни ягона оила бўлиб, катта хурсандчилик билан нишонламоқда.

Бу эса Наврӯзнинг ҳақиқатан ҳам ноёб ва бетакрор экани, одамзотни фақат эзгулик ва яхшиликка даъват этишини яққол тасдиқлайди.



Абдулла ОРИПОВ
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Халқ шоири

НАВРҮЗ

*Аввал юрагинга мўралайди у,
Сўнгга куртакларга ўргатади сўз.
Заминнинг кўзидан қочади уйқу,
Демак, Баҳор келди,
Келмоқда Наврӯз.*

*Қишининг аҳволига боқиб ҳойнаҳой,
Юм-юм ёш тўқмоқда эриётган муз.
Жилва қилаёттир тенгсиз бир чирой,
Демак, Баҳор келди,
Келмоқда Наврӯз.*

*Она бағри каби илиқдир олам,
Ҳарир ҳовур ичра яйрар дала-туз.
Қолди пучмоқларда хазон янглиғ ғам,
Демак, Баҳор келди,
Келмоқда Наврӯз.*

*Яна кўнгиллардан рутубат кетди,
Яна шуғалардан қамашмоқда кўз.
Яна дилдорликнинг фурсати етди,
Демак, Баҳор келди,
Келмоқда Наврӯз.*

*Баҳор келаёттир,
Тоza, мусаффо.
Мовий кенгликларда ўйнайди шамол.
Даралар қўйнида зангор бир ҳаво,
Туманли шаҳар ичра ётмоқлик малол.*

*Қоялар кўксида шодмон, беқайғу
Оний умри билан солланар чечак.
Баҳор — энг покиза шаббодадир бу,
Баҳор — энг тоza бир шамолдир демак.*

*Кенгликлар бағрига ураман ўзни,
Кўзимга кўрингай дилбар диёрим.
Гўдак нафасидек юпатар юзни,
Қиш бўйи интизор кутган баҳорим.*

*Баҳор- ку ўтади шамолдек шитоб,
Майли ўтажак у ва ўтар бўлсин.
Азизим, умрингда ҳаво бўлсин соф,
Умринг шамоллари муаттар бўлсин...*

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ва эркинликларига риоя қилиш таъминлигининг таъминланиши ҳақиқий демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим шарт ҳисобланади.

КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ 13-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида демократия умуинсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонда амалга оширилган демократик ислохотлар марказида ҳар доим биринчи ўринда – инсон, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари туради. Бошқача айтганда, Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ижтимоий ривожланиш ва давлат қурилишининг, бутун ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим устуворлиги деб белгиланган.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларга дахлдор бўлган босқичма-босқич суд-ҳуқуқ ислохотлари амалга оширилмоқда.

“Инсон ҳуқуқлари” кенг қамровли тушунча бўлиб, у туғилишдан тортиб, жамият ҳаётининг барча соҳаларида фуқаронинг эркин иштирок этишгача бўлган ҳуқуқларга тааллуқлидир.

Халқаро даражада бир томондан фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар ва иккинчи томондан, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар фарқланади. Айни пайтда инсоннинг барча ҳуқуқлари универсал, бўлинмас, ўзаро боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари соҳасидаги сиёсатини қуйидаги тамойиллар асосида амалга оширади:

инсон ҳуқуқларининг умумэтироф этилган ғоялари ва қадриятларига, шунингдек, халқаро мажбуриятларга содиқлик;

давлатимизнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги сиёсати ҳуқуқий давлатчилик ва кучли фуқаролик жамияти шаклланишига асосланган асосий миллий манфаатлардан келиб чиқади;

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида муҳрлаб қўйилган шахс, жамият ва давлат манфаатлари мувозанатлари тамойили;

амалга оширилаётган барча сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг эволюцион босқичма-босқич характери;

ошкоралик ва транспарентлик, зеро Ўзбекистон бу соҳадаги барча муаммоларни фуқаролик жамиятининг барча тузилмалари, шунингдек, ўзининг халқаро шериклари билан мулоқотда муҳокама қилишга ва ҳал қилишга тайёр.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан (Конституция, қонунлар, қонуности ҳужжатлар) иб-

рат. 1992 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон ҳуқуқлари бўйича алоҳида бўлим бор ва у инсоннинг турли ҳуқуқларини, шунингдек, айрим мажбуриятларини кафолатлайди ва кўзда тутди. Конституцияга мувофиқ қабул қилинган қонунлар мажмуида Асосий қонунда мустақамланган инсон ҳуқуқлари ўз аксини топган. Фуқаролик, Фуқаролик процессуал, Меҳнат, Оила, Уй-жой, Солиқ, Жиноят, Жиноят-процессуал ва Жиноят-ижроия кодекслари, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”, “Фуқаролар-

надиган ихтисослаштирилган асосий муассаса ҳисобланади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Адлия вазирлиги ва унинг органлари фаолиятида янги босқич бошланди. Биринчи навбатда, демократик ҳуқуқий давлатни мустақамлашга қаратилган давлат ҳуқуқий сиёсатини ҳаётга татбиқ этиш борасида Адлия вазирлигининг роли кучайтирилди.

Шубҳасиз, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир чоратадбирлар тўғрисида”ги 370-сонли қарори Адлия вазирлигининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги фаолиятида муҳим қадам бўлди. Бу борада шуни таъкидлаш керакки, адлия органлари

да ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ёки судларга мансабдор шахсларни жавобгарликка, ҳаттоки, жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги таклифлар тақдим этилмоқда. Масалан, 2008 йилда шикоятлар устида ишлаш умумий тахлили шуни кўрсатдики, келиб тушган жами мурожаатларнинг 64,3 фоизиди фуқароларнинг ҳуқуқларини адлия органлари ёрдамида тиклашга эришилган.

Жумладан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида аниқланган қонунбузарликларни бартараф этиш мақсадида тегишли идораларга 871 та тақдимнома киритилди, Уларнинг 810 тасининг ижроси таъминланди. Киритилган тақдимномаларнинг идоралар мисолида таҳлил этадиган бўлсак, 151 таси ҳокимликларга, 53 таси ички иш-

ятидаги Машина-трактор парклари бирлашмаси 18,4 миллион сўмлик фуқароларнинг иш ҳақларини тўлаб берган.

Яна шуни таъкидлаш керакки, аниқланган қонунбузарликларни бартараф этиш мақсадида маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида 291 та таклиф киритилди, уларнинг асосида 296 нафар айбдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилди.

Мисол учун, Бухоро вилояти жиноят ишлари бўйича Қоракўл тумани судига Қоракўл тумани ҳокимлиги ходимларини маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида киритилган тақдимномага кўра, фуқаролар П.Яхшиев, И.Алезов, М.Бозоров, Х.Жумаев ва бошқаларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш якунлари бўйича Қоракўл тумани ҳокимининг

Адлия минбари

Ҳуқуқ ва эркинликларни

фуқароларнинг фаровонлигини ошириш, Ватанимиз равнақи йўлида

нинг ҳуқуқ ва эркинларини бузадиган ҳатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида”, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”, “Одам савдосига қарши кураш тўғрисида”ги қонунлар ва бошқалар шулар жумласидандир.

Шу билан бирга, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларига риоя қилиш ва уларни ҳурмат қилишга алоҳида эътибор қаратилган ҳолда, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайдиган ҳуқуқий соҳа ташкил этилган, демократия ва фуқаролик жамиятининг асосий институтлари шакллантирилди, ҳуқуқни қўллаш амалиёти йилдан-йилга такомиллаштириб борилмоқда.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари ҳамда кафолатлари билан бир қаторда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича ташкилий механизм, тегишли инфратузилма ҳам ташкил этилди.

Республикада инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини суд ҳамда суддан ташқари ҳимоя қилиш бўйича институтлар тизими шакллантирилиб, фаолият кўрсатмоқда. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг миллий механизми ҳамда сўз борганда шуни таъкидлаш жоизки, Адлия вазирлиги ҳам судлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонунчилик мониторинги институти, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази билан бир қаторда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари билан шуғулла-

зиммасига бевосита инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган ва у билан боғлиқ вазифалар юкланди. Бундан ташқари, Адлия вазирлиги таркибида Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасида унинг бўлимлари ташкил этилди.

Адлия органларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятини кўриб чиқишда шуни таъкидлаш лозимки, у бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва қайта тиклашни таъминлайдиган бошқа органларнинг ваколатларини бекор қилмайди, қайта кўриб чиқишни талаб қилмайди ва такорламайди, балки фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини суддан ташқари ҳимоя қилиш бўйича мавжуд воситаларни тўлдирди.

Хусусан, Конституция ва қонунларда мустақамланган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг таъминлаш соҳасида адлия органлари зиммасига юкланган бошқа вазифалар билан бир қаторда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари бузилганлиги ҳақидаги мурожаатларини ҳолис ҳамда ҳар томонлама кўриб чиқмоқда. Фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилгани тўғрисидаги далиллар аниқланган ҳолатларда қонунга мувофиқ уларни тиклаш чораларини кўрмоқда, бундай қонунбузарликларга йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан эса тақдимнома киритиш каби таъсир кўрсатиш чоралари қўлланилмоқда. Бундан ташқари, фуқаролар манфаатлари учун судларга даъво аризалари киритилмоқда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кўпол бузилган ҳоллар-

лар органларига, 34 таси коммунал хизмат кўрсатиш хизматларига, 26 таси тижорат банкларига, 9 таси солиқ органларига, 9 таси ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимларига, 4 таси суд органларига, 1 таси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига, 1 таси Соғлиқни сақлаш вазирлигига, 522 таси бошқа ташкилотларга киритилган тақдимномаларни ташкил этади.

Бундан ташқари, қонунга зид 15 та ҳужжатлар ижроси тўхтатилган, 223 та ҳужжат ижроси эса бекор қилинган, 1120 нафар айбдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди, уларнинг 100 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.

Мисол учун, Наманган шаҳар халқ таълим бўлимига киритилган тақдимномага кўра, Наманган вилояти Нурин туманида истиқомат қилувчи фуқаро Н.Рустамованинг ишдан ноқонуний бўшатилиши ҳақидаги мурожаатини кўриб чиқиш якуни бўйича Н.Рустамова лавозимига тикланди.

Шунингдек, киритилган тақдимномаларга мувофиқ фуқароларга 669 миллион сўмдан ортиқ пул тўланди. Жумладан, меҳнат ва ижтимоий масалалар соҳасида 342 миллион, халқ таълими соҳасида 18,4 миллион сўм бошқа масалалар юзасидан 309 миллион сўмдан ортиқ маблағ фуқаролар фойдасига ундирилган.

Масалан, “Ўзбекқиш-локмаш” ОАЖга иш ҳақини тўлаш тўғрисида киритилган тақдимномага кўра ушбу корхонанинг 353 нафар ишчисига 77 миллион сўмдан ортиқ иш ҳақи тўланди. “Навоийсаноат-транс” шўъба корхонаси 23,3 миллион сўм Навоий вилояти Қизилтепа тумани Машина-трактор парки 9,25 миллион сўм, Навоий вило-

биринчи ўринбосари Б.Хасанов ва ўринбосар Т.Раҳимов, қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи И.Очилов, бош меъмор Б.Раҳमतов, ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи ҳамда мутахассиси Н.Авезов ва Н.Муталовлар суд қарорига биноан маъмурий жавобгарликка тортилди.

Айбдор шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисида 28 та таклиф киритилди ва уларнинг 31 нафари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан жавобгарликка тортилди.

Масалан, Тошкент вилояти Қибрай тумани прокуратурасига киритилган таклифга кўра, фуқаро М.Қорабоевнинг 27-мактаб маъмурияти, шу мактаб директори ва директор ўринбосарининг ҳатти-ҳаракатларидан норозилиги ҳақидаги мурожаатини кўриб чиқиш натижалари бўйича Э.Исмаев ва М.Валиев Жиноят кодексининг 205-моддаси биринчи қисми ва 209-моддаси биринчи қисми, ушбу мактаб ўқитувчиси Н.Жўраев Жиноят кодексининг 228-моддаси учинчи қисми бўйича жиноий жавобгарликка тортилди.

Тошкент вилояти Оҳангарон тумани прокуратурасига киритилган таклифга кўра, фуқаро Л.Шадринанинг аризасини кўриб чиқиш натижалари бўйича Тошкент вилояти Оҳангарон тумани давлат нотариал идораси нотариуси А.Ҳамраев, Оҳангарон шаҳар ҳокимлиги ҳуқуқшунос-маслаҳатчиси И.Имонов ва фуқаро З.Қутлигулова Жиноят кодексининг 209-моддаси биринчи қисми ва 228-моддаси иккинчи қисмининг “б” банди бўйича жиноий жавобгарликка тортилди.

Адлия органлари томонидан судларга қиймати 393

миллион сўмдан ортиқ 1499 та даъво аризаси тақдим этилган. Уларнинг қиймати 260 миллион сўмдан ортиқ 1125 таси қаноатлантирилди, қиймати 247 миллион сўмга тенг 1014 тасининг ижроси тўлиқ таъминланди. 103 та даъво аризаси бўйича суд қарорига мувофиқ 32 нафар мансабдор шахсдан етказилган 2,9 миллион сўмдан ортиқ маънавий зарар ва 7,8 миллион сўмдан ортиқ моддий зарар ундирилди.

Мисол учун, суд қарорига биноан “4-қурилиш трести” ОАЖдан 218 нафар ишчига иш ҳақини тўлаш учун 46 миллион сўмдан ортиқ, “Мотор заводи” ОАЖдан 76 нафар ишчига тўлаш учун 20 миллион сўмдан ортиқ иш ҳақлари тўланиши таъминланган.

Шунингдек, маънавий зарарни қоплаш мақсадида

ажратишда 1215та, шартнома тузиш ва уларнинг ижросини таъминлашга оид 122041та, бошқа соҳаларда 47755 та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари қайд этилди.

Ҳуқуқбузраликларни содир этган айбдор шахсларга нисбатан қатъий жазо чоралари кўрилмоқда. Тадбиркорлик субъектлари, хусусий мулк эгалари, хорижий инвесторлар ва чет эл инвестицияси иштирокида тузилган корхоналарнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида адлия органлари томонидан 2069 та тақдимнома, 1472 та огоҳлантириш ва 325 та кўрсатма киритилди. Ушбу таъсир кўрсатиш чоралари натижа-сида 2819 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди, шу жумладан, 181 нафар шахс эгаллаб турган лавозимидан

қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ва тайёрловчи, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида 1 миллион 160 мингдан ортиқ шартнома тузишда иштирок этди.

Шунингдек, хўжалик юртимчи субъектлар ўртасидаги шартнома муносабатларини такомиллаштириш, шартнома интизомини суд тартибида мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунини таъкидлаш керакки, шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар бўйича судларга қиймати 79 миллиард сўмдан ортиқ 36600 дан ортиқ даъво аризаси тақдим этилди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар, чунончи, давлат эҳтиёжлари учун 2008 йилги ҳосилдан бошоқли дон сотиб олиш бўйича шартномаларни бажармаган фермер хўжаликлари мақсадида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бош прокуратураси ва Олий ҳўжалик судининг кўшма кўрсатмасига мувофиқ кўрилган чоралар натижасида фермер хўжаликлари дон корхоналарига натуро шаклида 94044 тонна галла топширди, 1 миллиард 812 миллион сўмга тенг зарарни ихтиёр қоплашга эришилди.

Бундан ташқари, Адлия вазирлиги ҳуқуқни қўллаш амалиётида ягона давлат сиёсатини юритиш бўйича самарали фаолият кўрсатмоқда.

Бу борада Адлия вазирлигининг қонун лойиҳаларини тайёрлаш фаолияти муҳим йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда. Вазирли-нинг қонун ва бошқа норма-тив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш борасидаги роли “**Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида**”ги Қонун билан белгиланади. Ушбу Қонун нормаларига мувофиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Ад-лия вазирлиги томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши лозим.

Шу муносабат билан Адлия вазирлиги мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳнамолигида, айниқса, суд-ҳуқуқ ва иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқишда иштирок этадиган орган ҳисобланади.

Таъкидлаш керакки, сўнгги йилларда инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишнинг муҳим кафолати сифатида суд ҳокимияти нуфузини мустаҳкамлаш, судлар мустақиллигини таъминлаш, демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамиятини қуришда уларнинг ролини кучайтириш бўйича муайян ишлар амалга оширилди.

Судларни жиноий, фуқаролик ва хўжалик ишларига ихтисослаштириш қонуний мустаҳкамланди ва бу ишларни кўриб чиқиш сифати оширилди. Ишларни апелляция тартибида кўриб чиқишнинг жорий этилгани судда ишни кўриб чиқишда овозагарчиликларга йўл қўймасликнинг муҳим кафолати бўлиб хизмат қилмоқда. Жиноий жазо сифатидаги ўлим жазоси бекор қилинди, “Хабеас корпус” институти жорий этилди. Суд жараёнида ҳимоячи ва айбловчи ҳуқуқларининг

тенглиги, уларнинг тортишувлик принципини амалга оширишни таъминлайдиган ҳуқуқий механизмлар ташкил этилди.

Қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиётини либераллаштириш бўйича қайд этилган чоралар судгача тергов ишлари тезкорлиги ва сифатини ошириш, одил судловни амалга ошириш, суд жараёни иштирокчилари ҳуқуқларига риоя қилишнинг процессуал кафолатларини кенгайтиришни таъминлади.

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги барча ижобий ўзгаришлар изчил ва босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар натижаси ҳисобланади.

Бундан ташқари, Адлия вазирлиги “Ёшлар йили” Давлат дастурига биноан қатор қонун, ҳуқуқ қарорлари, шунингдек, вазирликлар, идоралар ҳамда ташкилотларнинг кўшма буйруқ ва қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этди.

Жумладан, 2008 йилда Адлия вазирлигига ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун жами 1142 та қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари тақдим этилди ҳамда улар бўйича тегишли ҳуқуқий хулосалар берилди.

Шу билан бирга, вазирликка тақдим этилган қарийб 550 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг 255 таси давлат рўйхатидан ўтказилди, қолганлари амалдаги қонунчиликка мос келмагани сабабли рад этилди, айримлари техник ҳужжатлар сифатида эътироф этилди. Ўтган давр мобайнида давлат рўйхатидан ўтказилган мингдан ортиқ идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа муассасалар билан ҳамкорликда таҳлил қилинди. Натижада 242 та идоравий норма-тив-ҳуқуқий ҳужжат бугунги кун талаблари ва амалдаги қонун нормаларига жавоб бермаслиги аниқланди ҳамда улар давлат реестридан чиқарилди.

Шунингдек, Адлия вазирлиги томонидан 359 та норма-тив-ҳуқуқий ҳужжат давлат рўйхатидан ўтказилди 1222 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатга тегишли ўзгаришлар киритилди.

Аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва саводхонлигини ошириш, юридик ва жисмоний шахсларнинг қонун ҳужжатларидан кенг фойдаланишини таъминлаш, жамиятни ҳуқуқий ахборотлаштириш тизимини такомиллаштириш ҳамда давлат органларининг ҳуқуқий тарғибот бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш Адлия вазирлиги фаолиятида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Ушбу масалага давлатимиз раҳбарининг “**Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида**”ги Фармонида ҳам алоҳида эътибор қаратилган эди. Ушбу Фармонга мувофиқ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тасдиқланди. Мазкур дастурда Адлия вазирлиги зиммасига тегишли вазирлик ва

идоралар билан ҳамкорликда 23 та тадбир ижросини таъминлаш вазифаси юклатилган эди ва ушбу вазифалар тўлиқ амалга оширилди.

Адлия вазирлиги томонидан 2008 йилда инсон ҳуқуқларини тушунтириш соҳасида республика бўйича 10991 та тарғибот ишлари ўтказилди, уларнинг 2003 таси оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлардир.

Республика аҳолиси билан 6 мингдан ортиқ учрашув ўтказилди. Инсон ҳуқуқларига бағишланган китоблар ва журналларнинг ташкил этилган кўчма кўргазмасида ўзбек, рус, инглиз, француз, немис ва бошқа тиллардаги 1000 дан ортиқ китоб намоиш этилди.

“**Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили**” деб эълон қилинган жорий йилда қишлоқ аҳолиси манфаатларини тўлиқ таъминлашга қаратилган ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, шунингдек, ушбу йўналишдаги амалдаги қонун ҳужжатларини бугунги кун нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш вазирлик учун устувор вазифалар ҳисобланади. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, “**қишлоқ хўжалигидаги ислохотларни чуқурлаштириш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, уларга янада кенг йўл очиб бериш, бу борада янги имтиёз ва имкониятларни туғдириш, қисқача айтганда, қишлоқда пайдо бўлаётган мулкрий муносабатларни, янги ўрта синф вакиллари – мулкдорлар, тадбиркор ва ишбилармонларнинг манфаатларини ҳимоялаш бугунги кунда энг катта аҳамиятга эга**”.

Мамлакатимиз Президентининг 2009 йил 26 январда қабул қилинган “**Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили**” Давлат дастури тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ Адлия вазирлиги зиммасига юкланган вазифалар ижросини тўлиқ таъминлаш мақсадида вазирлигининг соҳага оид дастури ишлаб чиқилди, унинг ҳар бир банди бўйича алоҳида масъул ижрочилар тайинланди.

“**Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили**”да қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, ушбу қонун ҳужжатлари ижросининг таъминланишини ўрганиш, кенг оммага уларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш адлия органлари ходимларининг биринчи даражали вазифаси саналади. Ушбу вазифалар адлия органлари ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди ва улар шубҳасиз, ушбу йўналишдаги мақсад ва вазифаларни ҳаётга татбиқ этишга ҳаракат қилади.

“**Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили**”да қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, ушбу қонун ҳужжатлари ижросининг таъминланишини ўрганиш, кенг оммага уларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш адлия органлари ходимларининг биринчи даражали вазифаси саналади. Ушбу вазифалар адлия органлари ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди ва улар шубҳасиз, ушбу йўналишдаги мақсад ва вазифаларни ҳаётга татбиқ этишга ҳаракат қилади.

Равшан МУҲИТДИНОВ,
Ўзбекистон
Республикаси
Адлия вазирлиги

ҲИМОЯ ҚИЛИШ

фидокорона меҳнат қилишга чорлайди

суд қарорлари билан “Санот-энергиямонтаж” ОАЖдан фуқаролар Г.Энверова, Х.Бурхонов, Б.Аламов, О.Кислицина ва бошқалар фойдасига 289 минг сўм ундирилди.

Маълумки, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда тадбиркорлик соҳаси вакилларининг ҳиссаси каттадир. Шу муносабат билан тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, жумладан, уларни муаммосиз рўйхатдан ўтказиш, ҳисобга олиш бўйича ишлар адлия органларининг доимий эътиборидадир. Адлия органлари томонидан ўтган давр мобайнида 11543 нафар юридик шахс давлат реестрига киритилди, 2008 йилда қарийб 453 нафар юридик шахс давлат рўйхатидан ўтди.

Тадбиркорларни рағбатлантиришга қаратилган қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш, уларнинг бузилган ҳуқуқларини қайта тиклаш ва турли ноқонуний хатти-ҳаракатлардан ҳимоя қилиш бўйича чоралар кўрилмоқда. Бу борада юзага келадиган муаммо ва тўсиқларнинг ўз вақтида олдини олиш мақсадида адлия органларининг ишонч телефонлари ташкил этилди. 2008 йилда тадбиркорлардан ушбу телефонлар орқали 2262 та муурожаат келиб тушди, уларнинг 1294 таси қаноатлантирилди.

Ўтган йили жойларда адлия ходимлари томонидан ўтказилган 7 мингдан ортиқ текширув натижасида 187 мингта ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланди.

Хусусан, тадбиркорларни рўйхатга олиш борасида 2335та, банк соҳасида 8079та, солиққа тортиш борасида 861та, лицензия ва бошқа рухсатномалар бериш юзасидан 3997та, рухсат этилмаган текширув ўтказиш (56) ва текширув тартибини бузганлик бўйича 748та, ер

озод қилинди. Кўрилган чора-тадбирлар якунлари бўйича давлат бошқарув органларининг тадбиркорларнинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларига тўсқинлик қилувчи 548 та ноқонуний қарори бекор қилинди ҳамда тўхтатилди. Бундан ташқари, тадбиркорлар ҳуқуқларини қайта тиклаш мақсадида судларга қиймати 16,5 миллиард сўмга тенг 2823 та даъво аризаси тақдим этилди, улардан қиймати 13,9 миллиард сўмга тенг 2205 та даъво аризалар судлар томонидан қаноатлантирилди.

Адлия органларига хорижий инвесторлар ва чет эл инвестицияси иштирокида тузилган корхоналардан 505 та муурожаат келиб тушди. Уларнинг 350 таси (69,3 фоизи) қаноатлантирилди, 97 таси бўйича ҳуқуқий тушунтиришлар берилди. Хорижий инвесторлар ва чет эл инвестицияси иштирокида тузилган корхоналар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида 275 та тақдимнома ва 111 та таклиф киритилди. Натижада, 244 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди, тегишли органларга 48 нафар шахсни маъмурий жавобгарликка, 3 нафар шахсни жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисида таклифлар киритилди. 576 нафар мансабдор шахс бундан буён қонун талабларининг бузилишига йўл қўймаслик ҳақида расман огоҳлантирилди.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни рўёбга чиқаришда қонун устуворлигини таъминлаш мақсадида адлия органлари шартномалар тузиш, ер ажратишда бевосита иштирок этишмоқда, тадбиркорлик субъектлари, асосан фермер хўжаликлари ҳуқуқий маслаҳат берилмоқда. Жумладан, адлия органлари ходимлари



АТРОФГА хушбўй ифорлар таратиб, боғлару, қир-адирларни гулларга тўлдириб яна баҳор келди. Келинчакдек оппоқ либосга бурканган ўригу бодом шохларидаги қушлар нолиши ўзгача. Ўз инига қайтган қалдир-гочлар полапонларини учирма қилган масканни яна эсон-омон топганларидан мамнун сайрашади.

Адлия вазирлиги: умумхалқ ҳашари

Хайрли ишга барча бирдек масъулдир

КЎКЛАМ даракчиси, ажойиб байрамларимиздан бири бўлмиш Наврўзи олам яна ўлкамиз меҳмони. Ушбу шодиёна арафасида мамлакатимизда кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари авжида. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг Фармойиши билан мамлакатимизда жорий йил март-апрель ойлари "Ободонлантириш ва кўкаламзорлаштириш ойликлари", деб эълон қилинди ва унинг доирасида 14-15 март кунлари республика бўйлаб умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилди.

Ижтимоий ҳамкорлик, беғараз ёрдам, меҳр-оқибат, покланиш, саранжом-сарилталик каби миллий қадриятларимизга хос эзгу фазилатларни ўзида уйғунлаштирган Наврўз шодиёналари билан ҳамоханглик касб этди.

Хайрия ҳашарини ўтказиш бўйича республика штабидан олинган маълумотларга кўра, умумхалқ ҳашарида 16 миллион-

дан ортиқ аҳоли томонидан 30 минг гектар майдон, 7552 та зиёратгоҳда ободонлаштириш ишлари олиб борилди, 21 минг километр узунликдаги ариқ ва зовурлар тозаланди. Шунингдек, 26 миллион туп мевали ва манзарали дарахт ниҳоллари ҳамда гул кўчатлари экилди.

Умумхалқ ҳашарида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ходимлари ҳам сидқидилдан меҳнат қилиб, ободонлаштиришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Хиёбон ва кўчалар тозаланди, турли мевали дарахтлар ва гул кўчатлари экилди.

Бундай хайрли ишларни бажаришга барча бирдек масъулдир. Зеро, бу масъулият барчамизнинг ҳаловатимиз учундир.

Дилфуза АХМЕДОВА,
Адлия вазирлиги
масъул ходими



Мулоҳаза

Инсон ҳуқуқлари ҳимояси

Конституция билан кафолатланган

КОНСТИТУЦИЯМИЗДА инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳимоялаш, уларнинг эркин яшashi, ижод қилиши, жамиятнинг тўлақонли аъзосига айланиши учун муносиб ҳаёт кечирishiни таъминлашнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланган.

АЙНИҚСА, мамлакатимизда ислохотларнинг дастлабки босқичидаёқ инсон ҳуқуқлари устуворлигини таъминлаш таъмоилига таяниб, миллий ҳуқуқий тизим барпо этилди ва инсон манфаатлари ислохотлар стратегиясининг асоси сифатида белгиланди. Республикаимизда демократиянинг умуминсоний таъмоилларга асосланиши, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият саналиши Бош қомусимизда ёрқин ифодасини топган. Хусусан, Конституцияимизнинг 13-моддасига кўра **"инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади"**, дея алоҳида қайд этилган.

18-моддада **"Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, этникоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенг"** эканликлари белгилаб қўйилган. Ўз навбатида, Бош Қомусимизнинг асосий мазмун-моҳиятида яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқи эканлиги, ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгаллиги, ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон кадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги таъйиққа дучор этилиши мумкин эмаслиги конституциявий меъёр сифатида мустаҳкамланган.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, инсон ҳақ-ҳуқуқларининг таъминланишида

Конституция энг муҳим ва барқарор ижтимоий муносабатларни тартибга солиб, халқимизнинг хоҳиш-иродасини ифода этиши билан биргаликда турли сиёсий кучлар, ижтимоий табақалар ва гуруҳлар манфаатларининг ўзаро муросасини таъминлайди. Шу маънода айтиш мумкинки, Конституция ва қонунларда белгиланган ҳуқуқий қадриятлар бутун омма манфаатини кўзлайди ва ҳимоя қилади. Бинобарин, Конституцияни ҳурмат қилиш, унга риоя этиш ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

Умуман олганда, мустақиллик йиллари республикаимизда фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари шакллантирилди ва у ривожланиб бормоқда. Барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, Конституция ва қонунларнинг устунлиги таъминланганлиги мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ислохотларнинг қанчалик жадал суръатларда ривожланаётганидан дарак беради. Конституция ва қонунларнинг устунлиги принципи шуни англатадики, бунда барча жорий қонунлар ва меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция асосида ва унга мувофиқ бўлиши талаб этилади. Табиийки, қаерда қонун устувор бўлса, ўша ерда инсон ҳуқуқлари тўла таъминланади, бу ҳуқуқларнинг поймол бўлишига йўл қўйилмайди.

Озода АБДУРАҲМОНОВА,
Зангиота туманида хусусий
амалиёт билан шуғулланувчи
нотариус

Андижон нефть маҳсулотлари унитар корхонаси жамоаси

фасллар келинчаги баҳор байрами —
Наврўзи олам билан мамлакатимиз
аҳлини қизғин қутлайди.

Хонадонларимиз тинч, дастурхонимиз
тўкин бўлсин, Наврўзнинг қутлуғ қадами
барчамизга муборак бўлсин!

Ризқу-рўзимизга путур етмасин

РЕСПУБЛИКА Адлия вазири томонидан 2009 йил 5 январда тасдиқланган “Адлия вазирлиги марказий аппарати ҳамда ҳудудий адлия органлари ходимлари томонидан 2009 йил давомида бошқа идоралар билан ҳамкорликда қишлоқ аҳолиси ва ёшлари ўртасида ўтказиладиган ҳуқуқий тарғибот тадбирлари режаси”га асосан Тошкент вилояти, Бўка туманидаги агросаноат коллежида Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 10 декабрдаги “Қишлоқ хўжалиги экинзорларининг пайҳон қилинишига қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 272-сонли қарори мазмун-моҳияти

ҳақида давра суҳбати ўтказиш белгиланган.

Шу мақсадда, туман ҳокимлиги, ички ишлар бўлими, қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари ва маслаҳатчилари, фермер хўжалик раҳбарлари, ўқитувчи ва талаба-ёшлар иштирокида тадбир ўтказилди.

Мамлакатимиз раҳбари томонидан 2005 йил 3 мартда қабул қилинган ПҚ-22-сонли Қарорига асосан, экинзорлар пайҳон қилинган жойда ушланган чорва моллари фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига топширилиши ҳамда улар фақат чорва моллари эгасига нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий жазо

чоралари қўлланилиб, етказилган зарар тўлиқ ундириб олингандан кейин қайтариб берилиши белгиланганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 10-боби, 104-моддасида “**Экинзорни пайҳон қилиш, қишлоқ хўжалик экинларини далада тўплаб қўйилган ҳосилга зарар етказиш ёки уни йўқ қилиб юбориш, шунингдек, техника воситалари орқали кўчатларга шикаст етказганлик учун**” энг кам ойлик иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солиниши белги-

ланган.

Шу модданинг 3-қисмига асосан, ушбу ҳуқуқбузарликни маъмурий жазо чораси қўлланилгандан сўнг бир йил давомида такрор содир этган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши белгиланган.

Тадбирда иштирокчилар шу сингари маълумотларга эга бўлиш баробарида, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олдилар.

Шавкат САТТОРОВ,
Адлия вазирлиги
масъул ходими

Наманган вилояти суд департаменти жамоаси

қадимий ва миллий Наврўз байрами билан юртимиз аҳлини самимий муборакбод этади! Ўлкамизга ўзининг гўзал таровати ила кириб келаётган ушбу гўзал айём хонадонларимизга тинчлик-тотувлик, дастурхонларимизга а тўкин-сочинлик олиб келсин.

Ҳар бир халқ ифтихор туйғуси билан яшайди

МАМЛАКАТИМИЗ мустақилликка эришганидан сўнг, ҳуқуқматимиз раҳнамолигида халқимизнинг азалий қадриятларидан бири бўлган НАВРЎЗ байрами

қайта тикланиб, ифтихор билан нишонлаб келинмоқда.

2008 йил якунлари бўйича Суд департаментининг Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқар-

маси “Суд қарорлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонун ижросини таъминлашда республикада етакчи ўринларни эгаллаб, Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшганидан мамнунмиз.

Наврўз айёми муносабати билан кўп миллионли ва кўп миллатли халқимизни самимий муборакбод этамиз. Улар қалбида эзгу умидлар янада жўш ураверсин. Зеро, умид инсонларни юксакликка, бахту саодатга етаклайди.

Ушбу зафарли йўлда хизмат қилаётган халқимиз йўли мунаввар, орзу қўшлари янада юксак парвозли бўлишини тилаймиз.

Суд департаментининг Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси жамоаси



Сенатор минбари

Қонун устуворлиги — ютуқлар гарови

ҚОНУНЧИЛИКНИ, ҳуқуқий маданиятни, фуқаролар ҳуқуқлари дахлсизлигини таъминлашда матбуот энг муҳим тарғибот-ташвиқот воситаси саналади. Халқимиз Президент фармонлари, қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлис Сенати қарорлари, муҳим меъёрий ҳужжатлар билан биринчи галда оммавий ахборот воситалари орқали танишади.

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ та-шаббуси билан жойларда “Жамият аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти” мавзuida мунтазам семинар йиғилишлари ўтказилганлиги ва ҳуқуқий мавзулардаги теле ва радио материалларни ёритишда журналист маҳорати тўғрисида батафсил фикр юрити-лаётганлиги айниқса аҳамиятлидир.

Халқимизда: “Ҳисобини билмаган ҳаменидан айрилар”, деган ибратли нақл бор. Худди шундай, ўз ҳақ-

ҳуқуқини билмаган одам ҳам кўпгина имкониятларни бой бериб қўйиши мумкин. Бироқ, аини пайтда истиқлол берган имкониятлардан кенг фойдаланиб, яратилган ҳуқуқий асослар кўмагида жуда катта ютуқларни қўлга киритаётган юртдошларимиз барча соҳаларда бор.

Жумладан, ўзим ҳам Ўрта-чўлнинг ўта оғир чўл шароитида 78 гектар ер олиб, 1999 йили “Валиобод” фермер хўжалигини ташкил этдим. Ўша пайтлар бу ерлардан зўрға 10-12 центнер ҳосил олинарди. Ҳозирги кунда эса пахтадан 43 центнер,

ғалладан 45 центнер ҳосил кўтараяпмиз. Бугунги кунда экин экиладиган ерларимиз 91,9 гектарни ташкил этаяпти. Шундан 52,7 гектари ғалла экиладиган майдонлардан иборат. Ҳозирги кунда фермер хўжалиги молиявий аҳволи барқарорлаштирилиб, 73 миллион сўм даромад олишга эришдик.

Олинган фойдадан ер ҳайдайдиган “Олтай” ва вилоят Лизинг компанияси кўмагида пахта қатор ораларига ишлов берувчи “ТТЗ 80-11” русумли тракторлар олдик.

Юртбошимиз “**Ҳуқуқий маданият даражаси фақатгина қонунларни биллиш, ҳуқуқий маълумотлардан хабардор бўлишдан иборат эмас. У қонунларга амал қилиш ва уларга бўйсунуш маданияти демакдир**” дея таъкидлаганлар. Дарҳақиқат, ўз тажрибаларимизга таяниб айтсам, мамлакатимиз қонунла-


рига тўла амал қилган ҳолда иш юритганимиз боис, яхши натижаларни қўлга киритаяпмиз. Ўзим оддий деҳқон кизи бўлсам-да, бугунги кунда парламентнинг юқори палатаси фаолиятида бевосита иштирок этиш бахтига муяссар бўлдим. Ўзбекистон фермер хўжаликлари Марказий Кенгаши аъзосиман. Келгусида ўзимиз етиштирган маҳсулотларни қайта ишлаш мақсадида корхоналар ташкил этиш, кўшимча иш ўринлари яратиш, хориж бозорларига чиқиш режаларимиз бор. Ишончим комилки, қонунлар устувор бўлган мамлакатда яшар эканмиз, бу орзу-ниятларимиз албатта, амалга ошади.

Раъно ВАЛИВА,
Навоий вилояти
Кизилтепа туманидаги
“Валиобод” фермер
хўжалиги раҳбари,
Олий Мажлис
Сенати аъзоси

Ангрен компьютер ва ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи жамоаси

Баҳор байрами, янгилашиш ва яшариш айёми бўлган Наврўз билан Ўзбекистон халқини ва меҳмонларини чин дилдан муборакбод этади.

Юртимиздан тинчлик, хонадонларимиздан эса шодлик аримасин.



ЮРТИМИЗДА олиб борилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини кенг оммага етказиш ва ҳаётга тадбиқ этиш, амалдаги мавжуд қонунлар ижросини таъминлаш, фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Тошкент вилояти адлия бошқармаси томонидан қатор ишлар амалга оширилмоқда.

“АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ тўғрисида”ги Низомга асосан, вилоят адлия бошқармаси ва куйи тизим идоралари ходимлари томонидан 2008 йил давомида аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини янада юксалтиришга қаратилган жами 3288 та ҳуқуқий тарғибот тадбирлари амалга оширилди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, қонун устуворлигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини кенг оммага етказишда ҳуқуқий тарғибот муҳим аҳамиятга эгадир.

2008 йил 17 апрелда қабул қилинган “Одам савдосига

қарши кураш тўғрисида”-ги Қонун ва Президентимиз томонидан 2008 йил 8 июлда қабул қилинган “Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ижросини таъминлаш юзасидан вилоятнинг 21 та туман ва шаҳарларида турли кўринишдаги ўқув-семинарлари олиб борилди.

Шунингдек, Президентимизнинг 2008 йил 1 майдаги “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига

бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида”ги Фармони бўйича адлия бошқармаси томонидан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ва мамлакат қонун ҳужжатлари намуналари, олимлар фикрлари мужассамлаш-

туманларида ўтказилган 416 та ўрганиш натижасида 54 мингдан ортиқ қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Мазкур қонунбузилишларни бартараф этиш мақсадида, бошқарма томонидан 445 та тақдимнома кири-

шувларнинг олдини олиш, тадбиркорлик субъектларига янада қулайлик яратиш мақсадида, бошқарма томонидан кўшимча равишда “Ишонч телефони”нинг янги кўринишдаги эълонлари тарқатилди.

Инсон манфаатларининг ҳимояси

ган “Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари” китоби нашр этилди.

2008 йил давомида бошқармага келиб тушган жами 3836 та хат ва ҳужжат кўриб чиқилди.

Тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгалари, хорижий инвестициялар иштирокидаги қўшма корхоналарнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий ишларини назорат қилиш ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида вилоят

тилиб, аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари бартараф этилди.

Тақдимномалар натижасида маҳаллий давлат ҳокимияти ва давлат бошқаруви органларининг ноқонуний 144 та қарорининг ижроси бекор қилиниб, 453 та айбдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди, шундан 33 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод қилинди.

Вилоятдаги тадбиркорлик субъектлари эркинлигини таъминлаш, уларнинг қонуний фаолиятига ноқонуний арала-

Жумладан, тадбиркорлар ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида, вилоят адлия бошқармаси томонидан Паркент туманида яшовчи фуқаро У.Усмановнинг Паркент туман Давлат солиқ инспекция ходимлари хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб ёзган аризасига асосан ўрганиш ўтказилди.

Аниқланишича, Паркент тумани Давлат солиқ инспекциясининг буйруғи билан ДСИ ходимлари томонидан туман деҳқон бозорида жойлашган фуқаро М.Усмоновага

Инсон қадри — улуғ неъмат

ДАВЛАТИМИЗ томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Янги иш ўринларини яратиш, қўшимча касб-ҳунарга йўналтириш, касаначилик, миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш, тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжалиқларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинишидан мақсад, халқимизнинг даромад манбаини янада оширишдир.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ, юртимизнинг барча жойларида ёш оилалар уй жиҳозлари сотиб олиш, уй-жой қуриш, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишлари учун имтиёзли кредитлар ажратилмоқда. Лекин афсуски, айрим юртдошларимиз тезда катта бойликка эга бўлиш, мўмай пул топиш илинжида чет давлатларга ноқонуний йўллар билан чиқиб кетиб, “одам савдоси” деб аталмиш мудҳиш жиноят қурбонларига айланиб қолмоқдалар. Имону эътиқодини йўқотган, тубан кимсаларнинг алдов тўрига кўпроқ хотин-қизлар ҳамда вояга етмаганлар тушиб қолаётганлиги инсон қалбини ларзага солади. Юртбошимиз нафақат Ўзбекистон фуқароларини, балки бутун дунё халқини инсон ҳуқуқларига таҳдид солаётган иллатлардан ҳимоя қилишда дунё ҳамжамияти баҳамжиҳат кураш олиб бориши лозимлигини бир неча бор уқтириб келмоқда. 2008 йил 17 апрелдаги “Одам савдосига қарши кураш тўғрисида”ги Қонун ва Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги “Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори бу эзгу мақсад йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг яна бир амалий исботидир. Бугунги кунда юртимиз бўйлаб, мазкур қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлаш мақсадида турли чора-тадбирлар



ишлаб чиқилган. Тошкент вилояти адлия бошқармасининг нотариал идора ходимлари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органлари, тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда қишлоқ ва маҳалла йиғинлари ҳамда ўқув юртларида турли тадбирлар олиб борилмоқда.

“Ўз тақдирингдан огоҳ бўл”, “Алданиб қолманг”, “Кулликка рози бўлманг”, “Оила аёл билан барқарор” каби мавзуларда мунтазам равишда олиб борилаётган давра суҳбатлари, ўқув-семинарлари фуқароларимизнинг, шу жумладан, ёш йигит-қизларимизнинг ҳуқуқий тафаккури ва ватанпарварлик туйғуларини янада оширишига шубҳа йўқ. Зеро, ҳуқуқий тафаккури юксак, маънавияти бой инсон ҳеч қачон ўз эркини бой бериб, қуллик домига тушиб қолмайди.

Гўзал ХОДЖАЕВА,
Зангиота тумани нотариуси

ТОШКЕНТ ТУМАНИ қишлоқ хўжалик касб-ҳунаар коллежи, Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Кенсой қишлоғида жойлашган бўлиб, қишлоқ ва сув хўжалиги учун юқори савияли, миллий мутахассис кадрлар тайёрлайди.

Назария ва амалиёт уйғунлиги

КОЛЛЕЖ ҚУВВАТИ 1050 ўринга мўлжалланган бўлиб, ҳозирги кунда 1217 нафар ўқувчи 11 та йўналиш — ветеринария, ўсимлик-шунослик бўйича фермер хўжалигини ташкил этиш ва юритиш, чорвачилик бўйича фермер хўжалигини ташкил этиш ва юритиш, қишлоқ хўжалигини механизациялаш, автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини стандартлаш ва сертификатлаштириш, молия, бухгалтерия ҳисоби, хўжаликнинг ҳуқуқий фаолияти, агрономия йўналишлари бўйича таҳсил олмақда.

Ўқув юртимизда бюджетдан ташқари маблағ ишлаб топиш йўлга қўйилган.

2004 йил Япония давлатининг имтиёзли кредити асосида қоллежнинг ўқув хоналари, лаборатория ва устахоналари замонавий асбоб-ускуналар билан қайта жиҳозланди.

Коллежда қишлоқ хўжалик

маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш мутахассислиги бўйича томат паста, жем, кетчуп ишлашга мўлжалланган мини цех мавжуд. Ушбу мутахассислик ўқувчилари ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётларини шу цехда ўташди.

Коллежни битирган ўқувчилар ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлашишлари учун барча чора-тадбирлар амалга оширилган. Масалан, 2007-2008 ўқув йилида коллежнинг 224 нафар битирувчиси (98/8%) ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашди.

Ўқувчилар ишлаб чиқариш ва диплом олди амалиётларини ўташлари учун 70 га яқин корхона ва ташкилот билан коллеж ўртасида шартнома тузилган.

Жорий йилнинг “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” деб номланиши қишлоқ хўжалиги мутахассислари тайёрлашда биздан янада юксак масъулият талаб қилади.

Шоҳиддин ЧОРИЕВ,
Коллеж директори

тегишли савдо дўконида режадан ташқари қисқа муддатли текшириш ўтказилган. Текшириш ўтказиш мобайнида текшириш тартиби бузилганлиги, яъни текшириш далолатномасига текширишда холис сифатида

киритилди.

Тақдимнома инспекция меҳнат жамоаси умумий йиғилишида атрофлича муҳокама этилиб, қонунбузарликка йўл қўйган мансабдор шахсларга nisbatan интизомий жазо чоралари сифатида

задан ўтказилди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича МДХ ва хорижий давлатлар тажрибасини, халқаро нормаларини миллий қонунчиликка инмплементация қилиш бўйича инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳаси-

ошириш натижасида, 2 млрд. сўмдан ортиқ давлат божи ундирилди. Фуқароларга 379 млн. сўмлик пуллик ҳуқуқий хизмат кўрсатилди.

Ҳозирда бошқарма томонидан республика миқёсидаги барча нотариуслар фаолиятида бир хил амалиёт қўлланилишига эришиш мақсадида, тавсиявий характерга эга бўлган алоҳида қўлланма ишлаб чиқиши арафасида турибди.

Аҳолига ҳуқуқий хизмат кўрсатиш сифатининг оширилишига ва янги шарт-шароитлар ҳамда қулайликларга эга бўлиш мақсадида, Тошкент вилояти ФХДЁ архивининг янги биноси қурилиб фойдаланишга топширилди.

Хайрли ишларимизнинг давоми сифатида, Тошкент вилоятининг Қибрай ва Қуйчирчиқ туманлари ФХДЁ бўлимлари ҳам бино билан таъминланди. Келгусида вилоятнинг

туман ва шаҳарларида ФХДЁ идораларининг биноларини таъмирлаш ва айримларига янги бинолар қуриш режалаштирилмоқда.

Бу борадаги фаолияти-миздан кўзланган асосий мақсад фуқароларга ҳуқуқий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, аҳолига янада қулайликлар ва шарт-шароитлар яратишни таъминлашдан иборат.

Шаҳар ва туман ФХДЁ бўлимлари томонидан ўтган йил давомида 100 мингтадан ортиқ фуқаролик ҳолати далолатномалар ёзиш қайд этилиб, 200 млн. сўмдан ортиқ давлат божи ундирилди.

Вилоят адлия тизими томонидан фуқароларга ҳуқуқий хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш, конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, юртимизнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий раванқи йўлида чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

— устувор вазифамиз

қатнашган фуқаро У.Ўрмоновнинг турар жойига бориб имзо қўйдирилганлиги аниқланди.

Мазкур масала юзасидан Паркент тумани Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи номига қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш ва келгусида шу каби қонунбузилиш такрорланишининг олдини олиш чора-тадбирларини кўриш, қонунбузарликка йўл қўйган мансабдор шахсларни тегишли тартибда жавобгарликка тортиш масаласини кўриб чиқиш юзасидан тақдимнома

жарима ва “хайфсан” чоралари кўрилганлиги маълум қилинди.

2008 йил давомида адлия бошқармаси томонидан суд идораларига жами 1925 та 5 млрд. сўмдан ортиқ миқдорда даъво аризалари киритилиб, шундан 1842 та даъво аризаси судлар томонидан қаноатлантирилди.

Бошқарма томонидан вилоят миқёсида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив хусусиятга эга бўлган 29 та қарори тегишли тартибда ҳуқуқий эксперти-

да қонунларни такомиллаштириш юзасидан “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонунга ва “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодексга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш юзасидан таклифлар берилди.

Вилоятимизда ҳозирги кунда 55 та давлат нотариуси, 24 та хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар фаолият кўрсатиб келмоқда. Ўтган йил давомида давлат нотариал идоралари нотариуслари томонидан нотариал ҳаракатларни амалга

**Лазиз МУСАШАЙХОВ,
Тошкент вилояти адлия
бошқармаси бошлиғи**



“NAVRUZ INTERNATIONAL CORP” қўшма корхонаси жамоаси

азиз ватандошларимизни яшарини ва янгилашни фасли — Наврўз байрами билан самимий табриклайди.

Юртимизда тинчлик-осойишталик, хонадонларимизда файзу-баракот, дастурхонимизда тўқинлик, кўнгишларимизда шодлик ва шукроналик доимо барқарор бўлсин.

Наврўзингиз қутлуғ бўлсин!



«BIO-SUT» ҚҚ

“BIO SUT” қўшма корхонаси жамоаси

Ўзбекистон халқини эзгулик тантанаси мужассам Наврўз айёми билан қизгин муборакбод этади.

Ўлмас қадриятларимиз ҳамини барқарор, юртимиз обод, осмонимиз мусаффо бўлсин. Табиий соф, фойдали моддаларга бой маҳсулотларимиз халқимизнинг тўқин дастурхонига янада файз қўшаётганлигидан мамнунмиз.



Ангрен шаҳар “Рустам Раимқулов” хусусий нотариуслик фирмаси юртдошларимизни баҳор айёми — Наврўз байрами билан самимий қутлайди.

Халқимизга энг эзгу тилаклар ҳамда мижозлар хизматида ҳамини камарбаста эканлигини изҳор қилади.

Андижон вилояти адлия бошқармаси:

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ адлия бошқармаси ва унинг ҳудудий тизимлари томонидан Конституция ва қонунларимиз билан кафолатланган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича ҳамда тадбиркорлик субъектлари, хусусий мулк эгалари, хорижий инвесторлар ва чет эл инвестициялари жалб этилган корхоналарнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида, хўжалик юритувчи субъектларга хўжалик шартномаларини тузишда, уларнинг бажарилишида, юридик шахслар, шу жумладан, нодавлат нотижорат ташкилотларини рўйхатдан ўтказишда қонунчиликка риоя қилишни таъминлашга қаратилган тадбирларни амалга ошириш бўйича 2008 йил давомида кенг қамровли ишлар амалга оширилди.

ХУСУСАН, вилоят адлия бошқармаси иш режасига асосан ўтган йилда 3 та шаҳар, 9 та туман ҳокимлиги, 152 та ташкилот ва муассасада Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Фуқароларнинг муурожаатлари тўғрисида»ги Қонунга ва бошқа инсон ҳуқуқларига оид қонун ҳужжатларига риоя қилиниши ўрганиб чиқилди. Натижада инсон ҳуқуқларига оид 256 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Бу қонунбузилишларни барта- раф этиш юзасидан юқори турувчи идораларга 39 та тақдимнома, суд органига 1 та, меҳнат бошқармасига 32 мансабдор шахсларга

нисбатан маъмурий иш материаллари, қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш юзасидан 14 та кўрсатма киритилди. Судлар-

жараёнида судларга 10 та 10.113.973 сўм иш ҳақи ва нафақа ундириш ҳамда айбдор мансабдор шахслардан 45.000 сўм маънавий зарар ундириш юзасидан даъво аризалари ҳамда қонунбузилишларнинг

эришилди. Нотариат тизимида ишловчи кадрларнинг сифат кўрсаткичлари, уларга кўйилаётган малака ва хизмат кўрсатиш одоби талаблари тобора ўсиб бормоқда. Чет эл инвесторлари

нотариуслар томонидан 10240 та гаров шартномалари тасдиқлаб берилган бўлса, бу кўрсаткич 2008 йилда 10717 тани ташкил этган.

Маълумки, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш соҳасида олиб борилаётган ислохотлар натижа- сида никоҳланувчи шахсларни никоҳдан олдин тиббий кўриқдан ўтказишга жиддий аҳамият берилиб, Оила кодексига ўзгартиш ва кўшимчалар киритилди. Бундан кўзланган асосий мақсад, аввало, жамияти- мизда соғлом оилани шакллантириш учун шарт- шароитлар яратиш, ирсият билан боғлиқ ва туғма

дан 2008 йил давомида 62.852 та туғилганлик, 23.638 та никоҳ, 638 та никоҳдан ажралганлик, 12.731 та ўлимни қайд этиш, 2.704 та ёлғиз она, 8.446 та (70 та суд қарори билан) оталикни белгилаш, 293 та фарзандликка олиш, 1.248 та фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш, 79 та далолатнома ёзувларини тиклаш, 1.845 та далолатно- ма ёзувларига ўзгартириш, тузатиш ва кўшимчалар киритиш ҳаракатлари бажарилган.

Тадбиркорлик субъектла- рини текширишни ташкил қилиш тизимини такомил- лаштириш ва текширишлар сонини кескин қисқартириш

АДОЛАТ ФАРОВОНЛИК

олдини олиш юзасидан 2 та тақдимнома, 2 та таклиф ва 2 та ёзма кўрсатма киритилди.

Қабул қилинган қонун ҳужжатларининг амалда тўғри татбиқ этилишини таъминлаш ва кенг жамоат- чиликка унинг мазмун- моҳиятини етказиш, аҳоли- нинг ҳуқуқий онги, ҳуқуқий

иштирокидаги корхоналар вакилларининг нотариал идораларга қилаётган муурожаатлари салмоғининг ортиб бораётганлиги, чет эллардаги ўқув ва бошқа муассасаларнинг Ўзбекис- тон Республикаси нотариал идораларида тайёрланган ва тасдиқлаб берилган ҳужжатларни асос қилиб олган ҳолда иш юритаётган- лиги мамлакатимиз нотариат тизимининг обрў-эйти- бори ошиб бораётганлиги- нинг яққол далилидир.

Вилоятда фаолият кўрсатаётган давлат нота- риал идоралари томонидан 2008 йил давомида жами 146 мингдан ортиқ нотариал ҳаракатлар бажарилган бўлиб, бу ҳаракатларни бажарганлик учун 768,064,1 минг сўм миқдорида давлат божи ундирилган. Фуқаро- ларга 154,923,1 минг сўм миқдорида пуллик ҳуқуқий хизмат кўрсатилган.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар томонидан эса ўтган йил давомида жами 89,5 минг- дан ортиқ нотариал ҳара- катлар бажарилиб, бунинг учун 3,345,849 минг сўм миқдорида тариф бўйича

касалликларга чалинган болалар туғилишининг олдини олиш ҳамда никоҳ- ланувчиларга тиббий-ирсий ва оилани режалаштириш масалаларида маслаҳатлар беришдан иборатдир.

Тиббий кўриқдан ўтиш ҳажми ва тартиби эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги 365- сонли қарори билан тасдиқ- ланган «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқ- дан ўтказиш тўғрисида»- ги Низом асосида олиб борилади.

Мазкур Низомни тако- миллаштириш ҳамда фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида Вазир- лар Маҳкамасининг 2007 йил 17 апрелдаги 78-сонли қарори билан ушбу низомга бир қатор ўзгартиш ва кўшимчалар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2004 йил 23 апрелдаги 58-ум-сонли буйруғи билан янги шакл- даги ўзбек, рус ва инглиз тилларида ёзиладиган туғилганлик, никоҳ тузил- ганлик, никоҳдан ажрашган- лик ва ўлим тўғрисидаги гербли гувоҳнома бланкала-

мақсадида Президентимиз- нинг 2005 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик субъект- ларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомил- лаштириш чора-тадбир- лари тўғрисида»ги Фармо- ни ижроси юзасидан олиб борилаётган тадбирлар натижасида текширишлар сони сезиларли даражада қисқарганлигини таъкид- лаш жоиз. Бошқарма томонидан назорат қилувчи органлар ўтказаетган текширишларнинг қонуний- лиги доимий назоратга олинган.

Жумладан, бошқарманинг Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими томонидан 2008 йилда назорат қилувчи идоралар томонидан текширишлар белгиланган тартибининг бузилиши, яъни тадбиркор- лик субъектини ноқонуний текшириш юзасидан 2 та ҳолат аниқланган.

2008 йил давомида бўлимга тадбиркорлик субъектлари ва фуқаролар- дан 59 та ариза ва шикоят келиб тушган.

Жумладан, Олтинкўл туманида фаолият кўрсата- ётган «Олтинкўлнинг олтин зарлари» фермер хўжалиги раҳбари Б.Холмирзаев «Микрокредитбанк» Ол- тинкўл филиали ходимлари- нинг хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб, ариза билан муурожаат қилган.

Аризада кўрсатилган важарни ўрганиш жараё- нида қуйидагилар аниқлан- ди.

«Олтинкўлнинг олтин зарлари» фермер хўжалиги раҳбари Б.Холмирзаевнинг аризасига кўра, банк томонидан 2007 йил 1 июндан 2007 йил 29 нояб- гача банк ҳисоб рақамидаги айланма пуллари тўғрисида маълумот берилган. «Ол- тинкўлнинг олтин зарлари» фермер хўжалиги раҳбари Б.Холмирзаев банк томони- дан пул маблағларини фермер хўжалигининг



га 57 та 14.864.693 сўм миқдорида иш ҳақи унди- риш юзасидан даъво аризаси киритилди.

Бошқарма иш режасига асосан киритилган тақдим- номалар натижасига кўра, 60 та мансабдор шахсга «Ҳайфсан» интизомий жазоси қўлланилган, 2 та қарор ва 20 та ноқонуний қабул қилинган буйруқ бекор қилинган. Айбдор мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беришлик учун тегишли идораларга 19 нафар таклиф киритилиб, 34 нафар мансабдор шахсга маъмурий жазо чоралари кўрилган. 3 нафар мансаб- дор шахс билан меҳнат шартномаси бекор қилин- ган.

Ўтган йил давомида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасига оид жами 80 та ариза ва шикоят келиб тушган. Келиб тушган аризаларни ўрганиш

маданиятини ошириш, тадбиркорликни ривожлан- тириш учун яратилган ҳуқуқий шарт-шароитларни тушунтириш мақсадида олиб борилаётган ҳуқуқий тарғибот ишларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз.

2008 йил давомида адлия бошқармаси ва унинг ҳудудий тизимлари ходим- лари томонидан жами 2014 мартаба ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ўтказилди.

Тарғибот тадбирлари- нинг 283 таси оммавий ахборот воситалари орқали, 1726 таси оғзаки шаклда амалга оширилган.

Адлия органлари томони- дан бошқариладиган давлат нотариати тармоғига эътибор кучайтирилди. Давлат нотариал идорала- рини замонавий компьютер техникалари билан жиҳоз- лаш, муурожаат қилувчи фуқаролар учун қулай шароитлар яратиш беришга



ҳақ ундирилган. Фуқаролар- га эса 1,033,7 минг сўм миқдорида пуллик ҳуқуқий хизматлар кўрсатилган. Масалан, 2007 йилда

ри амалиётга жорий этил- ди.

Жумладан, Андижон вилоятидаги туман (шаҳар) ФХДЭ бўлимлари томони-


ислохотлар йўлида

ҳисоб рақамидан чиқарилишида, банкда мавжуд бўлган мазкур иш бўйича барча тўлов топшириқнома-ларига фермер хўжалигининг муҳри “қандайдир” йўллар билан босилиб қолганлигини, бундан ташқари, тўлов топшириқ-номаларига қўйилган фермер хўжалигининг раҳбари ва бош ҳисобчиси-нинг имзолари сохталаштирилганлиги баён қилинган.

Шунингдек, «Орион транс савдо» МЧЖнинг 2007 йил 1 августда фермер хўжалигидан 2 030 000 сўм қарзи борлиги тўғрисидаги фермер хўжалигининг муҳри босилган, лекин раҳбарнинг имзоси йўқ

ларга 25 та тақдимнома киритилди. Киритилган тақдимномаларга асосан 24 нафар шахс интизомий жавобгарликка, 2 нафар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилди. 2 нафар мансабдор шахс эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.

Хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилишда ҳам бошқарма томонидан бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Таъкидлаш жоизки, тадбиркорликни ривожлантириш ва ҳуқуқий таъминлаш самарадорлигини ошириш, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқлари



Андижон вилояти адлия бошқармаси томонидан ушбу вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда ҳамда хорижий инвесторнинг қонуний манфаатлари бузилган ҳолатлар аниқланганда тегишли чоралар кўрилмоқда.

Хусусан, ўтган йил давомида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналардан келиб тушган жами 95 та мурожаат ўрганилиб, барчаси қаноатлантирилди. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар манфаатларини кўзлаб судларга жами 216 та 1 114 024 372 сўмлик даъво аризалари киритилди.

Уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш юзасидан жами 33 та тақдимнома киритилган бўлиб, улар натижасида 67 нафар мансабдор шахс интизомий жазога тортилган, шу жумладан, 3 нафар мансабдор шахс эгаллаб турган лавозимидан озод этилган. Киритилган тақдимномаларга асосан, 5 та қарор ва бошқа ҳужжатларнинг ижроси тўхтатилиб, бекор қилинган ва ноқонуний олинган 21 400 сўм ҳамда 163 815 800 сўм қийматидаги бино-иншоот қайтарилди. 3 нафар мансабдор шахсни маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида баённома тузилиб, ҳужжатлар жиноят ишлари бўйича судларга юборилган, шундан 3 нафари маъмурий жавобгарликка тортилган. Бўлим томонидан хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарга нисбатан қонунбузилишларни содир этган мансабдор шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш юзасидан 3 та таклиф киритилиб, шундан 3 нафар мансабдор шахс жиноий жавобгарликка тортилди.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг «Республика пахта тозалаш саноатини бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2001 йил 12 июнда қабул қилинган 252-сонли, «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартнома-

кўрсатувчи корхоналар манфаатларини кўзлаб киритилган.

Судларга киритилган даъво аризалардан 799 таси 1.010.573.177 сўмлик қисми судлар томонидан қаноатлантирилди.

Адлия бошқармаси томонидан ўрганилган хўжалик юритувчи субъектларда шартномаларни тузиш ва шартнома мажбуриятларини бажаришда аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан ҳисобот даврига қадар 102 та тақдимнома киритилиб, уларга асосан 1.415.857.412 сўм маблағ тадбиркорларга ундириб берилди. Қонунбузилиш ҳолатлари содир этилишига сабабчи бўлган шахсларнинг 55 нафарига нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилди. Шундан, 10 нафар мансабдор шахс эгаллаб турган лавозимидан озод қилинди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотларнинг пировард мақсади демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишдан иборат эканини халқимизга тушунарли тарзда етказиб беришни бугун даврнинг ўзи тақозо этаётир. Зеро, ҳуқуқий маданияти юксак халқ,

ОМИЛИ

солиштирма далолатномасига асосан «Орион транс савдо» МЧЖнинг 2007 йил 10 сентябрдаги 72-сонли фермер хўжалигидан 2 030 000 сўм ундириш тўғрисида тўлов талабномаси ҳам банк томонидан ижро этилган. Бу ҳолат

ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш Адлия идораларининг энг муҳим вазифа ва йўналишларидан бири ҳисобланади.



бўйича ҳам фермер хўжалигининг раҳбари ўз аризасида «Орион транс савдо» МЧЖга юқорида кўрсатилган суммани ўтказиб юборганлигидан хабари бўлмаганлигини баён этган.

Аниқланган ҳолатлар юзасидан вилоят прокуратурасига берилган таклифга асосан СВОЖЖДЛҚК Департаменти Олтинкўл тумани бўлими томонидан «Микрокредитбанк» Олтинкўл филиали мансабдор шахсларига нисбатан Жиноят кодексининг 167-моддаси, 2-қисми, «а» банди, 209-моддаси, 1-қисми ва 207-моддаси, 1-қисми билан жиноят иши кўзғатилди.

Шунингдек, ўтган йил давомида назорат қилувчи идоралар томонидан тадбиркорлик субъектларига нисбатан юритилган маъмурий ишларни кўриб чиқишда жами 195 та процессуал қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди.

Ушбу қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан тегишли назорат қилувчи идора-

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан Адлия вазирлиги ва ҳудудий адлия бошқармалари тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш, тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгалари, хорижий инвесторлар ва чет эл инвестициялари жалб қилинган корхоналарнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилиниши таъминлаши ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 майдаги «Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 205-сонли қароридан ҳам Адлия вазирлигига хорижий инвесторларни ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилишни таъминлаш вазифаси юклатилган.



лиги ўрганилиб, улар томонидан тузилган 93.052 та шартнома қонунийлиги кўриб чиқилди. Ўрганиш жараёнида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан 2.644 та ҳолатда шартномаларнинг тузилиши бўйича, 854 та ҳолатда шартномаларнинг бажарилиши бўйича қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди.

Ушбу аниқланган ҳолатлар бўйича судларга 854 та 986.972.469 сўмлик даъво аризалари ва қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиш юзасидан 102 та тақдимномалар киритилди.

Ушбу даъво аризаларнинг 305 таси 274.191.094 сўмлиги фермер хўжаликлари манфаатларини кўзлаб, 550 таси 713.281.375 сўмлиги тайёрлов ва хизмат

эзгу мақсад йўлидан оғишмай олга интилади. Андижон вилояти адлия бошқармаси келгусида ислохотлар истиқболи йўлидаги ҳаракат дастуридан оғишмай олга интилади ва ҳуқуқий базани тизимли ривожлантириб бориш масаласини чуқур таҳлил этиб, ўз зиммасидаги вазифаларни изчил амалга оширади.

Хулоса қилиб айтганда, бизнинг мақсадимиз ҳам, вазифамиз ҳам жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва фаровонлик омили бўлмиш адолатли жамият қуришга ҳисса қўшишдан иборатдир.

Жалол АБДУСАТТОРОВ,
Андижон вилояти
адлия бошқармаси
бошлиги

Адлия ва Прокуратура: Меморандум ижроси — Жиззах

Ҳуқуқий ислохотлар

**қишлоқларга фаровонлик
олиб келмоқда**

БУГУНГИ КУНДА истеъмолга кириб келган “қишлоқ мулкдори”, “фермер”, “ишбилармон” сўзларининг кенг қўлланилаётганлиги ҳеч кимни ҳайратга солмайди. Истиқлол даврида муҳтарам Президентимизнинг ташаббуси билан қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодиётимизнинг таянч нуқталаридан бири бўлган қишлоқдаги мулкчилик шакллари, фермерлик ҳаракатини кенг миқёсда олиб бориш мақсадида кўплаб қонунлар, фармон ва қарорлар қабул қилинди.

АЙНИ ПАЙТДА қишлоқ мулкдорларининг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришга қаратилган ана шу меъёрий ҳужжатларни тарғиб этишга, аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб боришга эътибор кучайтирилди. Натижада қишлоқ хўжалигининг бугуни ва эртаси тақдирини фермерлар ўз қўлларига олишди.

Вилоят прокуратураси томонидан энг аввало, ўтган 2008 йилда ердан хўжасизларча фойдаланиш оқибатларининг олдини олиш ва уни ҳақиқий эгасига топшириш юзасидан кенг қамровли ишлар олиб борилди. Аграр секторда агро-техника қоидаларига амал қилишнинг ҳолати, ёнилғи, минерал ўғит ва техника воситаларидан фойдаланишнинг аҳоли қатъий назоратга олинди. Шу билан бирга, бу борада ўтказилган мониторингларда аниқланган қўпол қонунбузилишлар бўйича кескин прокурор таъсир чоралари қўлланилди.

Жумладан, ўтказилган 295 та мониторинг ва текшириш натижаларига кўра, давлатга этказилган 67,7 миллион сўмлик зарарнинг ихтиёрий қопланиши таъминланди. Фуқаролик судларига 55,9 миллион сўмлик 306 та, хўжалик судига эса 6,738 миллион сўмлик 1724 та даъво аризалари киритилди. 3269 нафар мансабдор шахс қонунбузилишига йўл қўймаслик ҳақида огоҳлантирилди. 3904 нафар мансабдор шахс эса моддий, интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилди. Жиддий қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 75 та жиноят иши кўзга тилди. Жами 1964,3 га. ер майдонидан ўзбошимчилик билан, мақсадсиз фойдаланиш ҳолатлари аниқланиб, ноқонуний ажратилган ва фойдаланиб келинган 1674,6 га. ер майдонининг давлат захирасига қайтариллиши таъминланди.

Жиззах туманидаги “Шерзод Жавохир” фермер хўжалигининг раиси Б.Хусанов муқаддам туман ер ресурслари ва давлат кадастр хизматида мутахассис бўлиб ишлаган Ж.Очилов ҳамда бошқалар билан жиноий тил бириктиради. Гарчанд унда фуқароларга уй-жой қуриш учун ер участкаси бериш ваколати бўлмаса-да, шу йўл билан мўмай даромад топиш илинжида, уй-жой қуриш учун ер участкаси ажратилганлиги ҳақида туман ҳокимининг сохта қарорларини тайёрлаб, фермер хўжалигининг 0,78 га. ер майдонини 24,1 миллион сўм эвазига 7 нафар фуқарога бериб юборади. Арнасой туманидаги “Оқдарё лочини” фермер хўжалиги раҳбари Ф.Қаршиев эса 2008 йил ҳосили учун экилган 15 гектар галла майдонини қасдан бузиб, бу ер майдонини 6 нафар фуқарога жами 1,6 миллион

сўмга сотиб, давлат манфаатларига 5,2 миллион сўм миқдорида зарар етказди. Ҳар икки ҳолат бўйича жиноят ишлари кўзга тилиб, ерларнинг давлат захирасига қайтариллиши ва фермер хўжаликларига тендер асосида берилиши таъминланди.

Вилоятда ердан бошқа мақсадларда фойдаланиш, ер ажратилганда ошна-оғайнигарчиликка йўл қўйиш каби ҳолатларнинг олдини олишга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Зомин тумани ҳокимлиги умумий бўлим бошлиғи С. Бозорбоев ҳамда ер ресурслари ва давлат кадастр бўлими бошлиғи Д. Шодмонбековлар ошна-оғайнигарчилик асосида 12 гектар ер майдонига тендер ўтказилганлиги тўғрисидаги ҳужжатларни қалбакилаштириб, бу ер майдонини яқин оғайнисига бўлган Т. Мамашевга олиб беришган. Т. Мамашев эса мазкур майдонга галла экиб, бу ҳақда давлат идораларига ҳеч қандай статистик ҳисоботлар тақдим этмаган. Бошқача айтганда, у жами 7,3 миллион сўмлик даромадни ҳисоботдан яшириб, давлат манфаатларига кўп миқдорда зарар етказган. Мазкур ҳолат юзасидан айбдор шахслар жиноий жавобгарликка тортилди. Ноқонуний ажратилган ер майдони туман ҳокимлиги захира фондига қайтариллиб, тендер асосида бошқа фермер хўжалигига берилди.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг баъзи раҳбарлари ва бошқа масъул шахслар томонидан мулкка хўжасизларча муносабатда бўлиш, ёнилғи, техника ва минерал ўғитларнинг талон-торож қилинишига ҳали ҳам барҳам берилмаётганлиги ачинарли ҳолдир. Текширилган жараёнида биргина минерал ўғитларнинг талон-торож қилиниши бўйича хўжалик судига 2 миллиард 549 миллион сўмлик 507 та даъво аризалари киритилди. Этказилган 956 минг сўмлик зарарнинг ихтиёрий ундируви таъминланди. Жиддий қонунбузилиш ҳолати юзасидан 5 та жиноят иши кўзга тилди.

Фермер хўжаликларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Ўтказилган мониторинг ва текширишлар давомида фермер хўжаликларига 605,6 га. ер майдони, 271,1 тонна минерал ўғит, 140,7 тонна уруғлик чигит, 153 тонна уруғлик дон, 362,7 тонна омухта ем, 9 дон қишлоқ хўжалик техникаси, 183,7 тонна нефть маҳсулотлари олишда ҳамда 61,9 миллион сўмлик дебитор ва 27,0 миллион сўмлик кредитор қарзларни ундиришда амалий ёрдам берилди. Фермер хўжаликларининг манфаатларини кўзлаб 2008 йилда хўжалик судига қиймати 109 миллион сўмлик 23 та даъво аризалари киритилди.

Жорий йилда ҳам қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижроси вилоят прокуратураси органларининг доимий назоратида бўлади ва бу йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилади.

Пўлат БОБОЖОНОВ,
Жиззах вилояти прокурори



ЖИЗЗАХ ШАҲРИДА 1152 нафар хусусий тадбиркор рўйхатга олинган бўлиб, улар халқ хўжалигининг турли соҳаларида фаолият олиб боришмоқда. Хусусан, 185 нафар тадбиркор озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан, 60 нафари қурилош моллари, 18 нафари мебель ясаш ва сотиш, 51 нафари қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш, 30 нафари қассоблик, 32 нафари новвойлик, 37 нафари эса қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқда.

ТАДБИРКОР ОРТИДА ҚОНУН БОР

ТАДБИРКОРЛИК ва кичик бизнес ривожига Юртбошимизнинг “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида”ги ҳамда “Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонлари муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур ҳужжатлардаги энг муҳим янгилардан бири тадбиркорлик субъектларига фақат суд орқали қўлланилиши мумкин бўлган ҳуқуқий таъсир чоралар доираси белгилаб берилганлигидир. Фаолиятни тугатиш ва ҳуқуқбузарлик предметларини давлат даромадига ўтказишга доир ишларнинг барчаси белгиланган айрим истиснолардан ташқари молиявий санкцияларни қўллаш, фаолиятни ва банклардаги ҳисоб varaқлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланиш лицензияларини ўн иш кунидан кўпроқ муддатга тўхтатиб қўйиш ёки амал қилинишини тугатиш ва бекор қилиш ҳақидаги ишлар фақат тегишли судлар томонидан ҳал қилинади.

Ўз навбатида муқобил текширишларнинг фақат кўзатилган жиноят ишлари бўйича ёки назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли органнинг қарори асосида ўтказилиши белгиланганлиги ҳам эътиборга молик. Муқобил текшириш ўтказувчи орган фақат тадбиркорнинг текширилаётган хўжалик юритувчи субъект билан ўзаро молиявий алоқасига дахлдор ҳолатларни ўрганиши мумкин. Бу жараёнда тадбиркорлик субъектларига бориш ёки текширишга тааллуқли

бўлмаган молия-бухгалтерия ва бошқа ҳужжатларни талаб қилиб олиш тақиқлаб қўйилган. Шуни алоҳида таъкидлаб керакки, бундай тартиб, авваламбор, ноқонуний текширишларни чеклаб, тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Албатта, бу қоидаларнинг мустаҳкамлаб қўйилиши ҳам текширишлар сонининг кескин камайишига олиб келади ҳамда назорат органлари томонидан такрорий текширишлар ўтказилишининг олдини олади.

Айтиб ўтиш ўринлики, айрим мансабдор шахслар томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига ноқонуний аралаштириш, турли йўллар билан таъмагирлик мақсадида уларга босим ўтказиш ҳолатларига йўл қўйилмоқда. Айрим пайтларда эса тадбиркорларнинг ўзлари ҳам инсоф чегарасини бузиб, турли ҳуқуқбузилишларни содир этишмоқдаки, ҳар икки ҳолатда ҳам қонун фуқаро ва жамият манфаатлари дахлсизлигини ҳимоя қилмоқда.

Жиззах шаҳар прокуратураси томонидан 2008 йил давомида тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш, солиқ қонунчилигига риоя этилиши юзасидан ўтказилган текширишлар давомида қонунбузилишига йўл қўйган 11 нафар давлат солиқ инспекцияси ходими интизомий жавобгарликка тортилди.

Бир сўз билан айтганда, бугун ҳуқуқимиз томонидан тадбиркорлик фаолиятига катта эътибор қаратилиб, уларга тўсиқ бўлаётган муаммолар билан муросасиз курашилаётган бир пайтда тадбиркорларимиздан фақат бир нарса — ҳалол йўл билан ишлаш, пул топиш, элнинг қорига яраб, юртдошларимизнинг оғирини енгил қилиш талаб этилади.

Тургунбой САГАТОВ,
Жиззах шаҳар прокурори

Ҳар бир мурожаат замирида инсон тақдири ётибди

ҲАР БИР МУРОЖААТ, ҳар бир хатнинг ортида инсон тақдири, ҳаёти ва келажаги ётади. Жамият аъзоси сифатида ҳар бир шахс ўзи яшаётган жамиятдан ўз манфаатлари ҳимоясини, эҳтиёжини қондиришни талаб қилишга ҳақли. Конституциямизда белгилаб қўйилганидек, жамиятда шаклланган давлат ўз фуқаросининг қонуний эҳтиёжларини, манфаатларини муҳофаза қилиши шарт.

БУГУН мамлакатимизда шаклланаётган фуқаролик жамиятининг асосий тамойили ҳам, жамиятимизнинг устувор йўналиши ҳам, мақсади ҳам ҳар бир фуқаронинг бугуни ва эртаси ҳақида қайғуришдан иборатдир. Фаллаорол тумани прокуратураси томонидан аҳоли мурожаатлари билан ишлаш, уларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Туман фуқаролари ҳафтанинг исталган кунини ўз мурожаатлари билан прокуратурага келишлари мумкин. Бундан ташқари, прокуратурада “Ишонч телефонлари” ташкил этилган бўлиб, уларга исталган пайтда телефон қилиб, ўз арзларини айтиш имконияти яратилган.

Туман прокуратурасига ўтган йил ва жорий йилда жисмоний ва юридик шахслардан жами 377 та ариза ва шикоятлар келди. Хатларнинг 84 таси туман прокуратураси томонидан текширилиб, қонуний ҳал этилди. 229

та ариза текшириш учун масъул идораларга юборилди. Шу даврда туман прокуратураси ходимлари томонидан 105 нафар фуқаро қабул қилинди. Бевосита меҳнат жамоаларида бўлган учрашувлар пайтида 22 кишининг мурожаати рўйхатга олинди. Энг муҳими, ҳар бир фуқаронинг манфаати эътиборга олиниб, уларнинг қонуний эҳтиёжлари қондирилди. Аризачиларнинг талаблари қонуний асосларда чуқур ўрганилди, уларнинг прокуратура биносидан норози бўлиб чиқиб кетмаслигининг зарур чоралари кўрилди.

Фуқаро И.Ақбўтаев ва бошқалар Маржонбулоқ шаҳрининг “Геологлар” маҳалласида жойлашган боғ худудида ноқонуний равишда уй-жой қуриш учун ўзбошимчилик билан тош тўкилаётганлиги, шаҳар фуқаролар йиғини аҳоли мурожаатларига қарамай, масалани ҳал қилишга панжа орасидан қараётганлигини хабар қилишган эди. Текшириш

давомида туман ҳокимининг 2007 йилдаги 702-қарори билан 5 нафар фуқарога мазкур майдоннинг 0,5 гектари уй-жой қуриш учун ажратиб берилди. Аммо масала Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодекси ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида чуқур ўрганилганда шаҳар фуқаролар йиғини ва туман ҳокимлиги томонидан тайёрланган ҳужжатларнинг қонуний нормаларга зид келиши маълум бўлди. Натижада шаҳар фуқаролар йиғинининг ҳам, туман ҳокимлигининг ҳам мазкур масала бўйича қабул қилган қарорларини бекор қилиш ҳақида туман ҳокимлигига протест келтирилди. Протест қаноатлантирилди.

Юқоридаги мисолларнинг ўзиёқ кўрсатиб турибдики, мурожаатлар ортида одамлар тақдири ётибди. Шундай экан, туман прокуратураси ходимлари фуқароларнинг хатлари билан ишлаш, ўз вақтида уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ишларни ўзларининг бурчи, деб билади ва бу масалага жиддий ёндашади. Зеро, қонун устуворлиги фуқаролик жамиятининг асосларидан биридир.

Шухрат МУСТАФАЕВ,
Фаллаорол тумани прокурори

Адлия ва Прокуратура: Меморандум ижроси — Сурхондарё

БУГУНГИ КУНДА қишлоқ хўжалигига бўлган эътибор янада ошмоқда. Бу, Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, “Фермер хўжалиги тўғрисида”, “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги ва шу каби бир қатор қонунларда ҳам ўз аксини топган. Айтиш ўринлики, фермер хўжаликларини йириклаштириш фуқароларда ерга ва мавжуд мулкка бўлган муносабатни ўзгартирди. Эндиги деҳқон ҳар бир қарич ердан, килограмм ўғитдан, ҳовуч сувдан самарали фойдаланиш кераклигини ҳис этмоқда.

Фермер хўжаликлари равақи йўлида

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ прокуратураси ходимлари қишлоқ хўжалигига оид қонунлар ижроси юзасидан назорат тадбирларини амалга оширишяпти. Мунтазам равишда ўтказилаётган тадбирлар жараёнида бир қатор қонунбузилиш ҳолатлари ҳам аниқланди.

Шу ўринда айрим мисолларни келтириб ўтмоқчимиз. Бандихон туманидаги “Ҳамро ўғли Ҳамидбек” фермер хўжалиги бошлиғи Ҳ.Жўраев фуқаролар Р.Бобоназаров ва Ҳ.Кўзиёвларга 0,70 га. “Шодлик Бандихон” фермер хўжалиги бошлиғи П.Бердиев фуқаролар Ш. Хонимқулов, Б.Абдимуродов ва Р.Қурбонларга 0,8 га, “Амирхон ўғли Хусниддин” фермер хўжалиги бошлиғи А.Ахатов фуқаролар Ҳ.Мақсадов, Ҳ.Сафаров ва М.Бойназаровга 0,89 га. ерни ўз мулкдек пуллаб юборишган. “Истиклол” фермер хўжалиги бошлиғи Л.Тўраев эса 1,76 га. ер майдонини пул ва қимматбаҳо совғалар эвазига сотиб юбориб, давлат манфаатларига жиддий зарар келтирган.

Жойлардаги маҳаллий ҳокимликлар ва улар ҳузуридаги ер участкалари бериш масалаларини кўриб чиқувчи комиссиялар фаолиятида ҳам Президентимизнинг 2008 йил 6 октябрдаги “Фермер хўжаликлари тасарруфидagi ер майдонларини мувофиқлаштириш чоратадбирларига оид тақлифлар ишлаб чиқиш бўйича махсус комиссия ташкил этиш тўғрисида”ги Фармойиши талаблари қўп равишда бузилганлиги аниқланди.

Узун туманида фаолият юритаётган “Рўзибой” фермер хўжалиги бошлиғи Ф.Худойқулов “Рўзибой” ва бошқа фермер хўжаликлари майдонларини “Қурбоналиев Аброр” фермер хўжалигига бирлаштирилишидан норози бўлиб ёзган аризаси ўрганиб чиқилди. Фуқаро Ф.Худойқуловнинг мурожаати асосида ушбу фермер хўжаликлари ер майдонларини ҳокимлик захирасига олиш ҳамда “А.Қурбоналиев” фермер хўжалигига ер ажратишда Узун тумани ҳокимлиги Ер кодекси ҳамда Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонун талабларига риоя этмаганлиги аниқланди. Яъни туман ҳокимлиги томонидан “Мардон Овул Терак”, “Барот ота”, “Терак”, “Ғолиб”, “Рўзибой” ва “Қурбоналиев Аброр” фермер хўжаликлари ер майдонларини йириклаштиришда “Рўзибой” фермер хўжалигининг кўрсаткичлари “Қурбоналиев Аброр” хўжалиги кўрсаткичларидан устунли эътиборга олинмаган. “Рўзибой” фермер хўжалиги аввалроқ ташкил этилган бўлиб, ўз техникаларига эга. Қолаверса, хўжалик 1995 йилдан бери давлатга пахта ва ғалла сотиш режаларини муносиб бажариб келган.

Шунингдек, хўжаликда 34 бош қорамол боқилмоқда.

Бу каби ютуқ ва натижалар

туман ҳокимлиги томонидан нега инобатга олинмади, деган ҳақли савол туғилиши табиий.

Текшириш натижасига кўра, вилоят прокуратураси томонидан 2008 йил 17 ноябрда Узун тумани ҳокимининг 2008 йил 1 ноябрдаги фермер хўжалиги аризасига асосан туман ҳокимлиги билан “Рўзибой” номи фермер хўжалиги ўртасида тузилган ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини бекор қилиш ва фермер хўжалиги ихтиёрида бўлган ер майдонларини туман ҳокимлиги захирасига қайтариш ҳақида”ги 486-сонли ҳамда 2008 йил 3 ноябрдаги “Рўзибой”, “Мардон Овул Терак”, “Барот ота”, “Терак” ва “Ғолиб” фермер хўжаликларида ҳокимият захирасига олинган ер майдонларини “Қурбоналиев Аброр” фермер хўжалигига бириктириб, фермер хўжалиги билан 28 йил муддатга ер участкасини ижарага олиш шартномаси тузиш ҳақидаги 872-сонли қарорларини бекор қилиш тўғрисида ҳоким қарорига келтирилган протест орқали қонун бузилиши бартараф этилди.

Қишлоқ хўжалиги техникалари деҳқоннинг ҳақиқий мадакори эканлигини барчамиз яхши биламиз. Техникаларнинг сақланиши, талон-торож қилинишининг олдини олишга қаратилган қонунлар ижроси юзасидан ҳам назорат ишлари кучайтирилмоқда. Бугунги кунда 2009 йил ҳосили учун шудгорлашнинг бориши ва сифатини назорат қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Туман прокурорларининг ташаббуси билан 48 та ҳайдов трактори таъмирланди ва шудгорлаш ишларига жалб қилинди.

Ёнилғи-мойлаш маҳсулотларидан фойдаланишга доир ва бошқа қонунлар ижроси юзасидан ҳам самарали назорат тадбирлари ўтказилиб, уларнинг натижалари бўйича қатъий прокурор назорати хужжатлари қўлланилди.

2009 йил ҳосили учун бошоқли дон экиш ҳамда шудгорлаш ишларини олиб боришда айрим туман ҳокимлари томонидан зиммасига юклатилган вазифани талаб даражасида ижро этилиши таъминланмаганлиги аниқланди ва Узун, Ангор, Шўрчи тумани ҳокимлари интизомий жавобгарликка тортилдилар.

Фермер хўжаликларини ривожлантиришни рағбатлантириш учун ҳам ҳуқуқий, ҳам ташкилий шарт-шароитлар янада мустаҳкамланди. Деҳқон фермер хўжаликларини ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш прокуратура ходимларининг доимий эътиборида бўлади ва фермерларнинг бузилган ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш чоралари кўрилади.

Эркин Тўраев,
Сурхондарё вилояти
прокуратураси
бўлим бошлиғи



Эртанги кун ворислари

ЁШЛАРИМИЗНИНГ она Ватанга бўлган меҳр-муҳаббатини янада кучайтириш, юртнинг тинчлигини таъминлаш учун ҳамиша ҳушёр бўлишни онгига сингдириб бориш учун барчамиз бирдек масъулмиз.

“БИР БОЛАГА етти маҳалла ота-она” деганларидек, ўсиб келаётган ёшларнинг турли оқимларга қўшилиб, жиноят кўчасига кириб қолишининг олдини олиш бугунги кунда замон талаби ҳамдир.

Республика Бош прокурорининг 2004 йил 22 июндаги “Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан прокурорлик назорати фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 27-сонли буйруғи ижросини таъминлаш борасида вилоят прокуратурасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Мазкур буйруқ ижросини тўлақонли таъминлаш мақсадида долзарб масалалар иш режасига киритилиб, мутасадди идораларнинг вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижросини таъминлаш борасидаги фаолиятида йўл қўйилаётган қонунбузилиш ҳолатлари бартараф этилмоқда. Шунингдек, вилоят прокуратурасининг ташаббуси билан вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси, вилоят ички ишлар бошқармаси ҳамкорлигида вояга етмаганлар орасида жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик ҳамда бошқа салбий оқибатларнинг олдини олишда бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Вилоят ИИБ ВЕОХООГда ҳуқуқбузарлик содир этганлиги учун ҳисобга олинган 60 нафар вояга етмаганларни Жарқўрғон ту-

манидаги ҳарбий қисм хизматчиларининг ҳаёти билан таништириш, ўспиринларни она Ватанга бўлган меҳрини ошириш, мустақиллигимизни қадрлаш ҳиссини туғдириш мақсадида саёҳатлар уюштирилди.

Вилоят прокуратураси тумандаги қонунлар ижроси устидан назорат гуруҳининг 2008 йил 2-ярмига мўлжалланган иш режасининг 2-бандига асосан “Таълим тўғрисида”ги Қонун ижроси юзасидан Олтинсой, Шеробод ва Денов туманларида халқ таълими бўлимларига қарашли мактабга-ча таълим муассасалари фаолиятида ўтказилган текширишларда санитария-гигиена меъёри талабга жавоб бермаслиги, талон-торожликка йўл қўйилганлиги ва болаларга етарлича шарт-шароитлар яратилмаганлиги аниқланди. Бу қонун бузилиш ҳолатлари юзасидан айбдор шахсларга нисбатан қонунда белгиланган тартибда жазо чоралари кўрилди.

Жойлардаги ҳокимликлар ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар, ички ишлар органларининг вояга етмаганлар орасидаги ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш хизмати фаолиятида бир неча марта текширишлар ўтказилди. Бу борада кўплаб ишлар амалга оширилиши лозимлиги қайд этилиб, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Комил МАҲАМАДИЕВ,
Сурхондарё вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси

ПАХТА нафақат толасининг харидорлиги, балки чигитидан олинadиган бошқа халқ ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан ҳам иқтисодийетимизда муҳим ўрин тутadi.

ҚОНУН БАРЧАГА БАРОБАР

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ прокуратураси томонидан Президентимизнинг 2006 йил 31 майдаги 360-сонли ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 18 сентябрдаги “Пахта чигитини етказиб бериш ва ундан фойдаланиш механизмининг такомиллаштириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги қарорларига мувофиқ, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2007 йил 30 декабрдаги 236-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Пахта етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарига топширилган пахтани қайта ишлаш натижасида олинadиган чигитдан чиқадиган пахта шелухаси ва кунжарасидан улarga тегишли бўлган микдорини қайтариш тартиби тўғрисида”ги Низом талабларининг ижроси устидан назорат тадбирлари мунтазам ўтказиб борилмоқда.

Ўтган йили вилоят бўйича 56781,4 тонна техник пахта чигити ёғмоёй ишлаб чиқариш корхоналарига жўнатилиб, иқтисодий вазирлиги томонидан тасдиқланган меъёрга асосан сентябрь, декабрь ойларида вилоят хом ашё биржаси савдолари орқали 24264 тонна кунжара ва 16055 тонна шелуха маҳсулотлари жойларда ташкил этилган шохобчалар орқали

истеъмолчиларга етказиб берилди.

Аммо, бу борадаги ишларда қонунга зид ҳатти-ҳаракатлар ҳам содир этилаётганлиги кишини ранжитади. Ўтган йил давомида вилоят прокуратураси, ички ишлар бошқармаси ҳамда СВОЖДЛҚК Департаменти вилоят бошқармаси ва туман бўлимлари томонидан жойларда чигит маҳсулотлари талон-торож қилиниши ҳолатлари аниқланиб, 41 та жиноят иши қўзғатилган.

Хусусан, Денов туманидаги “Сурхонозиковқатсаноти” АЖдан “Шерободомухтаемсавдо” МЧЖга қарашли бирлашма базасига олиб борилиши керак бўлган 6480 кг. кунжарани М.Муродов “Ҳазорбоғ” СФУ, “Янги Ҳазорбоғ” маҳалласида яшовчи фуқароларга 1 миллион 620 минг сўмга ноқонуний равишда сотиб юборган. Унга нисбатан туман прокуратураси томонидан ЖКнинг тегишли моддаси ва қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Барчамиз яхши билемизки, қўлбола мосламалар, мойжувозлар ёрдамида пахта чигитини қайта ишлаш орқали ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш қонунга зид ҳисобланади. Жарқўрғон тумани,

“Қўлдовли” маҳалласида яшовчи М.Маҳмарова буни билса-да, ўз манфаатини жамоа, маҳалладошлари манфаати ва саломатлигидан устун деб билди. У яширин равишда мойжувозда чигитдан истеъмолга мутлақ яроқсиз ёғ ишлаб чиқариб, савдо растасига олиб чиқишдан ўзини тия олмади. Маҳмарованинг уйдан 8 кг. чигит ва истеъмолга мутлақ яроқсиз ўсимлик ёғига ўхшаш маҳсулот ва қўлбола мойжувоз ускунаси ашёвий далил сифатида олинди. Бу каби ҳолатлар Термиз туманидаги “Истиклол” маҳалласи фуқароси И.Маматмуродов томонидан ҳам содир этилганлиги маълум бўлди. Маматмуродовнинг уйдан 64 кг. чигит, 63 кг. пахта хомашеси, 52 кг. пахта толаси ва мойжувоз борлиги аниқланди. Қонунга зид равишда ўз манфаатини ўйлаб юрган бу кимсалар нафс балосига дучор бўлиб, кишилар саломатлигига зарар етказишга сабабчи бўлаётганини қандай тушуниш мумкин?!

Қонун барчага баробар. Юқорида исм-шарифи келтирилган шахсларга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ишлари олиб борилмоқда.

Эркин ҲАКИМОВ,
Сурхондарё вилояти
прокуратураси бўлими
катта прокурори



ҲАММАМИЗГА маълумки, ўтмишда ҳам ўзаро мулкӣ муносабатлар ва улардан келиб чиқадиган мажбуриятлар юзасидан оғзаки ва ёзма шартлашиб келинган. Бу энг оддий ва айни пайтда ўта ишончли таомил бўлган. Чунки улар лафзи ҳалолликни энг олий шараф ҳисоблаб, ўз сўзларининг устидан чиқиш учун қатъий жавобгарликни ҳам ҳис қилганлар.

Шартнома

ундан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлар

МАМЛАКАТИМИЗ иқтисодиётида қишлоқ хўжалигининг тутган ўрни, мавқеи ҳамда аҳолининг ақсарият қисми қишлоқ жойларида яшаётгани ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан банд эканлиги ушбу соҳадаги шартнома муносабатларини тартибга солишга ҳам алоҳида эътиборни талаб этади.

Шартномавий муносабатларни такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорда қишлоқ хўжалиги корхоналари билан шартномаларни тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, уларнинг бажарилиши устидан мониторинг юритиш, мутасадди ташкилотлар томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилмаганлиги билан боғлиқ бўлган низолар юзасидан судларга даъво аризалари киритишда давлат божи тўлашдан озод қилиниши белгилаб қўйилди.

Ушбу қарор билан тасдиқланган Низомда энг асосийси, қишлоқ хўжалик корхонасининг маҳсулот етказиб бериш шарт-

номаларини бажармаганда жавобгарлиги чегараланди.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини, фермер хўжаликларини шартномада кўрсатилган маҳсулотларни етказиб бермаганлиги учун жавобгарликка тортишда, уларга хизмат кўрсатувчи, моддий ресурслар етказиб берувчи корхоналарнинг ўз мажбуриятларини қай даражада бажармаганлигига ҳам қонуний баҳо бериладиган бўлди.

Хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш) юзасидан тузилган шартномалар бўйича бажарувчи ташкилот фермер хўжалиги буюртмасига биноан механизациялашган ишларни бажариш, сервис, агрохимё, агротехника хизматлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан боғлиқ бошқа хизматлар кўрсатишни таъминлаш мажбуриятини олади, фермер хўжалиги эса ушбу ишлар (хизматлар)ни қабул қилиб олиш ва улар учун белгиланган ёки келишилган нархлар бўйича ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

Ишларни бажариш юзасидан тузилган барча турдаги шартномалар туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимларида рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

Ушбу соҳадаги шартномаларни тузган томонлар Фуқаролик кодексида, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунга, Вазирлар Маҳкамасининг юқорида айтиб ўтилган 383-сонли қарор билан тасдиқланган Низомига ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилади.

Б. АШУРОВ,
Сурхондарё вилояти
адлия бошқармаси ходими



Тошкент шаҳар Сирғали тумани Давлат солиқ инспекцияси жамоаси

барча юртдошларимизни баҳор байрами, янгиликлар, яшариш тимсоли бўлган Наврўз айёми билан чин дилдан муборакбод этади.

Наврўз халқимизга фаровонлик, кут-барака, тинчлик, мўлчилик олиб келсин!



Баҳорнинг кутлуғ айёми билан бошланган йилимиз энг катта ютуқлар ва қувончлар йили бўлиб қолсин!

Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси жамоаси

Кўнглиз заманимизни илм ҳақларга бурқаб келган Наврўз байрами билан барча юртдошларимизни муборакбод этади.

Ҳар бир хонадонга тинчлик-ҳотиржамлик, оилавий бахт-саодат, бобо деҳқонларимиз хирмонига кўт-барака тилайди.

Фарзандларимиз камолини кўриш бахти ҳар биримизга насиб этсин.

Адлия ва Прокуратура: Меморандум ижроси — Наманган

ЮРТБОШИМИЗНИНГ 2004 йил 11 мартдаги “Қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид кўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги Фармонида аграр соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг сифат ва самарадорлигини ошириш, айниқса, қишлоқ хўжалиги экинлари экиладиган майдонларнинг доимий мониторингини ўтказиш, фермер хўжаликларга ер майдонлари ажратиш борасида қонунийликни таъминлаш, ерлардан белгиланган мақсадларда фойдаланиш ва талон-торож қилинишининг олдини олиш қатъий белгиланган.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йўлида

НАМАНГАН вилояти прокуратураси томонидан Фармон ижроси юзасидан 2008 йил мобайнида жами 277 мартаба текшириш ўтказилиб, натижаларга кўра, қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан жойларга 622 та тақдимнома киритилди. 1385 нафар шахс қонунбузилишига йўл қўймаслик хусусида огоҳлантирилиб, 1047 нафар шахс интизомий, 2245 нафари маъмурий ва 911 нафари моддий жавобгарликка тортилди.

Фермер хўжаликлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилаётган маълумотларга ҳам тўхталиб ўтсак.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан 2008 йил давомида соҳага доир бажарилган ишлар натижасида фермер хўжаликлари 448,6 гектар ер майдони, 184 тонна минерал ўғит, 14,6 тонна нефть маҳсулоти, 1,5 тонна уруғлик пахта, 1,2 тонна уруғлик буғдой, 26 та техника билан таъминланиб, 360,1 миллион сўмлик дебитор қарзлари ундириб берилди. Кузатишлар давомида шу нарсалар аниқландики, айрим ҳолатларда мансабдор шахслар фермер хўжаликларининг маблағларини турли йўллар билан талон-торож қилишган.

Президентимиз томонидан “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” деб эълон қилинган жорий йилда аввалги камчилик ҳамда нуқсонлардан тўғри хулоса чиқариб, келгусида хатоларни такрорламасликка ҳаммамиз масъул бўлишимиз лозим.

Ўз навбатида, вилоят прокуратураси органлари бугунги кунда ҳам қишлоқ хўжалик соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, бу борада амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлиги ва қонунийлиги назоратини таъминлашда давом этмоқда.

Хуллас, мамлакатимизнинг энг муҳим тармоқларидан саналган қишлоқ хўжалиги соҳаси доимий эътиборда. Бу борада амалга оши-

рилаётган ислохотларга сунъий тўсиқ бўлаётганлар эса, албатта, қонун олдида жавоб берадилар.

Икромжон СОЛИЕВ,
Наманган вилояти
прокуратураси қишлоқ хўжалиги
соҳасида қонунийликни
таъминлаш ва хўжалик
юритувчи субъектларнинг
ҳуқуқларини ҳимоя қилиш
бўлими бошлиғи,
адлия маслаҳатчиси

ҲАММАМИЗНИНГ 2008 йил 11 мартдаги “Қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид кўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги Фармонида аграр соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг сифат ва самарадорлигини ошириш, айниқса, қишлоқ хўжалиги экинлари экиладиган майдонларнинг доимий мониторингини ўтказиш, фермер хўжаликларга ер майдонлари ажратиш борасида қонунийликни таъминлаш, ерлардан белгиланган мақсадларда фойдаланиш ва талон-торож қилинишининг олдини олиш қатъий белгиланган.

КЕЛАЖАК БУГУНДАН БОШЛАНАДИ

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш борасида Уйчи тумани прокуратураси томонидан ҳам изчил ишлар олиб борилмоқда. Утган 2008 йил мобайнида вояга етмаганларга оид қонунлар ижроси юзасидан 16 марта текшириш ўтказилди. Уларнинг якунига кўра, жами 264 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. Жумладан, 35 та тақдимнома, 6 та даъво аризаси киритилди. Қонунларга зид равишда қабул қилинган 6 та ҳужжат киритилган протестларга асосан бекор қилинди ва қонунга мувофиқлаштирилди.

Ўтказилган текширишлар ва қўлланилган назорат ҳужжатлари орқали, туманда вояга етмаганларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва бу соҳадаги қонунбузарликларни бартараф этишда самарадорликни бирмунча орттиришга эришилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг “**Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чоратadbирлари тўғрисида**”ги 437-сонли ва “Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги 434-сонли қарори ижроси бўйича тумандаги 18 та маҳаллада танлов асосида ўтказилган текширишда икки ёшгача ва 16 ёшгача боласи бор 18 нафар аёлга нафақа тайинланиши лозим бўлгани ҳолда, уларнинг аризалари асоссиз равишда рад этилганлиги аниқланиб, маҳалла фуқаролар йиғинларининг 18 та қонунга зид қарори келтирилган протест асосида бекор қилиниб, қонунга мувофиқлаштирилди. Бу орқали вояга етмаган фарзандлари учун нафақа олувчи аёлларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Бундан ташқари, туман прокуратураси ва халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда бўлим қошида “Вояга етмаганлар билан ишлаш маркази” ташкил этилган. Марказнинг туман

Инсон манфаатлари бош мезон

МАЪЛУМКИ, ҳуқуқий-демократик давлатнинг энг муҳим шартларидан бири инсон ва шахс манфаатларининг ҳамма нарсадан устунлигидир. “Инсон ва жамият фаровонлиги эса айнан шахс манфаатларига мос тушади”, дейилади бош Қомусимизда. Конституцияда белгиланган кафолатлар Ўзбекистон Республикасида аynи вақтда амалга оширилаётган чуқур ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар, ислохотлар билан белгиланади. Бундай ислохотлардан кўзда тутилган энг асосий мақсад инсон ва жамият фаровонлигидир.

2008 йилнинг апрель ойида кучга кирган “**Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида**”ги Қонун ҳам бу борадаги курашлар самарасини ошириш, муносабатларни тартибга солишни тақозо этади.

Қонунни амалга ошириш, Наманган шаҳар ҳудудида одам савдосига қарши курашиш ва ушбу йўналишда олиб борилаётган ишларни кучайтириш, давлат бошқаруви идоралари, фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳамда нодавлат-нотижорат ташкилотларнинг мазкур соҳадаги фаолиятларини мувофиқлаштириш ҳамда ўзаро ҳамкорлигини ошириш мақсадида шаҳарда 2008-2010 йилларда одам савдосига қарши курашиш самарадор-

лигини ошириш бўйича шаҳар ҳокимлигининг тadbирлар режаси ишлаб чиқилиб, идоралараро комиссия таркиби тузилди.

Наманган шаҳар прокуратураси томонидан мазкур қонун ижроси бўйича маълум назорат тadbирлари олиб борилмоқда.

Жумладан, 2008 йил 5 сентябрь куни одам савдосига қарши курашишга қаратилган қонунлар ижросининг шаҳардаги аҳволи масаласи юзасидан Идоралараро йиғилиш ўтказилди.

Йиғилишда давлат органлари, идоралар, жамоат ташкилотларининг бу борадаги фаолиятини тўғри йўналтиришга қаратилган тавсиялар қабул қилиниб, амалиётга татбиқ этиш учун жойларга юборилди.

Шунингдек,

Бандлиқка кўмаклашиш Маркази, ИИБ, “Камолот” ЁИХ

билан ҳамкорликда

2008 йил 19 ноябрь

куни Наманган муҳандис-

лик иқтисодиёти институ-

ти қошидаги 2-Академик

лицейида бўш иш

ўринлари меҳнат ярмар-

каси ўтказилди ва 260 нафар фуқаро

корхона, ташкилот ва муассасаларга

ишга жойлаштирилди.

Ўтказилган таҳлил ва текширишлар

натижалари бўйича қўлланилган

прокурор назорати билан бир қаторда

одам савдосига қарши курашиш

тизимига кирувчи давлат идоралари,

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва

жамоат идоралари, ҳуқуқни муҳофаза

қилувчи органлар ва жамоат ташкилот-

ларининг ишини тўғри ташкиллашти-

риш ва бу борадаги фаолиятлари

самарадорлигини оширишга қаратил-

ган кўшимча чоралар кўрилди.

Шаҳар прокуратураси томонидан

одам савдосига қарши курашишга оид

халқаро ҳужжатлар ва миллий қонун

ҳужжатлари жамланиб, одам савдосига

қарши курашиш бўйича Республика ва

шаҳар комиссияси ҳужжатлари, шаҳар

бўйича доимий яшаш жойидан узоқ

муддатга чиқиб кетганлар ва чет элдан

кайтиб келган фуқаролар ҳақида,

аҳолининг иш билан бандлигига доир,

шу жумладан янги иш ўринлари

яратилиши ҳамда одам савдоси билан

боғлиқ қўзғатилган жиноий ишлар

бўйича тўлиқ маълумотлар базаси

яратилди.

Бир сўз билан айтганда, прокурату-

ра ходимлари мазкур қонун талабларини

ҳаётга татбиқ этиш, фуқароларимизни

бугунги куннинг энг қабиҳ

иллатига айланган “Одам савдоси”


балосидан асраб қолиш, улардаги

ҳуқуқий онг ва маданиятни шаклланти-

риш йўлида астойдил ҳаракат қилиш-

моқда.

Баҳром ЮЛДАШЕВ,
Наманган шаҳар прокурори,
адлия маслаҳатчиси



Савоб иш ҳаёт мезони

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ Мирзо Улугбек тумани, Улугбек қўргонида жойлашган 2-сонли Республика клиник шифохонаси ўтган асрнинг ўрталарида Ўзбекистон Фанлар академияси қошида клиник қисм сифатида ташкил топган бўлса-да, кейинчалик, айниқса, мустақиллик йилларида унинг фаолият доираси хийла кенгайди.

ИЛГАРИ шифохона фақат Академия ишчи-хизматчиларигагина хизмат кўрсатган бўлса, эндиликда республикамизнинг барча нуқталаридан келган беморлар даволанишмоқда.

Узоқ йиллардан буён

самарали фаолият олиб бораётган ушбу даргоҳ бугун эл назарида. Албатта, бундай даражага эришиш замирида ушбу масканда фаолият олиб борган ва бораётган, ўз касбига меҳр қўйган шифокорлар меҳнати

самараси ётади. Ҳозирда 4 та бўлимни ўз ичига олган клиник шифохонада фаолият юритаётган 65 шифокорнинг 34 нафари олий тоифали, 102 нафар ҳамширанинг эса 45 нафари олий тоифалидир.

Шифохонани кўздан кечирар экансиз, яратилган шароитларни, саранжом-саришталикни кўриб, дилингиз яйрайди. Айниқса, мустақилликдан кейин тиббиёт соҳасида амалга оширилган ислохотлар самараси ушбу клиника



ҳаётида ҳам акс этиб турибди. Бугун клиника янги замонавий ташхис аппаратлари ва зарур тиббий асбобларга эга. Хулоса қилиб айтганда, бу кутлуғ даргоҳнинг элга қилаётган хизматлари, эришилаётган ютуқлари

тахсинга лойиқ. Биз жамоа аҳлини байрам билан қутлаб, беморлар дардига малҳам бўлиш, улар дуо-сию раҳматига сазовор бўлиб юриш бахти уларни ҳеч қачон тарк этмаслигини тилаб қоламиз.

Ёрбек НУРБЕК ўғли



Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи жамоаси

барча ватандошларимизни қадимий ва шукуҳли Наврўз байрами муносабати билан самимий муборакбод этади.

Меҳр-муҳаббат, яшарин ва нафосат, осойишталик тантанаси бўлмиш ушбу байрам ҳаммамизга муборак бўлсин!



Ҳамжиҳатликда ҳикмат кўп

— ПРЕЗИДЕНТИМИЗ Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил якунларига бағишланган мажлисида қишлоқ хўжалигидаги ислохотларни изчил амалга оширишда фаоллик ва ташаббусни ўз қўлига олган фермерларнинг ваколат, ижтимоий мавқеи, ҳуқуқ ва манфаатларини тўлақонли акс эттирадиган ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш ҳақида таъкидлаб ўтдилар.

БУ БИЗГА билдирилган катта ишончдир. Қолаверса, зиммамиздаги масъулиятни ошириб, ерга янгича муносабатда қарашга ундайди, — дейди биз билан суҳбатда Миришкор туманидаги Янгибой фермер хўжалиги раҳбари Мухтор Шаропов. — Соҳадаги ислохотлар қишлоқ аҳолисининг манфаатдорлигини ошириб, турмуш тарзининг яхшиланишига йўл очди. Бугун биз истиқомат қилаётган “Чандир” қишлоғида 41 та фермер хўжалиги мавжуд. Мингдан ортиқ киши эса деҳқон хўжалиги ва оилавий тадбиркорлик, касаначилик ишлари билан машғул.

Асли касби иқтисодчи бўлган Мухтор Шаропов, мана, 12 йилдирки, фермер сифатида ер

билан тиллашиб, ундан юқори даромад олмақда. Шунингдек, ўз фаолиятида тежамкорлик, ташаббускорлик ва саховатпешаликни кундалик шиориға айлантирган.

Ташкил этилган йили унинг фермер хўжалиғига 21 гектар ер ажратиб берилганди. Ўшанда фермер енг шимариб, ишга киришди ва йил якунида бу ўз самарасини берди, албатта. Натижада хўжаликнинг ҳар бир ишчиси меҳнатига яраша рағбатлантирилди. Чунки манфаатдорлик бор жойда, меҳнатга муносабат ҳам ўзгаради.

— Жорий йилда 112 гектар майдонда пахта ва галладан юқори ҳосил олишни мўлжаллаганмиз. Бу борада Ғофур ва Остон Шаропов, Тилакмурод Хотамов, Байрам

Ҳаққиев сингари хўжалигимиз қаноти бўлган ёшларга суянамиз, — дейди фермер.

Келгусида Мухтор ака “Чандир” даҳасида ёшлар ўртасида спортнинг футбол, волейбол, стол тенниси турлари бўйича мусобақалар ташкил этишни режалаштирган. Шу эзгу мақсадда ҳозир спорт майдончалари барпо этилмоқда.


Мана бир неча йилдирки, фермер қишлоқда болалар спортини оммалаштиришга хизмат қиладиган тадбирларга ҳам ҳомийлик ёрдами кўрсатиб келмоқда. У ёшларга халқ манфаати ҳамма нарсадан устун эканлигини қайта-қайта уқтиради.

Фермер хўжалиги далаларига борганимизда баҳорги юмушлар авж олганига гувоҳ бўлдик. Хўжалик меҳнаткашларининг ҳамжиҳатлигини кўриб, рости уларга ҳавасимиз келди. Шу кун яхши ниятлар билан 100 туп кўчат ва анвойи гуллар ўтқазилди.

Файзулла ЭШҚУЛОВ

«БУХОРО НЕФТБАЗА» УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

мамлакатимиз аҳлини, юртимизга ташриф буюрган барча хорижий меҳмонларни, шу билан бирга ҳамкасбларимизни меҳр-мурувват, гўзаллик, яшариш ва бағрикенглик тимсоли бўлган, халқимизнинг умрбоқий анъаналари, удумлари мужассамлашган Наврўз байрами билан қутлайди.



Жаннатмонанд ўлкамизга фусункор таровати, хушбўй ифорлари билан кириб келган баҳор фаслининг хуш айёми — Наврўзи олам қутлуғ бўлсин, азиз юртдошлар!

Барча хонадонлар қувончу шодликларга тўлиб, тўкин дастурхонимиздан қут-барака аримасин, ризқу насибамиз файзиёб бўлаверсин.



Йил давомида гўзалликни бошлаб келган байрам кайфияти ҳар бир юртдошимизни тарк этмасин.

“УЧКЎРҒОН ЁҒ” очик акциядорлик жамияти жамоаси



МАМЛАКАТИМИЗДА макроиқтисодий мезонлар барқарорлашуви даражасининг мустақамланишига ҳар томонлама эътибор берилаётгани узоқни кўзлаб қилинаётган амалий саъй-ҳаракатларимизнинг катта натижаларида намоён бўлаяпти. Ялпи ички маҳсулот ҳажмини ошириш, ташқи савдо балансини мустақамлаш, инфляция суръатини пасайтириш, хусусан, миллий валютанинг конвертацияланиши каби кўрсаткичлар макроиқтисодий барқарорликнинг асосидир.

РЕСПУБЛИКАМИЗДА аҳоли бандлик даражасини яхшилаш масалаларини ҳал қилиш, аҳоли даромадларини ошириш, умуман, миллий фаровонликни таъминлашдаги асосий бўғинни шакллантириш муҳим йўналиш қилиб белгиланган. Бу борада, шубҳасиз,

тадбиркорлик субъектларига ажратилаётган кредитларнинг муддати ундан фойдаланиш мақсадига мослаштирилган ҳолда белгиланмоқда. Банк филиаллари томонидан ажратилаётган кредит маблағлари асосан маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хомашё-

ривожлантириш" лойиҳасини амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисидаги қарорига асосан банк томонидан Осиё тараққиёт банки кредит линияси маблағлари ҳисобидан "Кичик ва микромолиялаштиришни ривожлантириш" лойиҳаси амалга оширил-

// **Жараён**

Мақсадга муносиб

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни



кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тузилмалари сонининг кўпайиши, уларнинг молиявий-иқтисодий аҳволининг яхшиланиши макроиқтисодий мезонларнинг янада барқарорлашувига хизмат қилмоқда.

Юртимизда фаолият юритиб келаётган тижорат банклари олдида қўйилган асосий вазифардан бири эса кичик бизнес субъектларини ҳамда аҳолининг молиявий маблағларга бўлган талабини қондиришдан иборат. "Асака" давлат-акциядорлик тижорат банки ҳам бу борада ўзининг муносиб улушини қўшиб келмоқда. Бугунги кунда "Асака" банк тизимида жами 26 филиал, 99 та минибанк самарали фаолият олиб бормоқда.

Кичик бизнес ва хусусий

ни харид қилишга, фермер ва деҳқон хўжалиklarининг моддий-техника базасини шакллантириш учун эҳтиёт ва бутловчи қисмларни, шунингдек, турли хил мини-технологиялар ва ихчам ускуналарни сотиб олишга, маҳаллий хомашё негизда маҳсулот ишлаб чиқариш ва маиший хизмат турларини ривожлантириш бўйича мавжуд лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилмоқда.

2008 йил мобайнида банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ҳамда аҳолининг молиявий талаби сезиларли даражада қондирилиши учун жами 127,8 миллиард сўмдан зиёд кредит маблағлари ажратилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 августдаги "Осиё тараққиёт банки ишгириокида "Кичик ва микромолиялаштиришни

моқда.

Мазкур лойиҳа бўйича "Асака" банки ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ўртасида "Қайта кредитлаш келишуви" имзоланган бўлиб, Осиё тараққиёт банки томонидан 6,5 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит линия ажратилган. "Асака" банк ушбу кредит линия доирасида маблағларни тадбиркорлик субъектларининг кенг кўламли лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирмоқда. Ўтган 2008 йил давомида банк томонидан 197 та лойиҳани молиялаштириш учун 2,8 миллиард сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди. Натижада қўшимча 200 дан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилишига эришилди.

Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-



қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони талабларини бажариш юзасидан қилинган бир қатор ишлар ҳам аҳамиятга молик, албатта. Тадбиркор аёллар томонидан таклиф

хўжаликларидagi чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ 2008 йилда шахсий ёрдамчи ва дехқон хўжаликлари четдан насли қорамол сотиб олиш

нинг юртимизда истиқомат қилаётган аҳолимизни молиявий томондан қўллаб-қувватлаш, ҳар йили мамлакатимиз ҳаётига татбиқ этиб келинаётган Давлат дастурларининг амалга оширилишида муносиб улуши борлиги бизни янада қизгин фаолиятга ундайди. "Истеъмол кредити тўғрисида"ги ҳамда "Ипотека тўғрисида"ги қонунлар талабларини ва Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар

МОЛИЯВИЙ МАДАД

Қўллаб-қувватлаш — давр талаби

этилган лойиҳаларни молиялаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали уларнинг республика иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги фаол иштирокини таъминлаш мақсадида банк маблағлари ҳисобидан турли хил шартларда жами 50,9 миллиард сўм миқдорида тижорат ва имтиёзли кредитлар ажратилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги "2004-2006 йилларда фермер хўжалиklarини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш харажатларини молиялаштиришга катта эътибор берилмоқда. Жумладан, 2008 йил пахта хомашёси ва ғалла ҳосилини етиштириш учун фермерларнинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда банк филиаллари томонидан фермер хўжаликлари Молия вазирлиги ҳузуридаги Жамғарма маблағлари ҳисобидан пахта етиштириш учун **9,5 миллиард сўм** ва ғалла етиштириш учун **2,2 миллиард сўм**, жами **11,7 миллиард сўм** миқдорида имтиёзли кредитлар билан таъминланди.

Шунингдек, банк томонидан "Микромолиялаш тўғрисида"ги Қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда, барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан жами **6,8 миллиард сўм** миқдорида микрокредитлар ажратилди.

Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги "Шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер

учун барча молиялаш манбалари ҳисобидан **2,2 миллиард сўм** миқдорида имтиёзли шартларда кредитлар олиш имконига эга бўлдилар.

Шунингдек, банк фойдаси ҳисобидан шакллантирилган имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси ҳисобидан, **1,9 миллиард сўм** миқдорида кредитлар ажратилди.

2004 йил 25 майда Президентимиз томонидан қабул қилинган "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармон талабларидан келиб чиқиб, тадбиркор аёллар томонидан таклиф этилган лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида 2008 йил давомида **885 нафар** тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш учун **8,1 миллиард сўм** миқдорида кредитлар йўналтирилди. Мазкур кредитларнинг асосий қисми ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, савдо ва саноатнинг бошқа тармоқларига жалб қилинди. Бунинг натижасида **876 та янги ишчи ўринлари** ташкил этилиб, хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларини ҳал этиш, айниқса, қишлоқ жойларида уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилашга эриштиляётир. Шу билан бирга бундай тадбирлар орқали "Ёшлар йили" Давлат дастурида белгиланган вазибаларни бажаришда "Асака" банк жамоаси муносиб ҳисса қўшганлигини қайд этиш мумкин.

"Асака" банк жамоаси-

тўғрисида"ги Фармони талабларидан келиб чиққан ҳолда, аҳолини, хусусан, ёш оилаларни молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича бир қанча ишлар бажарилмоқда.

Жумладан, 2008 йил давомида **1203** та оилага **50,3 миллиард сўмдан** зиёд ипотека кредитлари, шундан, **801** та ёш оилага **28,9 миллиард сўм** миқдорида имтиёзли шартларда узоқ муддатли ипотека кредитлари ажратилди.

Шунингдек, аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш ва уларнинг турли хил уй жиҳозлари ҳамда бошқа истеъмол товарларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида банк томонидан жами **4224** нафар оилага **13,6 миллиард сўм** миқдорида истеъмол кредитлари, шундан **564** нафар ёш оилага **2,3 миллиард сўм** миқдорида имтиёзли шартларда истеъмол кредитлари берилди.

"Асака" Давлат акциядорлик тижорат банки жамоаси "Қишлоқ таррақчиёти ва фаровонлиги йили"да ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича барча имкониятларни ишга солиб, эзгу ниятлар билан ўз режаларидаги хайри тадбирларни янада ривожлантиришга интиломоқда. Зеро, "Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун" деган шиорга ҳамшиша амал қилган ҳолда, тадбиркорликни ривожлантириш, айниқса, қишлоқ жойларидаги тадбиркорлик фаолиятини кенг йўлга қўйишда молиявий кўмаклашишга катта эътибор қаратишни эзгу мақсад қилган.

(Ўз мухбиримиз)





Ўзбекистон Республикаси очик акциядорлик тижорат банк «Пахта банк»и

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2008 йил 20 февралдаги

“Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва 2008 йил 28 ноябрдаги “Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари ижросини таъминлаш мақсадида

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНК “ПАХТА БАНК” республика аҳолисига миллий ва хорижий валютадаги муддатли ва жамғарма омонат турларини таклиф қилади.

Омонатлар бўйича ҳисобланган фоизли даромадингиз биринчи талабдаёқ берилади. Унутманг, Сизнинг омонатга қўйган пул маблағларингиз “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, жисмоний шахсларнинг тижорат банклари депозит ҳисобварақларига жойлаштирилган пул маблағлари давлат томонидан ҳимояланган ва фуқароларнинг омонатлари бўйича ҳақ тўлашнинг ишончли кафолатлари қонунан юз фоиз таъминланади!

“Пахта банк” омонатларига қўйилган пул маблағлари декларация қилинмайди ҳамда омонатчи ва унинг пул маблағлари ҳақидаги маълумот банк сирини ҳисобланади.

№	Омонат	Фоиз ставкаси	Омонат шартлари
Миллий валютада			
1.	Талаб қилиб олингунча	5% Талаб қилиб олингунча	— Маблағлар нақд ва нақд пулсиз чекланмаган муддатга қабул қилинади ҳамда омонатчининг биринчи талабдаёқ берилади.
2.	“Тошкент — 2200 ёшда”	26% Муддатли	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 3,6,9,12,15 ва 18 ой; — Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади; — Маблағлар қабул қилиш муддати 02.06.2009.
3.	“Тараққиёт”	26% Жамғарма	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 1,2,3,6,9,12,15 ва 18 ой; — Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади; — Маблағлар қабул қилиш муддати 06.04.2009.
4.	“Маиший тўлов”	18% Жамғарма	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 2 йил — Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда коммунал тўловларга ўтказиб берилади.
5.	“Болалар — келажагимиз”	12%-18% гача Жамғарма	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 1,2,3,4 ва 5 йил; — Фоизлар ҳар 3 ойда тўлаб борилади.
6.	“Саҳоват”	18% Муддатли	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 2 йил.
7.	“Навниҳол”	МБ қайта молиялаш ставкасида Жамғарма	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 1 йил; — Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади; — Мазкур омонат ёши 16дан 25 гача бўлган ёшлар учун очилади; — Қўйилган маблағлар миқдори муддати тугагандан сўнг 50000 сўмдан ошган бўлса, жами тўланган даромаддан 10% қўшимча даромад берилади.
8.	“Ёшлик”	18% Жамғарма	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 1,2,3,6,9,12,15 ва 18 ой; — Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.
9.	“Мададкор”	18% Муддатли	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 1,2,3,6,9,12,15 ва 18 ой; — Ҳар ой учун ҳисобланган фоиз омонатчига олдиндан тўлаб борилади.
10.	“Муддатли”	16% Муддатли	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 6 ой ва 1 йил; — Фоизлар муддат тугагандан кейин тўланади.
11.	“Муддатли”	18% Муддатли	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 3 ва 5 йил; — Фоизлар омонат очилган кундан бошлаб бир йилдан сўнг тўлаб борилади, қолган даврлар учун ҳисобланган фоизлар ҳам шу тартибда тўлаб борилади; — Олинмаган фоизлар омонатнинг асосий суммасига тўлашиш даврийлигига қараб қўшиб борилади.
12.	“Оқ олтин”	18% Муддатли	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 6 ой; — Ҳар ой учун ҳисобланган фоиз омонатчига олдиндан тўлаб борилади.
13.	“Пахтакор”	16% Муддатли	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 3 ой; — Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.
14.	“Барака”	12%-18% Муддатли	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 3,6,9 ва 12 ой; — Фоизлар аванс тариқасида (олдиндан) ёки босқич-ма-босқич омонатчиларга берилади.
15.	“Баҳор”	18% Муддатли	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 9 ой; — Фоизлар ҳар 3 ойда тўлаб борилади.
16.	Истеъмол омонат	10% Муддатли	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 3 йил; — Ҳисобланган фоизлар “Истеъмол кредити”га ҳисобланган фоизларни сўндириш мақсадида ҳар ойда ўтказиб борилади.
17.	Эгасининг номи кўрсатилмаган	18% Жамғарма	— Омонатнинг суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 3,6,9 ва 12 ой; — Маблағлар қабул қилиш муддати 01.04.2009; — Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.
18.	Эгасининг номи кўрсатилмаган	19% Муддатли	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 3,6,9 ва 12 ой; — Маблағлар қабул қилиш муддати 01.04.2009; — Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.
19.	“Олтин водий”	24% Муддатли	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 3,6,9,12,15,18 ва 24 ой; — Маблағларни қабул қилиш муддати 02.06.2009; — Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.
Хорижий валютада			
1.	“Чашма”	АҚШ долларида 7% Муддатли ЕВРОда 6% Муддатли	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 3,6,9 ва 12 ой; — Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади; — Маблағлар қабул қилиш муддати 31.03.2009.
2.	“Эзгу”	АҚШ долларида 7% Муддатли ЕВРОда 6% Муддатли	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 3,6,9 ва 12 ой; — Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади; — Маблағлар қабул қилиш муддати 31.03.2009.
3.	“Севинч”	ЕВРОда 8% Муддатли	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 3,6,9 ва 12 ой; — Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади; — Маблағлар қабул қилиш муддати 31.03.2009. — Фоизлар Марказий банк курси бўйича “сўм” да тўланади.



Қўшимча маълумотлар учун 150-85-27 ва 150-53-65 телефон рақамларига кўнғироқ қилишингиз ҳамда “Пахта банк”нинг исталган филиалларига мурожаат этишингизни мумкин. www.pakhtabank.com
Хизматлар лицензияланган.

TURON BANK

Очиқ акциядорлик тижорат "Турон" банкининг Навоий филиали жамоаси

азиз юртдошларимизни гўзаллик ва нафосат байрами — Наврўз билан самимий қутлаб, аҳолига бир қанча муддатли омонат турлари жорий этилганлигини маълум қилади.

1. "Кафолат". Ҳар ойнинг 25-санасидан келгуси ойнинг 5-санасигача қабул қилинади. Муддати — 10 кун. Йиллик — 18 фоиз.
2. "Нуроний". Муддати — 3 ой. Йиллик — 18 фоиз.
3. "Имконият". Муддати — 1, 12 ойлик. Йиллик — 18 фоиз.
4. "Ҳамкорлик". Муддати — 12 ой. Йиллик — 18 фоиз. Бу омонат муддати тўлгандан сўнг миқдор ҳисоб рақамидан қолдиқ суммага 3 фоиз бонус мукофот пули қўшимча тўланади.
5. "Сармоя плюс". Муддати — 6 ой. Йиллик — 18 фоиз.
6. "Барҳаёт". Муддати — 2 ой. Йиллик — 26 фоиз.

Шунингдек, қуйидаги халқаро пул ўтказмалари тизимидан фойдаланишни таъкиф этади.

"WESTERN UNION" — тариф бўйича.
 "Бистрая почта" — 250 \$ гача — 3 \$ (Фоиш АҚШ долларидан) 250 \$ дан юқориси — 2 фоиз комиссия тўлов.
 "COINSTAR" — тариф асосида
 "CONTACT" — 3 фоиз.
 "Золотая Корона" — 1,5 фоиз.
 "MONEYGRAM" — тариф асосида.
 Оддий жўнатма — 15 \$.

Чет эл валютасида жорий қилинган муддатли омонат турлари:

"Optima". Йиллик — 7 фоиз. Муддати — 1, 3, 6, 12 ойгача. Фоиз чет эл валютасида ойма-ой ёки муддати тугагандан сўнг тўланади.
 "Мерос". Йиллик — 7 фоиз. Муддати — 12 ой.
 "Турон Универсал". Йиллик — 7 фоиз. Муддати 3,6, 12 ой. Фоиз миллий валютада.

"Турон банк" хизматидан фойдаланинг!

Маълумот учун телефонлар:
 224-21-09; 224-45-08; 224-17-01.

Ижро тизими

Ваколат ва изчил фаолият

СУД ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлимларига 2008 йил давомида 94 минг 969 та, жами 182 миллиард 303 миллион 343,9 минг сўмлик ижро ҳужжатлари келиб тушган бўлиб, шундан 83,7 фоизи, яъни 150 миллиард 382 миллион 732,4 минг сўмлик ижро ҳужжатларининг ижроси таъминланган.

МАЪЛУМКИ, "Ижро иши юритиш такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан Жиноят кодекси, Жиноят процессуал кодекси, Фуқаролик процессуал кодекси, Хўжалик процессуал кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслари ҳамда бир қатор қонунларга қўшимча ва ўзгартишлар киритилди.

Жиноят кодексининг 232-моддаси, Жиноят процессуал кодексининг 38-моддаси, Фуқаролик процессуал кодексининг 216-моддаси, Хўжалик-процессуал кодексининг 210 ва 211-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, Жиноят процессуал кодексининг 38-моддаси қуйидаги мазмундаги **9-банд** билан тўлдирилди, "**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти ҳамда унинг ҳудудий бошқармалари — вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни, отанони моддий таъминлашдан бўйин товлашга, суд қарорини бажармасликка, шунингдек, банд солинган мол-мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф этишга доир ишлар бўйича**" деган сўзлар билан тўлдирилди, шунингдек, 539-модда билан тўлдириш орқали суриштирув

ваколати берилди.

Фуқаролик процессуал кодексининг 216-моддаси қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилди, жумладан, ҳал қилув қарори ижросини кечиктириш ёки уни бўлиб-бўлиб ижро этиш, ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш тўғрисидаги ариза у берилган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай кўриб чиқиш тартиби жорий этилди. Кодекснинг 372-моддаси иккинчи қисмига кўра, бир неча жавобгардан пул суммаларини ундириш тўғрисидаги ҳукм ёки ҳал қилув қарори асосида жавобгарларнинг сони бўйича бир неча ижро арақаи берилиши, бунда агар шерик жавобгарлардан ундириш назарда тутилаётган бўлса, ҳар бир ижро арақасида ундирувнинг умумий суммаси кўрсатилиши ва шерик жавобгар эканлиги кўрсатилган ҳолда жавобгарларнинг ҳаммаси санаб ўтилиши белгилаб қўйилди.

Шунингдек, "**Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида**"ги Қонуннинг 3-моддаси биринчи қисми қуйидаги тахрирда, яъни суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти органларининг суд ижрочилари зиммасига

юклатилиши мустаҳкамлаб қўйилди.

Банк ва бошқа кредит ташкилотлари — суд ижросининг муайян банк миқозининг (вакилининг) пул маблағлари ва ўзга мол-мулкка ундирув қаратиш ёки уларни хатлаш ҳақидаги суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори асосида берган ёзма сўровига кўра, унга банк сирини ташкил этувчи маълумотларни тақдим этишини, суд ижросининг ёзма сўровига кўра, қарздорнинг банки ва хатлаш мумкин бўлган ҳисоб-варагини аниқлайди ҳамда бу ҳақда кейинги иш кундан кечиктирмай суд ижросисига маълум қилиши лозимлигини, суд ижрочиларининг қарздордан ижро ҳужжати бўйича тегишли қарзни, шу жумладан, ижро йиғимини, суд ижросиси томонидан қарздорга солинган жарималарни ва ижро ҳаракатларини низосиз тартибда ундириш тўғрисидаги топшириқлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бажарилишини, суд ижросисининг қарорига мувофиқ қарздорнинг чет эл валютасини, шу жумладан, нақд чет эл валютасини сотиши ёки сотиб олиши лозимлиги мустаҳкамлаб қўйилди.

Хулоса ўрнида таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳар қандай қонун — ижроси билан кучли экан, суд ижрочилари зиммасида қонун ижросининг муқаррарлигини таъминлашдек шарафли масъулият қолаверади.

Умид АМИНОВ,
 Суд департаментининг Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи



Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Республика ўрта махсус касб-ҳунар таълими марказига қарашли Қарши педагогика коллежи, Шаҳрисабз педагогика коллежи, Қарши банк коллежи жамоалари

барча юртдошларимизни қадимий ва ҳамisha навқирон, янгиланиш ва яшариш байрами — Наврўзи олам билан муборакбод этади.

Ниятимиз, ҳар бир хонадонда шоду хуррамлик, аҳиллик бўлсин.

Эзгу ниятлар изҳор этиладиган бугунги қутлуғ кунда биз ҳам яратгандан ҳар бир хонадонга тинчлик, бахт-саодат ва осойишталик тилаймиз.

Бутун борлиқ яшариб, еру кўкда буюк мўъжизалар содир бўладиган ана шундай фараҳли кунларда Наврўз нафосати ҳар бир оилага, ҳар бир инсонга қувонч, шодлик олиб келсин!



Ўзбекистон Республикаси Давлат тижорат ХАЛҚ БАНКИ



Ёшариш ва янгиланиш байрами — Наврўз билан барча юртдошларимизни самимий муборакбод этади. Баҳор айёми муносабати билан банк Сиз азизларга янги "Ижтимоий-рағбат" ҳамда "Соврин плюс" омонатларини таклиф этади.

"Ижтимоий-рағбат" омонатига пенсия ва ижтимоий нафақалар олувчилардан пул маблағлари 2 ойдан кам бўлмаган муддатга Халқ банкнинг барча бўлимлари орқали қабул қилинади. Омонат бўйича фоиз даромадлари ҳар ойда тўланиши билан бирга, ҳар ойда ютуқлар тиражи ўтказилиб, омонатчилар 4000 дан ортиқ пул ютуқларининг соҳиби бўлиш имкониятига эгалар. "Соврин плюс" омонатига эса, маблағлар 1 йилдан кам бўлмаган муддатга чекланмаган миқдорда банкнинг барча бўлимлари орқали қабул қилинади. Бу омонат тури бўйича ҳам Сиз, фоиз даромадларини олиш билан бир вақтда, қўшимча равишда 5 000 000 сўмгача бўлган кўплаб пул ютуқлари совриндори ҳам бўлиш имкониятига эга бўласиз.

Мурожаат учун тел: 150-12-91

Хизматлар лицензияланган. №25. 25.01.2003

ХАЛҚ БАНКИДА АҲОЛИ ОМОНАТЛАРИНИНГ ДАХЛСИЗЛИГИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНГАН!

Мижоз ишончини оқлаш

Давлат тижорат Халқ банки Марғилон шаҳар филиали жамоасининг кундалик шиорига айланган

БУГУН Фарғона вилоятида Давлат тижорат Халқ банкнинг 21 та туман ва шаҳар филиали, 9 та мини-банки, 233 та шохобча ва 33 та махсус кассалари фаолият кўрсатмоқда. Ана шулардан бири банкнинг Марғилон шаҳар филиалидир.

— АЙНИ ПАЙТДА Марғилоннинг 201,031 нафар аҳолиси ва 57 та юридик шахслар ҳамда 178 нафар хусусий тадбиркорга хизмат кўрсатиб келямиз. Мақсад — мижозларимизнинг, биринчи навбатда аҳолининг банкларга бўлган ишончини янада ошириш. Ҳозир филиалимиз таркибида 13 та шохобча ва 2 та махсус касса фаолият кўрсатмоқда, — дейди биз билан суҳбатда филиал бошқарувчиси Манзура Жаҳонова.

Дарҳақиқат, филиал жамоаси хизмат кўрсатиш кўламини тобора кенгайтириб бормоқда. Яъни, аҳолининг бўш пул маблағларини турли омонатларга жалб қилиш, юридик ва жисмоний шахсларга турли кредитлар ажратиш, "Вестерн Юнион", "Контакт", "Юнистрим" сингари халқаро пул ўтказиш тизимлари орқали келган маблағларни ўз вақтида мижозларга етказиш, пластик карточкалар орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоблар амалиётларини ҳамда жамғариб бориладиган пенсия тизими иштирокчиларига юқори савияли хизматлар кўрсатиш бўйича бир мунча ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Шу ўринда Юртбошимизнинг "Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини ли-

бераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонини алоҳида эътироф этиш лозим. Чунки унинг қабул қилиниши ҳамюртларимизнинг банкларга бўлган ишончини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлди. Мазкур Фармон ижросини таъминлаш мақсадида фуқаролар, корхона, ташкилот ва муассасаларда мавжуд омонатлар, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари мазмун-моҳиятини тарғиб қилувчи "маслаҳатчи менежер" штати жорий қилинди. Шунингдек, "Омонатчилар бурчаги" янгидан ташкил этилди. Ўтган 2008 йилда филиал томонидан "Ташаббус-1", "Даромад плюс", "Афзал", "Шодлик", "Таътил", "Мижозлар манфати", "Барқарор", "Маржон", миллий валюта ва чет эл валютасидаги "Такдим этувчи" омонатларига 618 миллион сўмдан ортиқ маблағ жалб қилинди. Бу йил бошидаги омонат қолдиғига нисбатан 264.271.300 сўм кўп демакдир. Жорий йилнинг январь, февраль ойларида эса юқоридаги омонатлар ва улардан ташқари "Тараққиёт", "Миришкор дехқон" муддатли омонатлари, "Навбахор" ютуқли омонати



ҳамда "Фарзанд келажиги", "Мустақил ҳаёт" жамғарилувчи омонатларига жалб қилинган маблағлар жами 196.1 миллион сўмдан ортиқни ташкил қилди. Филиалда нақд пул маблағларини банк кассаларига жалб қилиш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаш-

тириш йўлида амалга оширилган ишлар ҳам кўнгилдагидек. Бунда пластик карточкалар орқали кўрсатилаётган хизмат жуда кўл келмоқда. Марғилонда пластик карточкада савдо қилувчи 126 та савдо терминали мавжуд. Улар асосан дорихоналар, ёнилғи қўйиш шохобчалари ва коммунал хизмат кўрсатиш, корхоналари ҳиссасига тўғри келади. Айтилган пайтда 3626 нафар марғилонликлар банкнинг пластик карточкалари хизматидан фойдаланмоқда.

Бугун филиал томонидан аҳолининг коммунал тўловларини қабул қилиш масаласига жиддий эътибор билан ёндошилмоқда. Натижада яқунланган йилда 1 миллиард 53 миллион сўмлик коммунал тўловлар қабул қилинди. Дарвоқе, филиалда коммунал тўловларни қабул қилувчи махсус жи-

ҳозланган енгил автомашина хизмати йилга қўйилган.

Филиалда "Ишонч телефонлари" ва "Ишонч қўтилари" ҳам ўрнатилганки, бу банк ходимларининг сансоларлик, лоқайдлик ва таъмагирлик кайфиятларига барҳам беришга, энг асосийси, давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 5 августда қабул қилинган "Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида"ги 147-сонли Қарори ижросини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Банкнинг Марғилон филиали томонидан аҳолига чорва моллари харид қилиш учун 34,5 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилди. Қолаверса, шу йилнинг ўзида кичик ва ўрта бизнес субъектларига 203 миллион 782 минг сўм миқдорда имтиёзли кредитлар, 220 миллион 910 минг сўм миқдорда истеъмол кредитлари ажратилганини ҳам таъкидлаб ўтиш ўринли.

— Бир сўз билан айтганда бугун бизга "Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун" тамойили дастуриламал бўлаётир, — дея сўзини давом эттиради филиал бошқарувчиси. — Чунки банк равнақи мижозлар сафининг нечоғли кенглиги ва банкнинг хизмат кўрсатиш сифатига ҳар жиҳатдан боғлиқ.

Хуррид СУЛТОНОВ,
"Инсон ва қонун"
мухбири



Ёшларга ишонч — келажакка ишонч

МУСТАҚИЛ мамлакатимизнинг келгуси тақдири бугунги ёшлар тарбиясига боғлиқ экан, ёшларни миллий истиқлол гоёси асосида, етук инсонлар қилиб камол топтириш Навоий вилояти ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси зиммасига ҳам масъулиятли вазифаларни юклайди. Тизимда Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талабларидан келиб чиқиб, қатор ижобий ютуқлар қўлга киритилмоқда. Айни пайтда, вилоятдаги 4 та академик лицей 44 та касб-хунар коллежидан 100 дан зиёд йўналиш бўйича 33867 нафар йигит-қиз илм ва касб сирларини ўрганмоқда. Таълим-тарбия жараёнига фан докторлари, фан номзодлари, тажрибали олимлар жалб этилган.

ЁШЛАРГА академик лицей ва касб-хунар коллежлари қошидаги 14 та “Ўқувчилар уйи”, 36 та Ахборот-ресурс маркази ва 12 та кутубхона, 49 та тиббиёт хонаси, 1 та спорт мажмуаси ва замонавий жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган 39 та спорт иншооти, 44 та спорт зал, 1 та 25 метрли сузиш ҳавзаси, 6 та усти ёпиқ отиш тири ҳамда 187 та спорт майдончаси хизмат кўрсатмоқда.

Бошқарма томонидан 2008 йил “Ёшлар йили” Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида 13 миллиард 874 миллион сўм маблағ сарфланганлиги ўтган йилда кенг қўлланли ишлар амалга оширилганлигидан далолат

беради.

Ўқувчи ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, ёшларнинг ҳуқуқий онги ва саводхонлигини ошириш мақсадида “Оғусиз келажак сари”, “Инсон ҳуқуқлари ва бурчлари”, “Инсон ҳуқуқлари декларацияси — адолат қомуси”, “Ёшлар — гиёҳвандликка қарши”, “Оғоҳлик ва ҳушёрлик барчамизнинг бурчимиздир”, “Ватанга содиқ фарзанд бўлайлик” мавзуларида ўтказилган қатор маънавий-маърифий тадбирлар коллежларда ёш авлодга фақат илм бериш билангина эмас, балки уларни миллий қадриятларимиз, урф-одатларимизга, юртимизга меҳр-

муҳаббат руҳида тарбиялашга ҳам хизмат қилмоқда.

Академик лицей ва касб-хунар коллежларида вояга етмаган ёшларни оғир, ноқонуний меҳнатга жалб этиш ҳолатларининг олдини олиш, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида маҳалла оқсоқоллари ҳамда ички ишлар бўлинмалари билан ҳамкорликда ёшлар етакчилари томонидан бозор, йирик савдо нуқталари каби жамоат жойларида мунтазам рейдлар ўтказилмоқда.

Барча таълим муассасаларида Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 12-сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги Конвенцияни ҳамда болалар меҳнатининг оғир шакллари таъқиқлаш ва йўқ қилишга доир шойлиқ чоралар тўғрисидаги Конвенцияни амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги 2007-сонли қарорининг мазмун-моҳиятини тушутириш мақсадида ҳуқуқ-тартибот идоралари, “Камолот” ёшлар ташкилоти ҳамда “Маҳалла” жамғармаси билан ҳамкорликда семинарлар ўтказилди.

Бундан ташқари, таълим муассасаларида битирувчиларнинг ҳуқуқий ва касбий билимларни пухта эгаллаши, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, касбий тайёргарликни янада яхшилаш мақсадида қатор тадбирлар ташкил этилмоқда. “Компьютер шоу”, “Ёш кадастрчи”, “Энг яхши тикувчи”, “Дурадгорлик сирлари”, “Қонунларни ўрганамиз” мавзуидаги тадбирлар ана шулар жумласидандир.

Маълумки, билимнинг асосий манбаи китобдир. Президентимизнинг 2006 йил 20 июндаги “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”ги Қарорига асосан мавжуд касб-хунар коллежларидаги кутубхона базаларида ахборот ресурс марказлари ташкил этилди. Нашриётлар ва ўқув юртлари билан ўқув адабиётлари алмашиш бўйича ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди. Вилоятда “Энг яхши ахборот ресурс маркази” кўрик-танловининг ўтказилганлиги бу янги соҳада ишларни самарали ташкил этишга ёрдам берди.

Президентимизнинг 2006 йил 7 августдаги “Фан ва



технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қароридан келиб чиқиб Навоий давлат кончилиқ институтида йўналиш ва фундаментал фанлардан Республика иқтидорли талабалари олимпиадасининг биринчи босқичи ўтказилди. Унда академик лицей ва касб-хунар коллежларидан 19 нафар иқтидорли ўқувчиларимиз фаол иштирок этиб, фахрий ёрликлар билан тақдирланди.

Бундан ташқари, умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини касб ўрганишга тўлиқ йўналтириш мақсадида “Касблар фестивали”ни ўтказиш аъёнага айланган.

Ёшларимизнинг фахрланса арзийдиган ютуқлари кўп. Талабаларимиз вилоят ва республика миқёсида ўтказилган турли кўрик-танловлар, фан олимпиадалари ва спорт мусобақаларида фаол иштирок этиб келишмоқда.

Жумладан, Навоий академик лицейи ўқувчиси умумтаълим фан олимпиадалари республика босқичининг фахрли 3-ўрин соҳибига айланди. Хатирчи агросервис касб-хунар коллежининг ўқувчиси “Уруш бўлмасин жаҳонда” иншолар танловининг республика босқичи совриндори бўлди. Навбахор қишлоқ хўжалиқ касб-хунар коллежи жамоаси “Барҳаёт аъёналар” кўрик-танлови республика босқичининг фахрли 3-ўрин совриндори бўлди. “Баркамол авлод” спорт мусобақаларининг республика босқичида академик лицей ва касб-хунар коллежларининг иқтидорли спортчи ёшлари 2 та олтин, 21 та кумуш, 32 та бронза, жами 55 та медални қўлга киритдилар.

Мудофаа вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда “Чақириқ-қача ёшларни тайёрлаш фанининг ўқитилиши бўйича энг намунали таълим муассаси кўрик-танлови”да Навоий индустриал-иқтисодий коллежи фахрли 1-ўринни эгаллади.

Бугун халқ хўжалигининг барча соҳаларида коллежларимизни битирган ёш, изланувчан, иқтидорли ёшлар меҳнат қилиб, эл юртга наф келтиришга тайёрландилар, Президентимиз бошлаб берган сиёсат бугунданок ўз мевасини бераётганлигини кўриб қалбимизда фахр ва ифтихор туямиз.

Баёт ҲОСИЛОВ,
Навоий вилояти ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари

“БЕНТОНИТ”

турли соҳалар истиқболи

“НАВОЙИЙ ВИЛОЯТИДА Аллоҳ ўзи халқимизга инъом этган, юртимиз салоҳиятини юксалтиришга хизмат қиладиган, бошқача айтганда, белимизни бақувват, кадр-қимматимизни баланд, қўлимизни узун қиладиган, одамларимизнинг фаровон турмушига асос бўладиган табиий бойликларнинг улкан захиралари мавжуд”. Юртбошимизнинг юқоридаги фикрларини тупроғи олтин бу заминда янги-янги хомашё бойликлари, турли конларнинг топилаётганлиги тўлиқ тасдиқлаб турибди.

ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА хорижий шериклар билан бунёд этилган янги корхонлар сони ортди.

Тупроқнинг ноёб мўъжизаларга эга эканлигини яна бир қарра исботлаган “Бентонит” қўшма корхонаси ана шундай ишлаб чиқариш тармоқлари жумласидандир.

“Bentonite” Ўзбекистон—Швейцария қўшма корхонаси 2002 йилнинг февралда “ZEROMAX” (Швейцария) ва “Ўзбургунефтгаз” (Ўзбекистон) акциядорлик жамияти муассислигида ташкил этилган бўлиб, мазкур корхонанинг асосий фаолияти нефтгаз қудуқларини пармалашга ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида фойдаланилаётган пармаловчи эритмаларни тайёрлашда ишлатиладиган бентонит, барит, гипс, доломит, гил каби хомашёни қазиб олиш ва ишлаб чиқаришдан иборат.

Қўшма корхона ташкил этилгунга қадар юртимизга бу маҳ-

сулотни хорижий давлатлардан олиб келишга тўғри келарди. Бу ноёб хомашёни ишлаб чиқарувчи “Bentonite” қўшма корхонаси заводи Навоий вилоятининг Кармана туманида жойлашган.

Бентонит гили бир неча миллион йиллар аввалги даврларда сув билан қопланган океанлар қолдиги сифатида пайдо бўлган, дейилади илмий манбаларда. Битта кондан чиқаётган турли хил минерал хомашё қора металлургияда, машинасозлик ва керамика саноатида ҳам ишлатилиши билан қимматлидир. Натрий ионлари юқорилиги туфайли у ювиш ҳамда тозаловчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришда ҳам қўлланилади. Шунингдек, бу хомашёдан дори-дармонлар, пардоз анжомлари — крем ва упалар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Бундан ташқари, у резинотехника, лак-бўёқ, қоғоз ва

тўқимачилик саноати учун ҳам фойдали хомашё саналади. Чорвачилик ва паррандачилик соҳасида бентонитнинг ўзига хос ўрни бор. Уч хил таркибдаги мўъжизавий гилдан ишлаб чиқаришнинг 200 дан зиёд соҳаларида фойдаланиш имкони борлиги унинг шунчаки оддий лой ёки тупроқ эмаслигидан далолат беради. Хуллас, бу ноёб хомашёдан оғир ва енгил саноатда, қишлоқ хўжалигида, тиббиётда, косметика, озиқ-овқат саноатида самарали фойдаланилмоқда.

Корхонада ишлаб чиқаришни самарали бошқариш ва иш-



лаб чиқариш ҳажмининг ўсишида ОСІ немис фирмаси ва мутахассислари томонидан жиҳозланган “RAYMOND” компанияси замонавий технологик линияси асосий рол ўйнамоқда. Бентонит кукунининг полипропилен қопларда қадоқланаётганлиги эса уни ташки таъсирлардан асраш имконини ва сифатига кафолат беради.

Маҳсулот бугунги кунда Ўзбекистоннинг ички талабини тўлиқ қондириш билан бир қаторда Қозоғистон, Қирғизис-

тон ва Россия давлатларига экспорт қилинмоқда.

Чексиз имкониятларга эга мазкур қўшма корхона жамоаси бугунги кунда метро станциялари, газ қувурлари, тўғон, бензин-газ қуйиш станцияларини қуриш учун махсус қопловчи материалларни тайёрлашда ишлатиладиган бентонит гилини ишлаб чиқаришга ҳам қодир.

“Ўздонмаҳсулот” очиқ акциядорлик жамиятининг етакчи мутахассислари ҳамкорлигида илмий-текшириш натижалари асосида чорвачиликда ишлатиладиган бентонит уни тўғрисида меъёрий ҳужжатлар тайёрланганлиги эса Ўзбекистонда чорвачиликни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўиши табиий.

Президентимизнинг 2008 йил 2 декабрдаги “Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони асосида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад ҳам айнан ана шу саҳоватли, бой заминнинг чексиз имкониятларини рўёбга чиқаришдан, жаҳон стандартларига мос, ташқи бозорларда рақобатбардош ва харидоригр маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, замонавий, илғор ва юқори унумли технологияларни ташкил этиш ва жорий қилиш учун хорижий инвестицияларни тўғридан-тўғри жалб этишдан иборат.

Маруза ҲОСИЛОВА,
“Инсон ва қонун” муҳбири



Нон азиз, инсон азиз

“ҚИЗИЛТЕПА ун заводи” акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган ун сифатлиги билан аҳолига манзур бўлмоқда.

БИР кеча-кундузда 50 тонна буғдой хомашёсини қайта ишлаш имкониятига эга бўлган мазкур корхонада ўтган 2008 йилда 8081,1 тонна биринчи навли ун маҳсулоти ишлаб чиқарилиб, вилоятдаги савдо ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ташкилотларга сотилди. Унинг тўлиқ темир моддаси билан бойитилганлиги бу азиз неъмат аҳоли дастурхонини безашгагина эмас,

балки саломатлигини яхшилашга ҳам хизмат қилаётганлигидан далолат беради.

Корхона “Фаллабанк”нинг Навоий вилояти филиали томонидан ажратилган 400 миллион сўм имтиёзли кредит ёрдамида Туркия давлати технологияси асосида қайта жиҳозланган тегирмон туфайли маҳсулот сифати бўйича рақобатчи корхоналар ўртасида биринчи ўринга чиқиб олди.



Корхона жамоаси барчани нафосат ва латофат байрами, ризқу рўз ҳамда барака фаслининг бошланиши билан чин дилдан муборакбод этади. Юртдошларимизнинг дастурхонига тўқиллик, хонадонига хотиржамлик тилайди.

ТАБИАТ НУР АТО

Нурота чашмаси

ҚАДИМИЙ Нур Турон замин тарихий шаҳарлари сирасига кириб, Шарқу Фарбни боғлаган "Буюк Ипак йўли"нинг муҳим манзили ҳисобланган. Унинг гўзал чашмаси, қадимий сув иншооти – ер ости қоризлари, Нур қалъаси (Арк), "Чил устун" ("Қирқ устун") масжидлари асрларки, кишиларни ўз маҳобати ва гўзаллиги билан ҳайратга солиб келади.

ҚАДИМИЙ Нур чашмаси асрлар мобайнида кишиларга оби ҳаёт билан бирга маънавий озуқа ҳам улашиб келади, гўё. Чашма таърифи Машриқдан Мағрибга кетган. У денгиз сатҳидан

беш юз ўттиз метр баландликда – Оқтов тизма тоғларининг Фарб томонида жойлашган. Суви тоза, зилол, шифобахш. Унинг таркибиде хлор, сульфат, калий, магний, кальций, кремний,

карбонат, натрий, олтин, кумуш ионлари каби ўн бешдан зиёд микроунсурлар бор. Ҳарорати ҳайратомуз: кишин-ёзин муқаррар бир хил ҳолатда +19,5 сақланади. Бир лаҳза мобайнида 250- 270 литр сигимида сув чиқаради.

Бу ерда Чашма дурлари —балиқларнинг товланиб сузиб юришларини кўриб, масканнинг нақадар табаррук ва ҳаётбахш эканлигига яна бир бор амин бўласиз.



МАМЛАКАТИМИЗДА олиб борилаётган ислоҳотлар туфайли аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишнинг самарали тизими яратилган. Бу, жойларда янги иш ўринларини яратиш, қўшимча касбга йўналтириш, касаначиликни ривожлантириш каби муҳим ва долзарб вазифаларда ўз аксини топқанди. Нурота туманидаги Бандликка кўмаклашувчи марказ томонидан бу борада бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Касаначилик билан турмуш фаровон

ЖУМЛАДАН, ўтган йил давомида марказимизга 3626 нафар иш билан банд бўлмаган фуқаро иш сўраб мурожаат қилган бўлиб, улардан 3056 нафари мулкчилик шакли турлича бўлган корхоналарга ишга жойлаштирилган. 65 нафар фуқаро қайта касбга ўқитилди, 70 нафар фуқаро ҳақ тўланадиган жамоатчилик ишига юборилиб, 521 нафарига ишсизлик мақоми берилиб, 454 нафарига ишсизлик нафақаси тайинланди. 10 нафар фуқаро эса муддатидан олдин нафақага юборилди. Бундан ташқари, 2919 та янги иш ўринлари барпо этилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 1 декабрдаги 504-сонли қарорига асосан, ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишга қийналадиган, меҳнат бозориде тенг рақобатлашишга қодир бўлмаган шахсларни ишга жойлаштириш мақсадида туман ҳокимининг махсус қарори билан 42 та корхонага 116 та иш ўрни ажратиш кўрсатилган бўлиб, йил давомида 143 нафар фуқаро квота асосида ишга жойлаштирилди.

Президентимизнинг 2006 йил 5 январдаги "Йирик санаот корхоналари билан касаначиликни ривожланти-

риш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида асосан, туманда 308 та касаначилик бўйича иш ўрни яратиш дастурга киритилган эди. Бу вазифа ортиги билан бажарилди. Ишга жойлаштирилган 309 нафар фуқаронинг 154 нафарини хотин-қизлар ташкил этди. Бу билан аёллар бандлигидан ташқари, оилалар фаровонлиги ошишига, турмуш маданиятини юксалтиришга эришилди. Айниқса, соҳани ривожлантиришга Нуротанинг ўзига хос каштачилик мактаби кўпроқ ёрдам бермоқда. Бу заминда донғи дунёга таралган машҳур ва моҳир каштачилар қадим қадриятларимизни асраб-авайлаб, асрлардан асрларга, авлодлардан авлодларга етказиётганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш керак.

Иш билан банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида туманда йил давомида 6 мартаба меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Касб-хунар коллежи битирувчиларини ишга жойлаштириш мақсадида айрим ярмаркалар коллежларнинг ўзиде ўтказил-

ди. Меҳнат ярмаркасида 69 та қорхона ва ташкилот 320 та иш ўрни билан қатнашиб, иш билан банд бўлмаган фуқаролардан 197 нафари ишга жойлаштирилди. 25 нафари касб ўрганиш учун ўқишга юборилди, 20 нафари билан жамоатчилик ишига юбориш бўйича шартномалар тузилди.

Шунингдек, Юртбошимизнинг 2006 йил 23 мартдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори асосида марказда 318 нафар фуқарога меҳнат дафтарчаси юритилиб, иш билан банд қилинди. Бандликка кўмаклашувчи жамғарма ҳисобидан 17 та оилага 20 миллион сўм кредит берилди, аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг янги тизими яратилди.

Бир сўз билан айтганда, ҳукуматимиз олиб бораётган янги иш ўринлари яратиш, вақтинча ишсиз фуқароларни қўллаб-қувватлаш, улар қорига ярашдек ижтимоий сиёсат Нуротада ҳам собитқадамлик билан олиб борилмоқда.

Абдурауф ШУКУРОВ,
Нурота тумани
Бандликка кўмаклашувчи
марказ директори

НУРОТАДА маҳалланинг ўзига хос мактаби бор.

Бугунги кунда туманимизда 39 та ўзини ўзи бошқариш органи фаолият юритаётган бўлиб, шундан 7 таси қишлоқ фуқаролар йиғини, 32 таси маҳалла фуқаролар йиғини ҳисобланади. Улар 20 259 та оилада истиқомат қилаётган 83 412 нафар аҳолининг қувонч ва ташвишлари билан нафас олади.

Маҳалла

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 1998 йил 28 октябрдаги "Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни, марҳумлар хотирасига бағишланган тадбирларни ўтказишни тартибга солиш ҳақида"ги Фармони тўйлар ва тантаналарни ихчамлаштириш, манманлик ва маросимларни мусобақага айлантириш каби хунук ҳолатларга чек қўйиш мақсадида қабул қилинганлигини барчамиз яхши биламиз. Фармон шарофати билан жойларда ёшлар никоҳини қайд этиш тадбирини тўй тантанаси оқшомида ўтказишга эришяёмиз. Аввалги тонготар баэмларга чек қўйилди. Лўнда қилиб айтганда, ўтган ўн йил давомида халқимиз ортиқча исрофгарчиликка йўл қўймаслик орқали ўз турмушлари фаровонлигини таъминлашга эришди. Тўйларимизга миллий руҳ ва ўзгача файз кирди.

Авваллари оила қураётган аксарият ёшлар Фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) бўлимларига бориб никоҳдан ўтиш ўрнига, ҳаётда бир марта бўладиган



бу қутлуғ маросимни ўртоқлари билан қатор-қатор машиналарда шаҳар айланиш, ресторанларда базм уюштиришдан иборат, деб ўйлашдан нарига ўтмасдилар. Бугунги кунда оила қураётган ёшларнинг никоҳи қайд этилиб, никоҳ қоғози никоҳ оқшоми тантанасига бориб топширилаётганлиги ҳам маҳалланинг жонқуярлигидан.

Юрт ободлигига ҳисса қўйиш борасида ҳам нуроталиқларнинг ўз тажрибаси бор. Жумладан, ҳар йили ўтказиладиган хайрия ҳашарларидан ташқари шаҳар ҳудудида жойлашган 13 та маҳаллада ойда 2 марта "Чашма ҳашари" ўтказилиши анъанага айланган.

Бутун дунё сайёҳларини ўзига чорлаётган Чашма мажмуасининг озодлиги, ободончилиги учун масъуллик

КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА Навоий вилоятида халқ таълими тизимидаги ислоҳотлар ўзининг ижобий самарасини кўрсатмоқда. Айниқса, Президентимизнинг "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида"ги Фармони қабул қилинганлиги бу жараёни чуқурлаштиришга асос бўлди.

Билимдонлар

НУРОТА туманидаги 1-ихтисослашган умумий ўрта таълим мактаби ана шундай қутлуғ даргоҳлардан бири.

Билим масканимизда бугунги кунда 43 нафарга яқин ўқитувчи 473 дан зиёд ўқувчиларга илм

ўргатмоқда. Ўқитувчиларимизнинг 11 нафари олий тоифали, 13 нафари 1 тоифага эга, барчаси етарли билим ва ҳаёт тажрибасига эга устоз-муаллимлардир.

Она тили ва адабиёти фани муаллими Л.Жума-



ЭТГАН ЮРТ

ва масъулият ҳам маҳалланинг зиммасида. Ўтган йилги ободонлаштириш ойлигида 56 га майдонга 21 567 туп мевали, 27869 туп манзарали, 23000 туп гул кўчатлари ўтказилди. Бу йил ободонлаштирилладиган майдон эса 86 гектарни ташкил этади. Қадимий қадриятларимизга эҳтиромни баланд Нуротада

ахборот воситалари билан ҳамкорлик, ёшлар ўртасидаги жиноятчиликни камайтириш каби бир қатор шартларни ўз ичига олади. Маълумки, маҳаллаларнинг асосий вазифаларидан бири кучли ижтимоий ҳимоя тизимини мустаҳкамлашдан иборат. Тумандаги 1762 та кам таъминланган оилага,

коммунал тўловлар миқдори 120 миллион сўмни ташкил этди. 90 миллион сўмлик электр ва газ тўловлари йиғилди. Ўтган йилги сайловларда 39 та фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари раисларидан 10 нафаригина янгидан сайланди. Қолганлари эса қайтадан сайланган оқсоқол-

— ЯХШИЛИКЛАР ЭШИГИ



Халқ банки орқали жамғарма ҳисобидан 560 дан ортиқ боқувчисини йўқотган, ногиронларга бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди. Ёрдамга муҳтож оилаларга 6 та қорамол, 10 та майда шохли мол олиб берилди. Биргина ўтган йилнинг ўзидagina 21 та кам таъминланган оилалар

туман ҳокимининг ташаббуси билан Наврўзга бағишланган анъанавий кўрик-танлов ўтказилиши ҳам йўлга қўйилган. Бунда маҳаллалар 14 та кўрсаткич бўйича ўзаро беллашдилар. Беллашувнинг шартлари бугунги давр талабига мос, яъни оила патронажи, жиноятчиликнинг олдини олиш, тўй-маросимларни ўтказиш, спорт соҳаси, ободонлаштириш ва оммавий

фарзандларининг никоҳ ҳамда хатна тўйлари маҳаллалар саховати билан ўтказилди. Маҳалланинг зиммасида бугун нафақат ижтимоий, сиёсий, маданий-маърифий ишлар салмоғи ортган, балки иқтисодий масалалар ечимини топишда ҳам уларнинг ҳиссаси катта. Биргина ўтган йили Нурота маҳаллалари орқали аҳолидан йиғилган

лар. Умар Пўлатов, Эркин Эргашев, Султон Бўроновларнинг тўртинчи бор қайта сайланганлиги маҳалла оқсоқолининг эл ичидаги ҳурмати юксак эканлигини кўрсатади, албатта. Шунингдек, Баҳриддин Рустамов, Абдулла Раҳимов, Саодат Омонова, Мунаввар Қурбонова, Омон Аулов каби маҳалла маслаҳатчиларининг ҳамфикрликда ва ҳамжиҳатликда иш юритиши маҳалланинг нуфузини янаям оширмоқда. Дарвоқе, маҳалла қувонч ва ташвишлар остонаси. Ҳар қандай яхшилик, янгилик, ҳар қандай қадимий урф-одат маҳаллада тарғиб қилинади, маҳаллада сайқал топиб, жорий қилинади. Бунинг учун ҳар бир маҳалла фаоли хайрли анъаналарга эргашиб, бу йўл халқни эзгуликка, яхшиликка, фаровон ҳаётга элтишига ишонтиришга эришиши лозим. Нуротада маҳаллалар — яхшиликлар эшиги ҳамиша очик.

Эркин Жўрақулов,
Нурота тумани “Маҳалла”
жамғармаси раиси

*Табиат нур ато этмиш,
бу ерни Нур ато дерлар,
Кимики кўрмаган бўлса,
қилибдур ул хато дерлар.
Чўзиб бўй тоғлари кўкка,
бу осмон устунни гўё,
Азалдан боғлари жаннат,
бу жаннат нур зиё дерлар.*
Тошпўлат Ҳамид

“СУҲРОБ” хусусий фирмаси фаолиятдан нафақат нуроталиклар ва навоийликлар, балки хорижликлар ҳам мамнун. 1996 йилда ташкил этилган мазкур фирма бугунгача 5 та йўналиш бўйича аҳолига намунали хизмат кўрсатиб келмоқда. Мазкур фирма улгуржи савдо, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш, уларни тумандаги мактаб ва боғчаларга арзон нархда етказиб бериш, туризм ва аҳолига сервис хизмати кўрсатиш, касаначиликда каштачилик ҳамда тикувчиликни ривожлантириш, ўқув ишлаб чиқариш марказида эса бухгалтерия ва компьютер савдохонлиги бўйича курслар ташкил этиш бўйича етарли тажрибага эга.

Умидбахш қадамлар



ГУЛНОРА ЁҚУБОВА бошқараётган биргина “Нур умиди” ўқув ишлаб чиқариш марказида маҳаллалардаги кам таъминланган

оилаларнинг фарзандлари ва ногиронлардан 72 нафари 4 ойлик курсларда бепул ўқитилиши йўлга қўйилган. Республика “Болалар” жамғармаси билан ҳамкорликда ЮНИСЕФ халқаро болалар ташкилоти ҳомийлигида 6 та компьютерга эга бўлган ишимизни янада кенгайтиришга ёрдам бермоқда.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, фаолиятимизнинг яна бир муҳим йўналиши касаначиликдани иборат. Ипак нурларига йўрилган кашталар нафақат ўлмас ва қадимий санъат тури, балки ўзига хос тадбиркорлик мактаби ҳамдир. Нуротанинг ўзига хос каштачилик мактаби миллий каштачиликни асраб-авайлашга эътибор қаратибгина қолмай, туманда касаначиликни ривожлантиришга, хотин-қизларни иш билан таъминлашга ҳам имкон берди.

Қўли гул хотин-қизларимиз яратган “Нурота сўзанаси”, “Қашқарча”, “Эски ўзбек”, “Аноргулли”, “Бухороча”, “Самарқандча” каби кашталар тўплами нафақат Ўзбекистонда, балки Америка, Англия, Малайзия, Германия, Япония, Франция, Туркия каби кўплаб хориж давлатларида ҳам санъат намунаси сифатида кўргазмалардан жой олганлиги билан фахрланамиз, албатта.

Ҳар йили Тошкент шаҳрида ўтказилаётган “Буюк Ипак йули” халқаро туристик ярмаркасида маҳсулотларимизни намойиш этиб, ўнлаб хорижий давлатдаги компания ва фирмалар билан ҳамкорлик шартномалари тузишга эришяпмиз.

Президентимизнинг 2007 йил 21 майдаги “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача сервис ва хизмат кўрсатишни ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида яқинда меҳмонхона хўжалиги хизматини ҳам йўлга қўйдик. Юртимизга ташриф буюраётган хорижлик меҳмонларга ўзига хос миллий меҳмонхона хизмати кўрсатиш борасидаги ишларимиз кўламини янада кенгайтирамиз.

Аминжон ҚОДИРОВ,
Нурота туманидаги
“Суҳроб” хусусий фирмаси
раҳбари

ева “Йил аёли” кўрик-танловининг республика босқичида иштирок этди. Жисмоний тарбия фани ўқитувчиси А. Худойназаров “Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси” кўрик-танловининг

нетлари ва лабораториялар муҳайё. Буларнинг барчаси амалий машғулотларнинг сифатини яхшилашга, билим самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Мактабимиз 2-11-

— фахримиз

республика босқичида номинация голиби бўлди. Янги педагогик технология яратиш соҳасида математика фани ўқитувчиси М.Луқмонова ўзининг “Билимдонлар мамлакатига саёҳат” дарс усулини, она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Н.Ҳақбердиева эса ўзининг “Олтин чаноқ” дарс усулини туманда ҳимоя қилди.

Мамлакатимизнинг келажаги кўп жиҳатдан ёшларнинг билими, дунёқарашини, маънавий-ахлоқий, эстетик даражасига боғлиқлигини яхши ҳис этамиз. Ўқувчиларимиз учун замонавий техника воситалари, янги ўқув жиҳозлари билан таъминланган фан каби-

синфларга инглиз тили фани, 5-11 синфларга эса инглиз тили, она тили, математика фанларини чуқур ўқитишга ихтисослашган. Ўқувчиларимиз фан олимпиадаларининг вилоят, республика босқичларида ва халқаро олимпиадаларда иштирок этганлиги меҳнатимизга муносиб баҳодир.

Ҳар йили битирувчиларнинг 85 фоизи олий ўқув юртига кириб, ўқиш бахтига муяссар бўлаётганлиги меҳнатларимиз зое кетмаётганлигидан далолат.

Гулзора МУРОДОВА,
Нурота туманидаги
1-ихтисослашган
умумий ўрта таълим
мактаби директори

АТ “ПАХТА БАНК” НУРОТА ТУМАНИ БЎЛИМИ ХОДИМЛАРИ

барча юртдошларимизни гўзаллик ва нафосат, эзгулик ва меҳрибонлик байрами — Наврўзи олам билан самимий қутлайди.

Янги баҳор юртимизга тинчлик-тўқинлик элимизга бахт ва саодат билан келсин.

Дилларимиздан меҳру оқибат ҳеч қачон аримасин.



Наврўзнинг хайрли қадамлари барчамизга муборак бўлсин!

ҲАР ТОМОНЛАМА қулайлик ва имкониятларга бой бўлган ўқув даргоҳлари ёшларнинг билимли бўлишида муҳим аҳамият касб этади. Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги 1-сон академик лицейи ҳар ўқув йилида 400 дан ортиқ ўқувчи-кадрларни ижтимоий, хорижий, табиий ва иқтисодий йўналишларда етиштириб чиқаради.

Ёшлар — келажагимиз


АЙНИ ПАЙТДА 1080 нафар ўқувчига 107 нафар тажрибали ўқитувчилар таълим-тарбия беришмоқда. Вояга етмаган ёшлар ўртасида қонунбузарлик ва жиноятлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида “Хуқуқ ва бурч нима?”, “Ижтимоий хуқуқ нима?”, “Сиз қонунни биласизми?”, “Сиёсий хуқуқ ва эркинликлар қандай кафолатланади?” каби бир неча мавзуларда давра суҳбатларининг мунтазам ўтказиб борилаётгани ёшларимиз хуқуқий онги ва маданиятларини оширишда муҳим рол ўйнайди.

Бундан ташқари, вилоят адлия бошқармаси билан “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг яратилиш тарихи” ва Суд департаменти Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси билан ҳамкорликда “Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг конституциявий ва хуқуқий кафолатлари” тўғрисида семинар-тренинглар ўтказилмоқда.

— Лицейимизда Германиянинг Ўзбе-

кистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда немис лойиҳаси бўйича чуқурлаштирилган немис тилини ўргатиш маркази ташкил этилган, — дейди биз билан суҳбатда лицей директори, фалсафа фанлари номзоди, доцент Ақобир Матлюбов. — Ўқув даргоҳимизда олиб борилаётган таълим-тарбия ишлари натижасида қўлга киритган ютуқларимиздан бири ҳақида тўхталадиган бўлсак, 306-гуруҳ ўқувчиси Диёра Салимова Испаниянинг Мадрид шаҳрида ўқувчилар ўртасида математика бўйича 2008 йилда бўлиб ўтган халқаро олимпиадада иштирок этиб, бронза медалига сазовор бўлди. Шунингдек, 2008 йил ноябрь ойида Москва шаҳрида фанлар бўйича бўлиб ўтган танловда ҳам муносиб ўринни эгаллаб қайтди. Бу ўқувчимиз ўзининг билими, салоҳияти ва маҳорати билан жорий йилда Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди.

Юнус МИРЗАЕВ



— **РИВОЯТ ҚИЛИШЛАРИЧА, чавандоз отини елдирётганида отнинг икки қулоғи орасидан беҳишт шамоли эсиб турар экан, — дейди 60 ёшни қаршилаган спорт устаси Неймат полвон Раҳматуллаев.**

Косон тумани ҳудудидан оқиб ўтаётган Қашқадарё этакларида йилқичликни ривожлантиришга бел боғлаган Н.Раҳматуллаев “Қаҳҳор бобо Ҳазратқулов” номи фермер хўжалигига раҳбарлик қилмоқда. Қашқадарё воҳасида бўладиган кўпқари мусобақалари Неймат полвоннинг отларисиз ўтмайди, дейишади шу ерликлар.

20 бош туя, 100 бош қорамол кўпайтирилаётган мазкур хўжаликка қарашли 2 гектар майдондаги боғ ҳам яшнаб гулга кирди.

Ўз даврида кураш бўйича 4 карра Ўзбекистон чемпиони номига сазовор бўлган спортчи устоз Неймат полвон Раҳматуллаев фарзандлари Машраб, Муҳаммад, Маҳмудларга ҳам чавандозлик сирларини пухта ўргатмоқда.

Дўстлик тумани “Қишлоқхўжаликкимё” филиали жамоаси

2009 йил “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” да фермерликнинг ривожига, қишлоқларнинг янада обод ва фаровон бўлишига муносиб ҳисса қўшишини таъкидлайди. Юртимиз аҳлини Наврўз — умуммиллий байрам билан муборақбод этади.

Байрамингиз қутлуғ бўлсин!





НАВРЎЗ АЙЁМИ МУБОРАК

**G' U L O M M A D A M I N B E K
ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ**

**Ўзбекистон халқини
Наврўз айёми билан табриклайди.
Сизларга мустаҳкам соғлиқ,
узоқ-умр
ва сиҳат-саломатлик тилайди!**

Тел.: (998 71) 222-20-00, 223-33-30, 222-52-46/47.
Факс: (998 71) 222-52-47.
Web: www.eliksir.uz E-mail: gm_eliksir@mail.ru



250 мл

"ҚЎҚОН ЁҒ-МОЙ" ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Сиз азиз юрtdошларимизни ва мамлакатимизга ташриф буюриб, бугунги ҳурсандчилигимизга шерик бўлаётган хорижлик меҳмонларни фасллар келинчаги — Баҳор ҳамда Наврӯз байрами билан қутлайди.

Юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик барқарор бўлсин!

Истиқлол қуёши мусаффо осмонимиз узра ҳамиша порлаб тураверсин!

Иқтисодиёт таянчи

АДЛИЯ органлари зиммасига тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини бузган ва манфаатларига зиён етказган мансабдор шахсларга нисбатан қонуний чоралар қўлланилишини таъминлаш вазифаси юклатилган.

АДЛИЯ органлари ушбу вазифаларни амалга оширишда аниқ режалар ишлаб чиқиб, тадбиркорликка оид қонун ҳужжатларининг ижросини доимий равишда ўрганиб бориши, аниқланган камчиликларни бартараф этиши ва айбдор шахсларнинг тегишли жавобгарликка тортилишини таъминлаши тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг самарали усулларидан бири ҳисобланади.

Таҳлиллар кўрсатишича, кейинги вақтларда назорат идоралари томонидан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш тартибларини бузиш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузиш ҳоллари сезиларли даражада камайган. Бироқ, бу каби қонунбузилиш ҳолатларидан тамомила қутула олмаямиз.

Адлия вазирлиги ва унинг

ҳудудий бошқармалари томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги республика Давлат санитария-эпидемиология назорати ва унинг ҳудудий марказларида тадбиркорликка оид қонун ҳужжатлари ижроси юзасидан ўрганишлар ўтказилди.

Улар фаолиятида жами 2263 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, шундан 914 таси Тошкент шаҳар, 279 таси Сурхондарё, 262 таси Жиззах ва 141 таси Сирдарё ҳамда бошқа вилоят марказларига тўғри келади.

Қонунбузилишлар сабаблари ва бунга олиб келувчи шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида судларга 59 та даъво аризаси, 154 та тақдимнома, 48 та огоҳнома ва 14 та кўрсатма киритилди ҳамда масъул ходимларга нисбатан 20 та маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича баённома

расмийлаштирилиб, кўриб чиқиш учун суд идораларига юборилди.

Аниқланган қонун ҳужжатлари бузилишининг сабаблари ва бунга олиб келувчи шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида киритилган тақдимномаларга асосан 103 нафарига "ҳайфсан" интизомий жазо чораси қўлланилди, 13 нафари жарима интизомий жазосига тортилди ҳамда 15 нафари ўз вазифасидан озод этилди.

Иқтисодиётимиз таянчига айланаётган тадбиркор эркин фаолият юритмоғи лозим. Бу мақсадга эришиш бир томондан давлат идоралари, уларда фаолият юритаётган ходимларга, иккинчи томондан тадбиркорга фақат қонун асосида фаолият юритиш каби масъулиятни англаб етиш ва шу йўлда меҳнат қилиш каби вазифаларни юклайди. Бу вазифалар ҳар бир тадбиркор ва ҳар бир давлат идораси ходимининг фаолияти даврида асосий мезон бўлиб ҳисобланмоғи лозим.

Азиз ЭРГАШЕВ,
Урол ОСТОНОВ,
Адлия вазирлиги
масъул ходимлари

Жиззах транспорт ва алоқа касб-ҳунар коллежи жамоаси

Сиз азизларни юртимизнинг энг гўзал, энг фусункор шодиёнаси — Наврӯз байрами билан самимий муборакбод этади!

Келажак ворислари — ўғил-қизларимизга омад кулиб боқсин, бахту-саодат, илму-маърифат машъали уларнинг доимий ҳамроҳи бўлсин!

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР ВА МАМЛАКАТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

Йил боши — Наврӯзи олам барчангизга муборак бўлсин. Хонадонингиздан қут-барака, дастурхонингиздан тўкин-сочинлик аримасин.

*Бу кун далаларга қадалган уруғ,
Иншооллоҳ ризқу баракот тўлуғ.
Эй, умид ўлкаси, эртаси улуғ.
Ватаним, муборак бўлсин Наврӯзинг!*

ҚЎҚОН ШАҲРИДАГИ "ЭФФЕКТИВ ОИЛ" ХОРИЖИЙ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ



ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ АДЛИЯ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ ВА ВИЛОЯТДА ХУСУСИЙ АМАЛИЁТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ НОТАРИУСЛАР

*Барча кўнгилдорларимизни, шу эришмадаги,
мамлакатимизда қонуни ҳаётга келтиришни
таъминлашдек масъулиятли ва шарафли
касб эгалари бўлгани ҳурқурқини
ҳамкасбларимизни эътиборли ва эшарли
айёми — Наврўзи олам билади
муборақбод этади.*

*Баҳорий кайфияти ҳамда ёшлик шижоати
ҳар биримизни тарқ этмасин!*



ОДАМ савдосига қарши курашишнинг қонуний тартибга солиниши шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда самарали восита бўлиб ҳисобланади. Мамлакатимизда ушбу жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга барҳам бериш борасида кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда.

Нодавлат- нотижорат ташкилотлар

одам савдосига қарши курашда фаол иштирок этади

2003 йил 12 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қарори билан Одам савдосига ва учинчи шахслар томонидан танфурушликдан фойдаланилишига қарши кураш тўғрисидаги конвенцияга ва Яқунловчи Баённомага қўшилди.

2008 йил 17 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг **“Одам савдосига қарши кураш тўғрисида”**ги Қонунига мувофиқ, республикада одам савдосига қарши курашиш фаолиятини такомиллаштириш юзасидан мақсадли тадбирлар амалга оширилиши йўлга қўйилди.

Мазкур Қонуннинг 4-моддасига кўра, одам савдосига қарши курашишнинг асосий принциплари қонунийлик, одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар жавобгарлигининг муқаррарлиги, одам савдосидан жабрланганларнинг камситилишига йўл қўймаслик ҳамда ижтимоий ҳамкорликни ташкил этади.

8-моддага кўра эса, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат-нотижорат ташкилотлари, корхоналар, муассасалар ва мансабдор шахслар, шунингдек, фуқаролар одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органларига кўмаклашади ҳамда зарур ёрдам кўрсатади.

2008 йил 8 июлда Президентимизнинг **“Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Қарори қабул қилинди ва ушбу қарорда мутасадди давлат идоралари билан бир қаторда жамоат бирлашмалари, нодавлат-

нотижорат ташкилотларининг одам савдосига қарши курашдаги вазифалари белгилаб берилди.

Шунингдек, ушбу қарорда 2008-2010 йилларда одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича Миллий тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, “Ижтимоий фикр” жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази, “Истиқболли авлод” нодавлат-нотижорат ташкилоти ва бошқа бир қатор тегишли нодавлат-нотижорат ташкилотлари томонидан фуқаролар ўртасида одам савдосига қарши кураш билан боғлиқ ижтимоий сўровлар ўтказиш, ишлаш, дам олиш ёки бошқа мақсадларда хорижга чиқиб кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига маслаҳат, ахборот ва ҳуқуқий ёрдам бериш, одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар оқиба-тида чет элда қолиб кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ўз ватанларига қайтариш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва бошқа бир қатор муҳим вазифалар амалга оширилиши лозимлиги белгилаб қўйилди.

Хозирги кунда глобал муаммага айланиб бораётган одам савдосига қарши курашда нодавлат-нотижорат ташкилотларининг ўрни ниҳоятда муҳим.

Мазкур ташкилотлар одам савдосига қарши курашда асосан, тарғибот-ташвиқот, тушунтиришлар бериш, семинар-тренинглар, давра суҳбатлари, тадбирлар ўтказиш орқали ва бир қатор вазифаларни амалга оширган ҳолда иштирок этадилар.

Зикирилло МАҲМУДОВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими, тадқиқотчи

"Чилонзор" буюм бозори жамоаси

*барча юртдошларимизни
баҳорнинг энг гўзал айёми —
Наврўз байрами билан самимий
қутлаб, узоқ умр сиҳат-
саломатлик, фаровон ҳаёт,
юртимизга осойишталик ва
камолот тилайди.*

*Қутлуғ айём ҳар бир хонадонга
файз-барака, яхшиликлар ато
этсин!*

// Фаолият

Туб ўзгаришлар

сифат ва самарадорликни оширмоқда

ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА мамлакатимиз, шу жумладан, вилоятимиз пахта тозалаш саноати корхоналари фаолиятида туб ўзгаришлар юз берди. Ихчам, ишлаб чиқариш қуввати ва сифати анча юқори бўлган замонавий саноат мажмуалари сони торти.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2007 йил 3 апрелдаги **“2007-2011 йилларда пахта тозалаш саноати корхоналарини модернизация ва реконструкция қилиш дастури тўғрисида”**ги қарори бу борадаги ишлар кўламини янада ошириш имконини берди. Ушбу қарорга мувофиқ вилоятимизда яна иккита йирик корхона — Янгиариқ ва Қўшкўпир пахта тозалаш очик турдан ҳиссадорлик жамиятлари қайта жиҳозланди, кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш тадбирлари амалга оширилди. Натижада иш қуввати анча ошиб, сарф-харажатлар миқдори сезиларли даражада камайди. Хусусан, Янгиариқ пахта тозалаш очик турдаги ҳиссадорлик жамиятида 3,3 миллиард сўмлик технологик янгилаш ва қурилиш ишлари амалга оширилди. Қўшкўпир пахта тозалаш корхонасида амалга оширилган бунёд-корлик ишларига эса 2,1

миллиард сўм миқдорида маблағ сарфланди. Ушбу маблағлар эвазига шу корхоналардаги мавжуд ишлаб чиқариш воситаларининг аксарияти ихчам ва камхарж технологик ускуналар, дастгоҳ ва агрегатларга алмаштирилди.

Реконструкциялаш режасига мувофиқ янгидан бир қатор дам олиш, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, ошхона ва тиббий хизмат масканлари барпо этилди. Атрофдаги йўллар, йўлаклар ободонлаштирилиб, нафис ёритиш воситалари билан жиҳозланди. Шу билан бирга корхоналарда зарарсиз ва экологик мусаффо ишлаб чиқариш шароитини яратишга ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Мавжуд пахта тозалаш саноати корхоналарининг йиллик ишлаб чиқариш қуввати бир йўла 40 минг тоннага, тола сифати эса амалдаги 97 фоиздан 100 фоизга ошди. Энг катта

миқдордаги харажатларга сабаб бўлиб келаётган электр энергияси чиқимлари сезиларли даражада қисқарди.

Вилоят пахта тозалаш саноати корхоналари халқимизнинг аънавий Наврўз байрамини ўз меҳнат армуғунимиз деҳқонларимизнинг фидойи меҳнати эвазига етиштирган ҳосилни қайта ишлашни поёнига етказиш билан кутиб олаптилар. Яна бир неча кундан сўнг ушбу мавсумга яқун ясаймиз.

Галдаги режаларимиз катта, эзгу ниятларни кўзлаган корхоналаримиз қизгин меҳнат жабҳасида. Ўтган йиллар мобайнида олиб борилган саъй-харажатларимиз туфайли деярли барча корхоналаримиз иқтисодий ўнгланиш ва тараққиёт йўлига чиқди. Ана шу ишончли имконлар “Қишлоқ тараққиёти ва фарвонлиги йили”да тизимимизни янгидан-янги ютуқларга етаклашдан астойдил умидворимиз.

Матрасул ДЕВОНОВ,
“Хоразмпахтасаноат”
худудий бирлашмаси
раиси



ЭЛ ХИЗМАТИГА КАМАРБАСТАЛИК

ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА Юртбошимизнинг ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари туфайли мамлакатимиз пойтахти ўзгача чирой очиб, жаҳоннинг энг кўркем ва замонавий шаҳарларидан бирига айланиб бормоқда.

ПОЙТАХТ ҚИЁФАСИ — миллат қиёфаси, деб бежизга айтмайдилар. Зеро, қай бир юртга борманг, унинг пойтахти тимсолида ўша юртнинг маданияти, салоҳияти, куч-қудрати ва умумий қиёфасига баҳо бериш мумкин.

Мамлакатимиз пойтахтида кундан кунга чирой очаётган кўчалар, равон йўллар, кўприклар, остки ва устки айланма йўллар аҳолига қулайлик яратибгина қолмай, транспорт қатновининг тезлашиши ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Айниқса, йўловчилар манзилни яқин қилаётган замонавий автобуслар — “Мерседес-Бенс”, “Хундай”, “Исузу” русумли қулай автобус ва мини автобуслар шаҳримиз кўчаларига кўрк қўшмоқда.

— Истиқлол йилларида мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани каби транспорт-коммуникация тизимида

ҳам кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди. Хусусан, 2007-2008 йилларни уюшма ҳаётида шаҳар йўловчи ташитиш транспорти корхоналарининг маблағлари ҳисобидан ҳаракат таркибини янгилаш йиллари бўлди, деб атасам, муболага бўлмайди, — дейди биз билан суҳбатда уюшма раиси Шомурод Мухаммаджонов.

Дарҳақиқат, шу йиллар мобайнида “Тошшаҳартрансхизмат” уюшмаси корхонаси томонидан 10 та “Хундай”, 496 та “Исузу” ва 200 та “Мерседес-Бенс” русумли автобуслар ҳамда 30 та “71-619 КТ” русумли трамвай вагонлари харид қилинди. Бу-

гунги кунда уюшма таркибидаги транспорт корхоналари томонидан 124 та шаҳар ичи, 1 та шаҳар атрофи, 35 та йўналишли такси, 8 та трамвай, 4 та троллейбус йўналишларида ҳамда метрополитеннинг 29 та бекатдан иборат 3 та йўналишида кунига 1288 та автобус, 99 та трамвай ва 41 та троллейбус, 260 дан ортиқ такси, метрополитенда ҳар бири 4 вагондан иборат бўлган 39 та поезд белгиланган йўналишларга чиқарилиб, салкам 2 миллион нафар йўловчига хизмат кўрсатмоқда.

Аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида ҳамда йўловчиларнинг талаб ва истакларини инобатга олган ҳолда 11 та янги йўналиш очилди, 53 та йўналишнинг қатнов йўли ўзгартирилди, 117 та йўналишда 283 та ҳаракат

жадвали кўпайтирилди.

Уюшма таркибига кирувчи корхона ишчи-хизматчиларининг фидокорона меҳнатлари ҳукуратимиз томонидан муносиб тақдирланиб келмоқда. Хусусан, 2008 йил Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги арафасида Президентимиз Фармонига кўра йўловчи транспортида хизмат маданиятини юксалтириш йўлида кўрсатган намунали, фидокорона хизмати ва соҳа ривожига қўшган салмоқли ҳиссаси учун “Тошшаҳартрансхизмат” уюшмасининг илғор ҳайдовчиларидан 9 нафари “Шухрат” медали, 1 нафари “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими” унвони билан муносиб тақдирландилар.

Яна бир гап. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан “Тошшаҳар-

трансхизмат” уюшмаси томонидан Тошкент шаҳрининг марказий кўчалари, трамвай йўллари ва йўл ўтказгичлари реконструкция қилинди, жумладан, Мирсолихов, Амир Темур ва Белоножко кўчалари бўйлаб трамвай йўлларини реконструкция қилиш, Паркент кўчаси бўйлаб, М.Улуғбек кўчасидан Циолковский кўчасигача ҳамда Осиё ва Оққўрғон кўчалари бўйлаб комплекс тармоқлари, таянч устунлари ва трамвай йўлларини тўлиқ демонтаж қилиш ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, уюшма жамоасининг фидокорона меҳнати, изланиш ва муваффақиятлари ўлароқ, бугун шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонларининг узоғи яқин, оғири енгил бўлмоқда. Ушбу ҳаракатлар ҳеч қачон бесамар кетмаслигига ишонимиз. Зеро, элга қайишгани эл доим сийлайди.

Ёрбек ИСКАНДАРОВ,
“Инсон ва қонун”
мухбири



Тошкент шаҳридаги "Олой" деҳқон бозори жамоаси

юртимиз аҳли ва меҳмонларини фусункор баҳорнинг бетакрор байрами — Наврўзи олам билан чин дилдан қутлайди.

Барчангизга тансиҳатлик, оилавий саодат тилайди. Эллошларимизнинг юртимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги йўлидаги фаолияти доимо ютуқларга етаклайверсин. Она табиатимиз саховатидан ризқ-рўзимизга барака ёғилаверсин!



Фарзандлар камолоти жамият равнақи

МАМЛАКАТИМИЗДА ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясига эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бугунги замонавий андазаларда қад ростилаётган мактаб, лицей ва коллежлар фарзандларимиз баркамоллиги йўлида хизмат қилиши шубҳасиз.

— ҲАР ТОМОНЛАМА қулай, жаҳон талабларига жавоб берадиган бундай ўқув даргоҳлари Самарқанд вилоятида ҳам кўплаб учрайди — дейди, Булунгур тумани халқ таълими бўлими мудир Мамажаб Маматов. — Айни пайтда туманимизда 67 та умумтаълим мактаби мавжуд бўлиб, 30 та мактабгача таълим муассасаси, 1 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, 1 та болалар ва ўсмирлар ижодиёти маркази таълим стандартлари даражасида фаолият кўрсатиб, бу масканларда 2680 нафар ўқитувчи-мураббийларимиз 3292 нафар ўқувчига таълим тарбия бериб келмоқда. Март ойининг учинчи ўн кунлигида бўлиб ўтадиган фан олимпиадаси вилоят босқичига ҳозирда 15 та фандан 49 нафар ўқувчимиз қизгин тайёргарлик кўрмоқда. Насиб бўлса, бу борада юқори кўрсаткичларни кўлга

киритамиз, деган умиддаман.

Бугунги кунда Булунгур тумани халқ таълими бўлимида нафақат ўқувчилар билимини оширишга, балки устоз-мураббийларнинг тажриба ва билимини мустаҳкамлашга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, яқинда бўлиб ўтган “Йилнинг энг яхши ўқитувчиси” танловининг вилоят босқичида туман мактабларидан икки нафар ўқитувчи ғолиб чиқиб, республика босқичига йўланма олди.

Бу каби самарали ютуқлар туманда халқ таълими соҳасида ишлар бугунги кун талаблари даражасида эканлигидан, унинг залворидан далолат. Бу эса мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотларга муносиб жавобдир.

Мирза ЮНУСОВ

Қарши Ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи жамоаси

баҳорнинг тароватли байрами — Наврўзи олам билан барча юртдошларимизни, устоз ва мураббийлар, қалби қайноқ ёшларни чин дилдан қутлайди.

Эртанги кунимиз эгалари — ўғил-қизларимизга омад кулиб боқсин, бахту саодат, илму маърифат машғали уларнинг доимий ҳамроҳи бўлсин!



// Таҳлил

Давлат нотариал идоралари**Фаолият натижалари**

САМАРҚАНД вилоятидаги давлат нотариал идораларида 57 нафар олий маълумотли давлат нотариуси, шунингдек, 19 нафар хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар фуқароларга нотариал ва ҳуқуқий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш ҳамда узлуксизлигини таъминлаш мақсадида фаолият кўрсатиб келмоқда. Ушбу идораларда дам олиш кунларида ҳам фуқароларни қабул қилиш тартиби белгиланган бўлиб, бу имконият аҳолига қулайлик яратмоқда.

АДЛИЯ бошқармаси мазкур соҳада малакали кадрлар фаолиятини таъминлашга жиддий эътибор қаратмоқда. Бошқарма томонидан давлат нотариуслари малакаси, билим савиясини ошириш мақсадида мунтазам равишда ўқув машғулотлари ташкил этилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 12 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш масалалари тўғрисида”ги қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 7 январдаги “Нотариат фаолиятини маблағ билан таъминлашни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан

2008 йил давомида вилоят ҳудудидаги давлат нотариал идораларини жорий таъмирлаш, алоқа хизмати, коммунал тўловлар, оргтехника сотиб олиш, архив хужжатлари, жиҳозлар учун, идора ашёлари учун, оргтехникаларни таъмирлашга ва бошқа жорий харажатларга жами 41.265.610 сўм маблағ ажратилди.

Нотариал идоралари томонидан 2007 йил давомида расмийлаштирилган автомобилотранспорт воситаларини тасарруфдан чиқариш шартномалари, автотранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномаларни, уй-жой ва хонадонларни тасарруфдан чиқариш шартномалари ҳамда 2007 йил 2-ярми ва 2008 йилнинг 1-ярми давомида расмийлашти-

рилган бошқа турдаги шартномалар умумлаштириш йўли билан ўрганиб чиқилди. Ўрганиш натижа-сида тузилган маълумотномалар бошқарманинг нотариат бўйича Малака комиссияси ҳамда бошқарма хайъат йиғилишида муҳокама қилинди.

Самарқанд шаҳар 12-сон давлат нотариал идорасида Гаров (Ипотека) шартномаларини расмийлаштириш амалиётини вилоят нотариуслари иштирокида ўрганиш ва тажрибасини оммалаштириш мақсадида сайёр семинар ўтказилди.

2008 йил давомида давлат нотариуслари томонидан ҳуқуқий тарғибот борасида турли корхона, ташкилот ва муассасаларда 255 марта давра суҳбатлари ўтказилди ҳамда оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилинди. Ҳуқуқий тарғибот борасидаги ишларни янада жонлантириш эвазига аҳоли ҳуқуқий саводхонлигини ошириш галдаги вазифамиздир.

Ўлмас АХАТОВ,
Самарқанд вилояти
адлия бошқармаси
бошлиғи ўринбосари

**“Қарши-ёғ экстракция”
қўшма корхонаси жамоаси**

янгилиниш ва яшариш айёми бўлган
Наврўз байрами билан халқимизни
самимий муборакбод этади.
Ушбу айём юртимизнинг ҳар бир
хонадонига тинчлик-тотувлик,
дастурхонига қут-барака олиб
келсин.

**Бухоро нефтгаз
қурилиш-таъмирлаш корхонаси
жамоаси**

уйғониш ва нафосат айёми —
Наврўз билан Ўзбекистоннинг барча
фуқароларини қизғин қутлайди.
Барчага бахт-саодат, хушнудлик тилаб
қоламиз.

"Муборакнефтгаз" унитар шўъба корхонаси жамоаси

Ўзбекистон аҳолиси ва меҳмонларини ёлқамизга янгиликни, яшарни, покликни рамзи бўлиб кириб келган Наврўз байрами билан муборакбод этади.

Баҳор маликаси дея эъзозланган, ризқ-рўз, барака тимсоли сифатида қадрланган байрам барчангизга қувончли лаҳзаларни ҳади этишига ишончимиз комил.

Эл фаровонлиги, Ватан равнақи, юрт ободлиги йўлидаги бунёдкорлик, хайрли ва эзгу ишларнинг ижобати йўлида дуога қўл очган барча отахон, онахонларга, жажжи фарзандларимизга ва ҳаётга қатта орзу-мақсадлар билан кириб келаётган йигит-қизларимизга айём шукруи йил бўйи кўтаринки кайфият, боқий ширкоат бахш этсин.

Муборак газни қайта ишлаш заводи жамоаси

серқуёш ва жаннатмакон юртимиз узра озодлик,

покизаллик, саранжом-сарийталлик, бунёдкорлик,

кўркамлик рамзи сифатида таъриф буюрган Наврўз айёми билан барга юртдошларни қўтлайди.

Кўншларга шўх-шодонлик, бахтиёрлик, гўзаллик, зеболик

ва хотиржамликни ҳади этиб, табиатиимизни умларга

буркаган айёмда эзгу ниятларимиз ижобат бўлишини

яратгандан сўраймиз.

**Юртимизни тинчлик, осойишталик,
барака ҳеч қачон тарк этмасин!**

Саховатпешалик – фаолиятимиз мезони

“МУБОРАКНЕФТГАЗ” Унитар шўба корхонаси касаба уюшмаси қўмитаси меҳнаткашларни ҳар томонлама ҳимоялашни кучайтириб, уларнинг маданий ва маънавий ҳаётини яхшилаш, ишчиларга етарли ва хавфсиз шароитлар яратиш мақсадида салмоқли ишларни амалга оширмоқда. Айни пайтда касаба уюшмаси қўмитасининг 4154 нафар аъзоси бор.

РАФБАТ бор жойда ўсиш, ривожланиш бўлади. Ана шуни эътиборга олиб фаолиятимизда ишчи-хизматчилар моддий манфаатдорлигини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Жорий йилда ходимларнинг ўртача иш ҳақи 401 минг 801 сўм қилиб белгиланди. Шунингдек, уларнинг яшаш, дам олиш шароитларини яхшилаш, байрамларда рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2008 йилда нафақага чиққан ходимларимиз учун моддий ёрдам сифатида 15856805 сўм, ишловчининг яқин қариндоши вафот этганлиги сабабли 185 ходимга 56216105 сўм

миқдорида, иқтисодий аҳволини яхшилаш учун 45 нафар ходимга 4601100 сўм, саломатлигини тиклаш учун 294 нафар ходимга 35057922 сўм миқдорида, биринчи марта никоҳдан ўтган 73 нафар ёш оилага 15269100 сўм, ходимларнинг фарзандларига суннат тўй ўтказиш муносабати билан 121 нафар ходимга 15355800 сўм, юбилей саналари муносабати билан 27 нафар ходимга 4367741 сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди.

Шунингдек, жамоа шартномасига кўра, корхона фойдасидан Наврўз ҳамда Мустақиллик байрами муносабати билан 120 нафар кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилага жами 2 миллион 240 минг

сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, корхонада ишлаб кетган 450 нафар нафақахўр ва фахрийларга 31 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ажратилди.

Корхонада кам таъминланган 100 нафар ишчи-хизматчи фарзандларининг суннат тўйлари ўтказилиб, уларнинг ҳар бирига 20 минг сўмлик омонат дафтарчалари очилиб, қимматбаҳо совғалар берилди. 40 нафар ёш оилага “Ёшлар йили” муносабати билан 8 миллион сўмлик қимматбаҳо совғалар берилди.

Бундан ташқари, корхонанинг 5 нафар нафақадаги ногиронига 2 миллион 250 минг сўмлик ногиронлик аравачалари тортиқ қилинди.

Ишчи-хизматчиларни махсус кийим-бош, пойабзал ҳамда шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш масаласига ҳам эътибор қаратиб келинмоқда. Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги мақсадларига жорий йилда 2 миллиард 126 миллион 700 000 сўм маблағ ажратил-

ди. Шундан 1 миллиард 973 миллион 900 000 сўми жамоа шартномасида назарда тутилган тадбирларга, 194 681 313 сўм шахсий ҳимоя воситаларига (махсус кийим бош, махсус пойабзал ва ҳ.к) ажратилди.

Ўтган давр мобайнида 1045 дан зиёд ишчи-хизматчимиз соғлиқларини тиклаш учун республикамиздаги турли сихатгоҳларга 280.000.000 сўм пул маблағлари ажратилди.

Ўтган йили Корхонанинг Китоб туманидаги “Ёш алангачи” болалар оромгоҳида ишчи-ходимларимизнинг 2300 нафар фарзанди дам олиб қайтди.

Шунингдек, Китоб туманидаги Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига янги ҳаммом биноси қуриб берилди. Болалар уйида сув муаммосини ҳал қилиш мақсадида артезиан қудуғи қазилиб, ишга туширилди.

Шароф РАҲМАТОВ,
“Муборакнефтгаз” УШК касаба уюшмаси қўмитаси раиси



Спорт дўстлик ва гўзаллик элчиси

“МУБОРАКНЕФТГАЗ” УШКнинг “Машъал” соғломлаштириш спорт клуби ишчи-хизматчилар ўртасида спорт мусобақаларини мунтазам ташкил этиб, спорт турларини оммалаштиришда алоҳида жонбозлик кўрсатиб келмоқда.

СЎНГИ ЙИЛЛАРДА конлардаги майдончалар таъмирланиб, спорт анжомлари билан жиҳозлангани ишқибозлар кўпайишида муҳим омил бўлди.

Айниқса, бу масканда оммавий мусобақаларни ташкил этиш анъанага айланган. Жумладан, яқинда футболимизнинг ёрқин юдузи Баҳром Вафоевнинг хотира турнири кўтаринки руҳда ўтказилди. Унда футбол академияларининг 1993-1994 йилларда туғилган тарбияланувчилари иштирок этишди. Натижаларга кўра, “Машъал” футбол клуби академияси 1-ўринни, “Насаф” ФК академияси 2-ўринни, наманганликлар эса 3-ўринни эгаллашди.

Футбол бўйича финал босқичининг охириги мусобақасида “Кўкдумалоқ” ва “РМЦ” жамоалари ўзаро баҳс олиб бордилар ва “РМЦ” корхонанинг мутлақ голиби бўлди.

Волейбол бўйича финал босқичи “Кўкдумалоқ” ва

“ЛПУМГ” жамоалар ўртасида ўтказилди.

Шунингдек, Наврўз байрами муносабати билан корхонада миллий кураш бўйича мусобақалар ташкил қилинди. Унда корхона тармоқларида меҳнат қилаётган ишчилар иштирок этишди.

Бундан ташқари,

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси кенгаши Қашқадарё вилоятидаги вакилликнинг кураш бўйича X спартакиадасида вакилларимиз, С.Эшқувватов,

Ф.Нафасов, И.Қосимов, Ф.Тошев, К.Акбаровлар ўз вазн тоифасида биринчиликни банд этиб, спартакиаданинг республика босқичига йўлланма олишган ва Чирчиқ шаҳридаги “Нурчи” спорт мажмуасида ўтказилган республика босқичида вакилларимиздан К.Акбаров 90 кг.дан юқори вазндаги

курашчилар ўртасида 2-ўринни, 81 кг вазнда эса Ф.Нафасов ҳам 2-ўринни эгаллаганди.

Шунингдек, Шаҳрисабз шаҳрида ўтказилган XI спартакиадада корхона терма жамоаси фаол иштирок этиб, умумжамоа ҳисобида 3-ўринни эгаллади. Мусобақанинг мини футбол турида корхона жамоаси фахрли 1-ўринга кўтарилди. Волейбол бўйича ўтган кескин ва муросасиз баҳсда вакилларимиз 3-ўринни банд қилган бўлса, эркалар ўртасидаги стол тенниси бўйича мусобақада вакил-

ларимиз 2-ўринни, аёллар ўртасидаги мусобақада 1-ўринни эгаллашиб, мусобақанинг республика босқичига йўлланма олишди. Мусобақанинг финал босқичида “Ўзбургаз” терма жамоасига қарши майдонга чиқишди.

Спартакиаданинг республика босқичи 2008 йил ноябрда Чирчиқ шаҳридаги “Кимёгар” спорт мажмуасида ўтказилди. Корхона терма жамоаси ушбу нуфузли турнирда спортнинг мини-футбол ва аёллар тенниси бўйича иштирок этишди.

Мусобақанинг финал босқичида Фарғона вилоятига қарши майдонга чиққан вакилларимиз ўзларининг чиройли ўйинлари билан мухлислар олқишига сазовор бўлишди ва 2:0 ҳисобида галаба қозонишди ҳамда ушбу нуфузли мусобақанинг мутлақ голиби деб тан олинди. Аёллар ўртасида ўтказилган стол тенниси мусобақасида эса вакилимиз Мунира Саъдуллаева иштирок этиб, мухлислар олқишига сазовор бўлди.

Комил ЁМФИРОВ,
“Муборакнефтгаз” УШК “Машъал” соғломлаштириш спорт клуби раиси





**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
«АСАКА» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК
ТИЖОРАТ БАНКИ ЖАМОАСИ ВА
УНИНГ КЎП МИНГ СОНЛИ
МИЖОЗЛАРИ**

**барча юрtdошларимизни
жонажон диёримиз узра
кезаётган Наврўзи олам билан
муборакбод этади.**

**Баҳорий хуш кайфият,
мустаҳкам соғлиқ, ҳамда сўнмас
гайрат-шижоат сизларни ҳеч
қачон тарк этмасин!**

**Юртимиз равнақи ҳамиша
бардавом бўлсин!**

// Моҳият Инсон — жамият боғбони

ИНСОН ҳаёти билан ўйнашиш, ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини топташ ҳуқуқи ҳеч кимга берилмаган. Мустақил Ўзбекистонимизда эса инсоннинг бу дахлсиз ҳуқуқи Конституция ва қонунларимиз ҳимоясида.

ЖИНОИЙ жазоларни либераллаштириш, жазони ўташ тартибини енгиллаштириш, ўлим жазосини бекор қилиш, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш, суд-ҳуқуқ тизимини жамиятимиз тамойилларига хос ва мос тарзда ислоҳ қилиш соҳасида ташланган стратегик қадамлар бунинг ёрқин далилидир.

Инсон эрки, ҳақ-ҳуқуқи ва манфаатларига нисбатан бутун жаҳонда юзага келган ҳозирги хавфни Президентимиз ХХ асрдаёқ пайқаб етган ва "Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" асарида айтиб ўтган эди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, одам савдоси кўринишидаги мудҳиш хатти-ҳаракатлар бартараф этиш имкони бўлмаган жиноятлар тоифасига кирмайдиган. Қонунни англаган, ўзи, оиласи ва атрофдагилар тақдирига бефарқ қарамаган, сезгирлик ва огоҳликни бой бермаган ҳар бир киши ушбу жирканч жиноятдан бемалол ҳимояланиши мумкин. "Одам савдосига қарши кураш тўғрисида"ги Қонун талабига келсак, унга мувофиқ ўзларига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ушбу мудҳиш жиноят гирдобига тушиб, азият чеккан фуқаролар давлат ҳимоясига олинадилар ва бу вазифа одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатувчи ва уларни ҳимоя қилувчи ихтисослаштирилган муассасалар томонидан амалга оширилади.

Жиноят жабрини тортган болалар ота-онаси қарамоғидан маҳрум ёки ўз оиласи турган жойдан беҳабар бўлса, уларнинг ота-онасини ёки улар ўрнини босувчи шахсларни қидириш чоралари кўрилади. Жабрланган барча тоифадаги шахсларнинг хавфсизлиги эса қонун тартибида тегишли ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан амалга оши-

рилади. Жабрланганларнинг таъминоти ва уларни реабилитация қилиш билан боғлиқ харажатлар судда айбдор, деб топилган шахслар томонидан тўла ҳажмда қопланади.

Ҳозир республикаимизда қонуннинг ана шу ва бошқа талабларини бажаришга қаратилган амалий-ҳуқуқий тадбирлар тобора кучайтирилаяпти ва бунинг натижасида биргина бизнинг вилоятимизда 2008 йилнинг ўзиде 34 та жиноят иши кўзгатилади. Шу йўл билан 102 нафар фуқаронинг бузилган ҳақ-ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинди. Суднинг ҳукми, ажрим ва қарорларига мувофиқ айбдор, деб топилган шахслар зиммасига жабрланганларга етказилган зарарни тўла ҳажмда қоплаш мажбурияти юклатилди.

Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, шу кўринишдаги жиноятларнинг олдини олишда жойларда ўтказилаётган тушунтириш, тарғибот-ташвиқот тадбирларининг ўрни ва роли яна ҳам катта. Президентимиз қарори ҳамда амалдаги қонун талабларини бажариб, юртимизни ушбу трансмиллий жиноий хатти-ҳаракатлардан халос этиш соҳасида ўзимиз кутган ижобий натижаларга биринчи галда жойларда ўтказилаётган амалий-профилактик тадбирлар туфайли эришилишини унутмаслик даркор. Яқунланган 2008 йил вилоят адлия бошқармаси ташаббуси ва кўмаги билан жойларда одам савдосига қарши кураш мавзуида 74 та тарғибот-ташвиқот тадбирлари уюштирилди. Аксарият ёшлар ана шу мавзуга оид танловларда иштирок этиб, келгусида шу каби жиноий ҳаракатларга қарши курашишнинг фаол иштирокчилари бўлиш лаёқатини намойиш қилдилар.

Одилбек КАРИМОВ,
Хоразм вилояти адлия бошқармаси бошлиғи

"Жиззахнефтбазаси" унитар корхонаси жамоаси

элларни бирлаштирган, табиатга гўзаллик олиб кирган, шоду хуррамлик, нафосат ва гўзаллик айёми — Наврўз билан барчангизни қутлайди!

Миллий урф-одатларнинг, анъаналарнинг боқий бўлишини тилайди. Юртдошлар қалбини меҳр-оқибат тарк этмасин.

Наврўзи олам муборак!



TRASTBANK

МИЛЛИЙ ВА
ХОРИЖИЙ
ВАЛЮТАДАГИ
ОМОНАТЛАР

Тошкент ш.Навои 7
Тел.: (99871) 239 27 27
Факс: (99871) 244 76 61
E-mail: info@trustbank.uz
www.trustbank.uz

Хизматлар лицензиялаштирилган



ЖАМҒАРМАЛАР - ОИЛАВИЙ ИШ

"Трастбанк" жамоаси

барча юртдошларимизни меҳр-муруват, гўзаллик, яшариш, янгиланиш тимсоли бўлган
Наврўз байрами билан чин юракдан муборакбод этади!

Ватанимиз тинч, халқимиз тотув, бахт-саодатли, дастурхони доимо тўкин, ризқи бутун бўлсин!

// ФХДЁ ҳаёти

**Бағрингда бўй чўзган
чинорларингмиз**

*Биз сени шунчаки севмаймиз,
Севамиз умрни бахшида этиб.
Бағрингда бўй чўзган чинорларингмиз,
Ҳеч кимса севолмас бизлардан ўтиб.*

ЁШЛИГИДАН ҳуқуқшунос бўлишни орзу қилган **Хоним Насимова** университетнинг ҳуқуқшунослик факультети сиртки бўлимида ўқиш билан бирга, **Мирзо Улуғбек тумани судида** котиба бўлиб ишлай бошлаган эди.



Ўқиш ва фаолият унга мақсад йўлида интилишдан чарчамасликни ўргатди. Қўлига диплом олиб Самарқандга қайтганида ёшгина Хоним ҳуқуқшунослик ишларидан хийла хабари бор мутахассис эди. Даставвал, у Сиёб тумани прокурори ёрдамчиси, кейинчалик Самарқанд вилояти прокуратураси тергов бўлими прокурори бўлиб ишлади, тажриба давомида устозларидан билмаганларини ўрганди, малакасини ошира борди.

Хоним Насимова Самарқанд тумани халқ судьяси, Тойлоқ тумани судининг раиси бўлиб ишлаган кезларида инсонларни тушуниш, ташвишларини аритиб, доимо адолат билан иш кўриш тажрибасини мустаҳкамлади.

Айни пайтда ҳаётнинг анча аччиқ-чучугини татиган, тажрибали ҳуқуқшунос Х.Насимова қизгин фаолият билан бирга ёшларнинг сеvimли мураббийси.

— Сиз Жомбой тумани ФХДЁ бўлимида ишлаган йилларингизда янги бино қуришга бош-қош бўлганингизни жомбойликлар мамнуният билан айтишади. Бугунги кунда Самарқанд тумани ФХДЁ бўлимида қилинаётган ибратли ишлар ху-

сусида сўзлаб берсангиз.

— Бу муҳташам қошонамизда кейинги йилларда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Бино олти ойда қуриб битказилиб, 150 миллион сўмлик иш bajarилди. Энди ёшларимиз шу қошонада никоҳдан ўтишмоқда.

Хоним Насимова нафақат жонқуяр, ташкилотчи раҳбар, балки меҳрибон оила бекаси, умр йўлдоши Парда Шукуров билан биргаликда икки ўғил, бир қизни вояга етказишди.

Қизлари Шаҳнозаҳон тadbиркор, ўғли Синдор иқтисодчи, Отабек бугунги кунда Халқаро Весминстер университетиде аъло баҳоларга ўқимоқда.

“Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги” кўкрак нишондори Хоним Насимова иш фаолияти давомида бир қатор фахрий ёрликлар билан тақдирланган, элда эъзоз топган ҳуқуқшунос.

Малакали мутахассиснинг дилида эл хизматида бўлиш, ёшлар ва фарзандлари камолоти йўлида ёниб яшашдай эзгу ниятлари кўп.

*Эй Ватан, йўқласанг ҳозир бўламиз,
Олқишимиз билан, шонимиз билан.
Керак бўлганида жавоб берамиз,
Сенга фидо ширин жонимиз билан.*

(Ўз мухбиримиз)

**“Самарқанддонмахсуло”
ОАЖ жамоаси**

**Сиз азизларни баҳор байрами –
Наврўз айёми билан чин дилдан
қутлайди.**

**Мамлакатимиз мустақиллигини
мустаҳкамлаш йўлидаги
фидокорона меҳнатингизга
ғайрат-шижоат доимо ҳамроҳ
бўлсин!**

**“Навоийазот” ОАЖ бошқарув кенгаши ва
касаба уюшмаси кўмитаси жамоаси**

**серқуёш диёримизнинг барча
гўшалари, воҳа-ю водийларида “Хуш
келибсан, Наврўзи олам!” деб,
баҳорга пешвоз чиққан халқимизни
чин дилдан табриклайди.**

**Йил бошидаги ёруғ ўйлар ҳаминша
йўлингизни чароғон этсин!**

Меҳнатсевар

халқимиз ва она

Ўзбекистонимизнинг

келажаги Наврўздек

фусункор ва тароватли

бўлаверсин!





“INTERMOBILGAZ”

мижозлар сони кўпаймоқда

ЮРТИМИЗДА баҳорнинг илиқ нафаси кезиб, гўзал айём. — Наврўзнинг ташрифи кутилаётган бир паллада “InterMobilGaz” масъулияти чекланган жамияти халқимизни шодиёна билан қутлаб, Ватанимизга тинчлик ва осудалик тилайди.

“АВТОМАШИНАНГИЗНИ газ баллонларида ишлашга ўтказсангиз, маблағингиз тежаласиз, экология тозалиги учун ҳам ҳисса кўшган бўласиз...” деган шиор остида фаолият юритар эканмиз, газ тежамкорлигининг асосий омилларидан бири, газ маҳсулотларининг арзонлиги, экологик тозалиги ва бензинга нисбатан талай афзалликлари билан ажралиб туришини эслатиб ўтмоқчимиз.

Дунёнинг барча мамлакатларида газ мосламаларини автоуловга ўрнатиш арзон нархда амалга оширилади. Газдан фойдаланиш натижасида машинанинг техник ҳолати яхшиланиб, двигателнинг қуввати кўнгилдагидек бўлади.

Газдан фойдаланиш пировардида, ёнилгига сарфланадиган маблағни икки баравар (кўпроқ ҳам) тежаш, двигателнинг хизмат муддатини 30-40 фоиз, мой ва шағамларникини 2 баравар узайтириш имконини беради. Табиийки, таъмирлаш харажатларини ҳам камайтиради.

Машина салонидан туриб, йўл-йўлакай автомобилни ҳам газдан, ҳам бензинга ўтказиш имконияти мавжуд. Бундан ташқари, автомобилнинг газ баллони тўлиқ тўлдирилганда, автомобиль икки баробар кўпроқ ҳаракат қила олади.

Маълумки, республикамизнинг йирик шаҳарларида ҳавони ифлосланттирувчи газлар автомобиллар ҳиссасига тўғри келади. Автотранспортларда газдан муқобил ёнилғи сифатида фойдаланиш экологияни яхшилашга хизмат қилади. Шунингдек, энергия манбаларидан оқилона фойдаланишда ҳамда нефть захираларини келажак авлод учун сақлашда газнинг аҳамияти беқиёс.

Газ баллонлари ёрилиш ёки портлаш хавфини келтириб чиқармайдиган даражада мустаҳкам қилиб ишланган. Юқори ҳароратларда, оловга ва кислотага чидамлили-

ги бўйича бир неча бор синовдан ўтказилган. Қоида бўйича, балонлар машинанинг шикастланиш хавфи кам бўлган жойларига ўрнатилади.

Бугунги кунда газ баллон қурилмалари орасида савдо белгиси BRC Gas Equipment MTM (Италия) маҳсулотига тенг келадигани топилмаяпти.

Автомашинангизга баллонли газ ускуналари ўрнатмоқчи бўлсангиз, бу борада сизга маслаҳат: “InterMobilGaz” масъулияти чекланган жамияти автомобилларга баллонли газ ускуналари ўрнатиш, газ қуйиш шохобчаларини монтаж қилиш ва улардан фойдаланиш фаолияти билан шуғулланади. Унинг хизматидан фойдаланинг.

Ҳозир Тошкентда 13 та газ қуйиш шохобчаси ишлаб турибди. Яна ўндан ортиқ шундай шохобчалар қурилмоқда.

МЧЖ мижозлари сони Ўзбекистонда ҳам тобора кўпайиб бормоқда.

“InterMobilGaz” сизга қуйидаги хизматларни таклиф қилади:

- ускуналарни профессионал даражада ўрнатиш;
- автомобилни оригинал жиҳозлар (редуктор, электроника, газ баллонлари) билан қайта ускуналаш;
- газни 4 тур (компонент)да таҳлил қилувчи қисмлар “тести”;
- аъло даражадаги техникавий хизмат;
- 6 ойлик кафолат ва ҳоказо.

Хуллас, МЧЖ аҳоли ишончини қозониб улгурди. Демак, биз ҳам бу тажрибадан қанчалик тез ва самарали фойдалансак, жамият ҳам шунчалик манфаатли. У – қулай, арзон, афзал, тежамкор ва экологик тоза...

Муртазо СУЛТОНОВ,
“ИНТЕРМОБИЛГАЗ” компанияси
директорлар кенгаши раиси,
иқтисод фанлари номзоди.



ТИФ “Миллийбанки” Самарқанд вилояти филиали жамоаси

**она замин фусункори, миллий
байрамимиз — Наврўз барча
юртдошларимизга бахт олиб келсин.
Асрга татигулик лаҳзаларимиз
абადий бўлсин.**

**Наврўз айёмингиз
муборак!**



Бектемир тумани ДСИ жамоаси

**юртимизнинг барча фуқароларини, қишлоқ
хўжалиги меҳнаткашларини, фермер ва
тадбиркорларини қадимий ва табарруқ айём
— Наврўз байрами билан қутлайди!**

**Жонадонингизга тинчлик-хотиржамлик,
дастурхонингизга қут-барака,
ишларингизга омадлар тилайди!**

Таклифлар, мурожаатлар

тараққиёт ва ривожланиш омилидир

ФУҚАРОЛАРНИНГ давлат органлари ва бошқа ташкилотларга мурожаат қилиш ҳуқуқини ифода этувчи асосий қондалар, шунингдек, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби ҳамда муддатлари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган.

МУРОЖААТЛАР яқка тартибда ёки жамоа бўлиб ифодаланган бўлиши мумкин ҳамда оғзаки ёки ёзма шаклдаги таклиф, ариза ёхуд шикоят кўринишида киритилади.

Ўзбекистонда фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби фақат **“Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”**ги Қонун билан чекланмаган. Алоҳида мурожаатларни айрим давлат органларида кўриш тартибини бошқа қонун ҳужжатлари ҳам белгилайди.

Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда давлат органлари орасида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ўрнини

алоҳида эътироф этиш мумкин. Хусусан, 2007 йилда

адлия органлари ва муассасаларига жами **21876 та** мурожаатлар келиб тушган

бўлса, 2008 йилда бу кўрсаткич **26749 тани** ташкил этди.

Фуқаролар мурожаатларининг маълум қисмини таклифлар ташкил этади. Таклифлар фуқаролар мурожаатларининг алоҳида ва мустақил тури бўлиб, у ўз моҳияти, мазмуни ва мақсади бўйича мурожаатнинг бошқа турларидан фарқ қилади.

Таклиф — фуқароларнинг асосан ижтимоий характерга эга мурожаатлари бўлиб, унда биринчидан, қонунчиликни, ҳуқуқ-тартиботни у ёки бу давлат органлари, корхона, муассаса, ташкилот, жамоат бирлашмаларининг фаолиятини, таркибий тузилишини такомиллаштириш зарурлиги ҳақида мулоҳазалар баён қилиниб, иккинчидан, бу борада аниқ таклиф ва тавсиялар берилди.

Таклифнинг асосий мақсади — қонунчилик, давлат идоралари, жамоат бирлашмаларининг фаолиятини яхшилаш орқали, фуқаролар ўз манфаатларини ҳимоя қилади ҳамда ҳуқуқ ва эркинликлари тўлароқ амалга ошишига эришади. Демак, таклиф ижтимоий, умумий характерга эга мурожаат бўлса-да, улардаги тавсиялар, мулоҳазаларнинг амалга ошиши ҳар бир шахснинг манфаатларини, ҳуқуқ ва эркинликларини тўла таъминлашга, қонун бузилишининг олдини олишга, бузилган ҳуқуқлар

тикланишига имконият яратади.

Таклифларда камчиликларини бартараф этиш, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига фаол таъсир қилиш мақсади ётади, бундан фуқаролар ҳам, давлат ҳам манфаатдордир.

Таклифларни ўрганиш, умумлаштириш натижасида давлат идоралари, жамоат бирлашмалари ва корхона, муассаса, ташкилотлар фаолиятидаги айрим камчиликлар аниқланибгина қолмай, уларни келтириб чиқарувчи сабаблар ҳам ўрганилади, ва шу асосда камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилади.

Юқорида келтирилган ўтилган фикрларга хулоса сифатида куйидаги мулоҳаза ва таклифларни киритсак, мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлаймиз:

Биринчидан, республикада фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқининг мавжудлиги ва унинг Конституция ҳамда қонунларда кафолатлаб қўйилганлиги мамлакатимизда демократик давлат, фуқаролик жамияти куриш, фуқароларнинг ташаббускорлигини ошириш, уларнинг жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда кенг иштирокларини таъминлаш учун ҳуқуқий пойдевор мавжудлигидан далолат беради.

Иккинчидан, жамият ва давлат ишларини бошқаришда фуқароларнинг турли хил таклифлар билан чиқиши фуқаролик жамияти куриш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Зеро, таклифлар бўлган жойда, албатта, ривожланиш бўлади.

Учинчидан, фуқароларнинг мурожаат қилишида муаммоларнинг юзага келишига кўп ҳолатларда айрим фуқароларнинг қонунларни билмаслиги ҳам сабаб бўлмоқда. Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, баъзи фуқаролар судловга тааллуқлилик, судловдаги ҳудудийлик каби судлар фаолиятидаги тамойилларни билмасликлари оқибатида турли хатolikларга йўл қўядилар. Фикримизча, кўрсатиб ўтилган ҳолатларни бартараф этиш учун мамлакатимиз фуқароларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ушбу масалада оммавий ахборот воситалари орқали халққа кенг маълумотлар бериб бориш, ҳуқуқий тарғибот ишларини янада жонлантириш лозим.

Улуғбек ХАНАЕВ,
Адлия вазирлиги бошқарма бошлиги ўринбосари,
Мустафо ХОДЖАЕВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими

“Урганч бахмал” масъулияти чекланган жамияти жамоаси

юртимиз аҳлини азалий ва аънанавий баҳор байрами, яшнаш ва яшариш тимсоли — Наврўз айёми муносабати билан самимий муборакбод қилиб, уларнинг мамлакатимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги йўлида олиб бораётган бунёдкорлик меҳнатида улкан зафарлар тилайди.

Ўрмончилик уфқлари

Табиатнинг яшил қалқони

ТАБИАТ БОЙЛИГИ бўлган ўрмонлар — табиий биоконкомплекс бўлиб, ҳимоя қилиш, сувларни сақлаш, атмосфера ва иқлимни мўтадиллаштириш, сел ва сув тошқинларининг олдини олиш, кўчма қумларни мустаҳкамлашда беқиёс аҳамиятга эга.

РЕСПУБЛИКАМИЗ кам ўрмонли ўлкалардан ҳисобланади. Давлат ўрмон фонди ер майдони 8661.1 минг гектар бўлиб, шундан ўрмон билан қопланган майдон 3220.8 минг гектарни ёки ўрмон билан қопланганлик даражаси 7,2 фоизни ташкил этади (2008 йил 1 январь ҳолатида).

Ўрмонзорлар тоғларда жарликлар пайдо бўлиши хавфининг олдини олади, яйловлар маҳсулдорлигини кўпайтириш, сўғориладиган ерларда қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширишга ҳам хизмат қилади.

Олимларнинг таъкидлашича, бир гектар ўрмонзор йилига 18 миллион м³ ҳавони тозалайди. Чўл ҳудудларида 1 туп ўрта ёшли саксовул дарахти 3-5 тоннагача қум зарраларини тутиб қола билади.

Юқори маҳсулдор ўрмонларни яратиш, ўрмонзордаги дарахт таркиби ва сифатини яхшилаш, уларнинг генофондини сақлаш, хўжалиқда аҳамиятли ҳисобланган хусусиятларни ошириш республика ўрмон хўжаликлари олдида турган масалалардан бири саналади.

Ҳар йили республика ўрмон хўжаликлари томонидан 42 минг гектар майдонда ўрмон барпо қилинади. Ўрмон барпо қилиш ҳажмининг 80 фоизи чўл минтақасида олиб борилади, шу жумладан, қуриган Орол денгизи тубида экологик вазиятни қисман мўтадиллаштириш мақсадида 14-15 минг гектарда ўрмон мелiorацияси тадбирлари олиб борилмоқда. Хусусан, 2004-2008 йиллар мобайнида Оролнинг қуриган тубида 88 минг гектар майдонда ҳимоя ўрмонзорлари

барпо этилди.

Ўрмонзорлаштириш тадбирларини ташкил этиш борасида 700 гектардан ортиқ майдондаги ўрмон кўчатхоналарида ҳар йили 60 турдан зиёд 50 миллион дона ҳар хил турдаги ниҳол ва кўчатлар етиштирилади.

Республикаимиз ҳуқумати томонидан пиллачилик соҳасини ривожлантириш бўйича белгилаб берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида фермер хўжаликларига 25 минг дона тут кўчатлари ва 90 минг дона мевали кўчат етказиб берилди.

Ўрмон касалликлари ва зараркунандаларига қарши кураш мақсадида 50 минг гектар майдонда паталогик кузатув ишлари олиб борилади, 20-25 минг гектар майдонда зараркунандаларга қарши кураш тадбирлари ўтказилади. Ёнгинга қарши янги ҳимоя линиялари ва йўллар қурилиб таъмирланди.

Ўзбекистон ўрмонзорларининг муҳим экологик ва ҳимоя қилиш хусусиятига эга эканлигини, ёғоч захираси ҳажми камлигини инобатга олган ҳолда, ўрмонлардан кесиб фойдаланиш миқдори белгиланмоқда.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда бугунги кун ҳолатига 1015 турдаги ўсимлик ўсиши, умуртқали ёввойи ҳайвонларнинг 350 тури яшаши аниқланган. Ўсимликларнинг 66 тури, ёввойи ҳайвонларнинг 46 тури халқаро ва Ўзбекистон “Қизил китоб”ларида киритилган.

Республика аҳолисини, соғлиқни сақлаш, фармацевтика ва озиқ-овқат саноати корхоналарини доривор ва озиқ-овқат ўсимликлари хом ашёсига бўлган

эҳтиёжини қондириш мақсадида 2008 йил давомида бир қатор ишлар амалга оширилди:

Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси томонидан соҳага хорижий инвестицияларни жалб этиш, халқаро алоқаларни жадаллаштириш ва истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш борасида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ташкилоти (ФАО) билан ҳамкорликда “Ўзбекистон миллий ўрмон дастурини ишлаб чиқиш ва ўрмон қонунчилигини такомиллаштириш” лойиҳасининг асосий тадбирлари амалга оширилди.

2007 йилнинг март ойида Ўзбекистон Миллий Ўрмон дастури доирасида “Фасилити” лойиҳасини амалга ошириш бўйича БМТ ФАО ташкилоти билан Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси ўртасида келишув битими тузилган.

Шунингдек, 2008 йилнинг бошида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва Глобал Экологик Жамғарма томонидан “Қорақалпоғистон ва Қизилқум чўлларида деградацияга учраган ерларда экотизим барқарорлигини таъминлаш” лойиҳаси молиялаштирилиши тасдиқланганди. Мазкур лойиҳа Глобал Экологик Жамғарма томонидан молиялаштирилади. Қолаверса, БМТ Тараққиёт Дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкор донор сифатида ўз улушини қўшиши кўзда тутилган. Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси ушбу лойиҳани амалга ошириш бўйича ижрочи ташкилот сифатида улушини қўшиш назарда тутилган ва ҳозирги вақтда мазкур лойиҳанинг дастлабки босқичи амалга оширилмоқда.

Муратбай ҒАНИЕВ,
Республика ўрмон хўжалиги Бош бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари



МАМЛАКАТИМИЗДА тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун кенг имкониятлар яратилган. Бир қанча қонун ва қонуности меъёрий ҳужжатлари улар фаолиятини тартибга солади. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги 327-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ молия-хўжалик фаолиятини олти ой мобайнида амалга оширмаётган корхоналарни (банк ҳисобварақлари бўйича уч ой мобайнида операцияларни ўтказмаган савдо, савдо-воситачи корхоналарни), шунингдек, қонунчиликда белгиланган муддатда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналар суд тартибиде тугатилади, деб белгиланган.

КЕЙИНГИ вақтларда тижоратчи юридик шахсларни тугатиш билан боғлиқ айрим муаммолар вужудга келмоқдаки, бу ҳол тегишли органлар томонидан ўз вазифаларини амалга оширишда бир қатор англашилмовчиликларга сабаб бўлмоқда.

Масалан, Низомнинг 2.1-бандида — “Савдо ва савдо-воситачи корхоналар томонидан уч ой мобайнида, бошқа хўжалик юритувчи субъектлар — юридик шахслар томонидан эса олти ой мобайнида банк ҳисоб рақамлари бўйича пул операцияларини ўтказган ҳолда молия-хўжалик фаолияти амалга оширилмаган ҳолларда тижорат банклари уч кун муддатда у ҳисобга қўйил-

Тижорат фаолияти

билан шуғулланувчи юридик шахсларни мажбурий тугатишнинг айрим муаммолари

ган жойдаги солиқ хизмати органига ахборот тақдим этади. Ахборотда куйидагилар кўрсатилади: банкда ҳисоб рақами очилган ва охириги операция ўтказилган сана; банк ҳисоб рақамларида пул маблағларининг мавжудлиги; мавжуд дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг, кредиторлар рўйхати кўрсатилган ҳолдаги 2-картотеканинг мавжудли-

ги; корхонанинг мансабдор шахслари.

Банк ҳисоб рақамлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисида суднинг тегишли қарори тақдим этилган тақдирда банклар кейинги иш кунидан кечикмай хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб рақамларини ёпадилар”.

Ушбу бандга мувофиқ хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб рақамини ёпиш тўғрисида суднинг тегишли қарори тақдим этилган тақдирдагина банклар мазкур ҳисоб рақамини ёпадилар. Лекин судга хўжалик юритувчи субъектнинг банк ҳисоб рақамлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги мурожаат билан чиқиш қайси орган зимма-

сига юклатилганлиги кўрсатиб ўтилмаган. Ҳозирда бу ҳол хўжалик юритувчи субъектларни мажбурий тугатиш ишларини белгиланган муддатларда амалга оширишга тўсқинлик қилмоқда. Ушбу ҳолатни бартараф этиш учун судга бундай мурожаат билан қайси орган чиқиши кераклигини кўрсатиб ўтиш мақсадга

сия билан боғлиқ қисми лозим даражада бажарилмаётганидан кўз юмиб бўлмайди. Фикримизча, бунинг сабабларидан бири, бу махсус комиссиянинг иш фаолиятини амалга ошириш бўйича Регламент белгиланмаганлигидадир. Шу сабабли, аксарият ҳолларда бу иш билан бевосита давлат солиқ идоралари ходимлари шуғулланади.

Юқоридаги муаммоларни бартараф этиш учун, махсус комиссия иш фаолиятини тартибга солидиган Регламент белгиланиши, шунингдек, Президентимизнинг 1999 йил 28 июндаги ПФ-2331-сонли Фармони билан тасдиқланган махсус комиссия таркибини ўзгартириб, махсус комиссия раислигига тегишлилиги бўйича давлат солиқ бошқармаси ва инспекциясининг бошлиқ ўринбосарларига юклаб, комиссия аъзолигига тегишли ҳокимлик вакилини киритиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

**Иброҳим ТУРҒУНОВ,
Ойбек ИСАКОВ,
Адлия вазирлиги
масъул ходимлари**

мувофиқ бўлар эди.

Шу билан бир қаторда, ҳозирги вақтда жойларда молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш бўйича доимий ишловчи махсус комиссия ишлари етарли даражада ташкил этилмаган. Натижада тугатиш ишларининг махсус комис-

ҚОНУНИЙ никоҳда бўлмаган ота-онадан туғилган болага ёлғиз оналик ёки оталик белгиланиши мумкин. Бу ҳолат, жуда ташвишли ва ачинарли ҳисобланади. Сабаб: қонуний никоҳдан ўтмай туриб, диний расм-русумлар асосида қурилган никоҳда бўлган ота-она битта хўжалик юритиб, бир рўзгор асосида яшасаларда, ўртада туғилган фарзандлари гўёки ёлғиз онадан туғилган фарзанд сифатида расмийлаштирилмоқда.

Қонуний никоҳ оила мустаҳкамлигига хизмат қилади



ЁХУД бола туғилгач, унга туғилганлик ҳақида гувоҳнома тўлдириб чоғида ота-онаси ҳақида албатта, маълумот киритишимизга тўғри келади. Ўртада қонуний никоҳ бўлмаганлиги учун бундай вазиятда боланинг дунёга келишига сабаб бўлган ота келиб, ҳақиқатан ҳам шу боланинг отаси эканлигини тан олиши керак. Бу ҳақда қонунларимизда баён этилган: “Никоҳда бўлмаган ота-онадан туғилган болага оталикни белгилаш ва онаси (агар отаси воёга етмаган ҳисобланса, унда унинг ота-онаси ёки вакили) томонидан ФХДЁ бўлимига биргаликда берилган аризаси асосида амалга оширилади”.

Ҳар иккала ҳолатда ҳам ёлғиз оналик ёки оталикнинг вужудга келишига сабаб, диний расм-русумларга ишониб қонуний никоҳдан ўтмаганлиқдир. Ваҳоланки, ҳуқуқий жиҳатларга мувофиқ, никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органлари ФХДЁда расмийлаштирилсагина ҳақиқий ҳисобланади. Диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳ ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас.

Ҳуқуқий давлат қураётган эканми, қонунларга итоат қилиш ҳар бир фуқаронинг, давлат ва нодавлат ташкилотларининг бурчи ҳисобланади.

Ана шундай муаммоларнинг олдини олиш учун, диний ташкилот ходимларининг ҳам масъ-

улиятини ошириш даркор. Бу борада барча шаръий никоҳларнинг ким томонидан ва қачон расмийлаштирилганлигини алоҳида журналларда қайд этиш ва фуқароларга бу ҳақда махсус маълумотнома бериш тартибини жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Қонуний никоҳда бўлмасликнинг ачинарли жиҳати шундаки, оилада нуқсонли фарзанд дунёга келиш эҳтимоли йўқ эмас. Чунки, ноқонуний никоҳ қуришда уларга нисбатан тиббий кўрикдан ўтишга мажбурлов чораси қўрилмайди. Бу эса юқорида айтилган ҳолатни юзага келтириши мумкин. Қонуний никоҳдан ўтиш мақсадида ФХДЁ органига ташриф буюрган йигит-қизлар ариза ёзганларидан сўнг, уларнинг жинсий, руҳий, жисмоний ҳолатларини текшириш мақсадида тиббий кўрикка йўлланма берилади. Тиббий кўрик соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида бепул ўтказилади. Тиббий кўрик давомида бўлғуси эр ёки хотинда касаллик аломатлари кузатилса, ФХДЁ органида никоҳни қайд этиш вақтинча тўхтатилиб, бўлғуси эр ёки хотин даволаш муассасаларига юборилади. Шундай қилиб, қонуний никоҳ туфайли ёш келин-куёвлар ногирон фарзандларга ота-она бўлишдан ҳимояланадилар.

**Саодат МУҲСИНОВА,
Самарқанд шаҳридаги
“Панжоб” бахт уйи мудири**

*Жаннатмонанд юртимсан,
Бахт хумоси бошингда.
Истиқболнинг порлагай,
Истиқлол қуёшидан!*


**Адлия вазирлиги ҳузуридаги
Суд департаментининг
Навоий вилояти ҳудудий
бошқармаси жамоаси**

**мустақил мамлакатимиз ақлини
яшнаш-яшариш фаслининг гўзал
айёми — Наврўз байрами билан
қутлайди.**


**Озод ва обод Ватанимиз равнақи
йўлида меҳнат қилаётган
элдошларимизнинг барча орзу-
истаклари рўёбга чиқаверсин!**



"Самарқандпахтасаноат" ҳудудий ҳиссадорлик бирлашмаси тизими пахтани қайта ишлаш корхоналари жамоалари



*бу йил ҳам мамлакатимиз
иқтисодийётининг юксалиши,*



ҳалқимиз турмуш фаровонлигининг ўсиши

ийлида бекам қўст хизмат қилишга тайёр.

Табиага гўзаллик, кўнгилларга хотиржамлик

келтирган Наврўзи олам туборак бўлсин!



*Мустақил мамлакатимиз аҳлини, шу эрмладан, тармоқ
ходимларини халқимизнинг қадимий ва гўзал байрами — Наврўз
айёти билан қўтлаймиз!*

*Байрам шодиёналари шўқуҳи йил давомида дилингизга қувонч
бағишласин. Яратувчанлик меҳнатини баргала ютқуқ ва омадлар
келтирсин!*



**Хорижий инвестициялар
иштирокидаги
"Урганч-ёғ" очик
акциядорлик жамияти
жамоаси**



// Ислоҳот

Зафарли одимлар

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ — Хоразм вилояти иқтисодиётининг ўзаги, асосий соҳаси ҳисобланади. Мазкур жабҳадаги энг катта ютуқ — олиб борилган савий-ҳаракатлар туфайли бутун бошли янги ижтимоий қатлам — мустақкам ва қудратли таянчга эга бўлган қишлоқ ишбилармонлик ҳаракати юзага келди ва истиқболнинг ёрқин кафолатига айланди.

ҲОЗИРГИ кунда қишлоқда яратилаётган стратегик хомашё маҳсулотлари ва ноз-неъматлар, чунончи, пахта ҳосилининг 99 фоизи, галланнинг 100 фоизи, гўшт, сут, боғдорчилик, полиз экинлари, сабзавотчилик ноз-неъматлар, пилланнинг 70-80 фоизи қишлоқ тадбиркорларидан таркиб топган 10 мингга яқин фермер хўжаликлари улушига тўғри келади. Уларнинг аксарияти йириклашган, кўп тармоқли моддий ва молиявий салоҳияти юқори бўлган хўжаликлардан иборат.

Айни пайтда модернизациялаш, техник ва технология қайта жиҳозлаш тадбирлари, ҳудудий инвестиция дастурларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Биргина ҳудудий инвестиция дастури доирасида ўтган бир йил мобайнида вилоятга 7

миллион 355,5 минг АҚШ доллари миқдорида хориж сармояси жалб қилинди ва мўлжалдаги режа 101 фоизга бажарилди. Биргина “Хонқа паррандачилик” масъулияти чекланган жамиятининг замонавий мажмуасини бунёд этиш лойиҳаси Германиядаги “Dresder Bank AG”нинг 1 миллион 450 минг евро миқдоридаги кредит сармояси билан таъминланди. “Хоразм-шакар” қўшма корхонасида амалга оширилган реконструкциялаш дастури туфайли унинг кунлик шакар ишлаб чиқариш қуввати 1000 тоннадан 1200 тоннага ортди. Ушбу лойиҳага кўра, 2 миллион АҚШ долларидан зиёдроқ миқдорда хорижий инвестиция маблағи корхонага жалб этилиб, кўзланган режа 150 фоизга уддаланди. Бундан

ташқари, “Хива маликаси” қўшма корхонасига 200 минг, “Гидамчи Карпед” қўшма корхонасига 500 минг, “Коттон текс” қўшма корхонасига 462,2 минг, “Богот текстиль” қўшма корхонасига 247,6 минг АҚШ доллари миқдоридаги хориж сармоялари киритилди. Давлатимиз раҳбарининг “2007-2011 йиллардаги даврда ёғ-мой саноати корхоналарини модернизация қилиш ва техникавий қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида”ги қарорига асосан “Урганч-ёғ” хорижий инвестициялар иштирокидаги корхонасида ўсимлик ёғини гидрогенизациялаш тизимини барпо этишга қаратилган режали ишлар амалга ошириляпти. Ушбу мақсад учун Хиндистоннинг “SUNMAN ENGINEERS” фирмаси томонидан таклиф этилган зарур жиҳозларни харид қилишга қарата 1 миллиард сўмлик маблағ конвертация қилинди. Айни кезде мазкур лойиҳа доирасида корхона коммуникация тизимини янгилаш ва бутлаш ишлари жадал олиб бориляпти ва у

ниҳоясига етгач, корхона йилига 8612 тонна саламас совуни (совун хомашёси) ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади.

Биргина 2008 йил мобайнида вилоят бўйича яна 2093 та хусусий тадбиркорлик субъекти таркиб топди ва уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 66,1 фоизга тенг бўлди. Ушбу сектор фаолиятини янада жонлантиришга қарата йил давомида 30,2 миллиард сўмлик кредит маблағлари ажратилди ва шу ҳисобдан яна 17785 киши учун янги иш ўринлари очилди.

Иш билан таъминлашнинг долзарблиги ва у фаолиятимизнинг энг муҳим қирраларидан бирига айланганлигини алоҳида таъкидламоқ лозим. Ана шу юзасидан ишлаб чиқилган дастурга мувофиқ 2008 йил давомида 37110 та янги иш ўринлари яратилиб, кўзланган режа 102 фоизга адо этилди. Бунда асосий эътибор, аҳолининг иш билан банд бўлмаган қисми ҳамда ёшлар ва аёлларга қаратилди.

Шу давр давомида 487 та янги хизмат кўрсатиш

шоҳобчаси вужудга келтирилди. Кўрсатилган хизматлар ҳажми 532 миллиард сўмдан иборат бўлди.

Ҳозир вилоят бўйича 12 та тижорат банкининг бўлим ва филиаллари, 138 та минибанк шоҳобчаси, 50 та ихтисослаштирилган касса бўғини аҳолига хизмат кўрсатапти. Фақатгина сўнгги бир йил давомида улар томонидан мавжуд хўжалик субъектларига 170 миллиард сўмлик кредит маблағлари етказиб берилди. Шу мақсад учун ажратиладиган қўйилмалар миқдори йил якунига келиб, яна 50 миллиард сўмга ошди ва унинг ялпи ҳажми 147 миллиард сўмни ташкил этди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, вилоятимиз аҳли истиқболимизнинг ҳар томонлама мустақкамлашини, юртимизнинг гуллаб-яшнаши йўлида барча имкониятларни ишга солган ҳолда ёрқин истиқбол сари янада дадил одимляпти.

Усмонбой ЖУМАГАЛДИЕВ,
Хоразм вилояти ҳоқими ўринбосари

// 2009 йил — “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили”

Ёрқин уфқлар ҳали олдинда

ДАСТЛАБКИ мустақил фермер хўжаликларига Хоразм вилоятида 1993 йили асос солинган ва Богот, Хива ҳамда Шовот туманларидаги 3 та чорвачилик фермаси воҳанинг илк фермерлари тасарруфига берилган эди. Вилоятнинг қалдирғоч фермер хўжаликлари ўшанда гарчи саноклигина бўлса-да, ўзининг илк ноз-неъматларини шу йилиёқ халқимиз дастурхонига тортиқ этди. Шундан буён ўтган давр ичида фермерлик субъектлари 3 тадан 10 мингга, улар томонидан яратилаётган ялпи моддий бойлик миқдори эса қишлоқ хўжалиги жами маҳсулотларининг 98 фоизига етди. Фермерлик қишлоқ тараққиёти ва фаровонлигининг асосий ҳаракатлантирувчи кучига айланди.

2009 йил маълумотларига қараганда, пахтачилик ва галлачилик йўналишида фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари сони вилоятда 2380 тани ташкил этаяпти. Мавжуд экин майдонларининг асосий қисми улар ихтиёрида ва етиштирилаётган пахта ҳамда галла ҳосилининг деярли барчаси мазкур тадбиркорлик субъектлари меҳнатининг маҳсулидир. Фермерлик субъектларининг 7,5 мингга яқини чорвачилик, боғдорчилик, сабзавот ва полизчилик билан шуғулланаяпти. Улар томонидан етиштирилаётган хилма-хил ноз-неъматлар вилоят аҳли эҳтиёжини тўла қондираяпти. Қишлоқ тараққиёти ва иқтисодиётининг нақадар мустақкамланаётгани эндиликда фермерлик субъектлари саноатлашуви мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Ҳозирги кунда 100 га яқин фермер хўжаликлари қошида чорвачилик, боғдорчилик ва сабзавот-полиз маҳсулотларини қайта ишлаб, тайёр ноз-неъматларга айлантирувчи мини ва ҳатто тўла қувватли корхоналар ишлаб турибди.

Биз ўтган йиллар мобайнида кўп минг сонли фермерлар сафида ибратли тажрибаси, бой ва қизгин фаолияти билан ҳаммага ўрнак бўла олувчи пешқадамлар қатлами пайдо бўлишини ғоятда интиқлик билан кутдик. Мана, энди бу муродимиз ҳам ҳосил бўлди. Уларни кўриб турибмиз. Сони биз кутганимиз ва ўйлаганимиздан ҳам кўп. Буларнинг бари юқорида укдирилганидек, фермерлик ҳаракати ўзини оқлагани ва мамлакатимиз бу соҳада тараққиётнинг

катта йўлига чиққанидан далолат беради. Юртимиздаги кенг қўламли ислоҳотларнинг муносиб натижасини ҳам шунда кўриш мумкин.

Галдаги орзу-умидларимиз эса янада катта. Шуни назарда тутган ҳолда, демократизми, қишлоқда кечаётган янгиланиш жараёнлари қаҳрамон ва фидойи фермерлар сафини янада орттиришдан астойдил умидвормиз. Мамлакатимиз йўлбошчисининг таклифи ва ташаббусига кўра, фермерлик ҳаракати қатнашчилари фаолиятига баҳоли қудрат кўмак бериш, фарзи ва қарзларни зиммага олган — биз мутасаддилар эса ҳазрати деҳқон, чорвадор, соҳибкор боғбон қиёфасидаги ажойиб замондошларимиз — кўп сонли фермерлар, дала ва фермалар, корхоналар меҳнаткашларини эъзозлаш, ардоқлашдек бурчимизни ўташдан мамнунмиз.

Бугун ҳазрати деҳқон даласида муборак Наврўз айёми нафаси кезаяпти. Бу улар учун том маънодаги улуғ байрам. Ушбу ажойиб айём арафасида заминимиз фидойилари яхши ният билан ерга барака уруғини сочишди. Яратгандан сочилган уруғнинг бири ўн бўлиб унишини, юртимизга кутбарака келтиришини, деҳқон даласидан Наврўз янглиг байрамлар асло аримаслигини тилаб қоламиз.

Мақсуд САИДОВ,
Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси Хоразм вилояти филиали раиси

«КОГОН ЁҒ-ЭКСТРАКЦИЯ» ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

*Она юртимизнинг
барча фуқароларини
ўжамизга ўз секин
ёйиб келган,
мустақил
Ватанимиз ҳуснига
ҳусн қўшаётган
Наврўзи олам билан
самимий туборақбод
этади.*

**Ушбу айём барчамизга
қутлуғ келсин!**

2008 йил давомида Сурхондарё вилояти адлия бошқармасига келиб тушган аризалар бўйича тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан 10 та тақдимнома, 38 та даъво аризаси, 2 та кўрсатма киритилди. Шунингдек, жиноят иши қўзғатиш ҳақида киритилган 3 та тақлиф ва расмийлаштирилган 5 та маъмурий баённомага асосан 1 нафар мансабдор шахс жиноий ва 4 нафар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилди.

Мурожаатлар эътиборда муаммолар қонун доирасида ҳал этилади

МАСАЛАН, Шўрчи туманида фаолият кўрсатаётган "Полвонтош" хусусий фирмаси раҳбари Х.Каримовнинг Шўрчи тумани ҳокимлиги томонидан асоссиз равишда улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия берилмаётганлигидан норози бўлиб ёзган аризасини ўрганиш натижасида аниқланган қонунбузилиш ҳолати юзасидан Шўрчи тумани ҳокимлигига 2008 йил 5 ноябрь куни 20-902/3-сонли тақдимнома киритилди.

Тақдимнома Шўрчи тумани ҳокимлигида 2008 йил 27 ноябрь куни муҳокама қилиниб, туман ҳокимининг 2008 йил 29 ноябрдаги 31-сонли буйруғига асосан туман ҳокимининг ўринбосари М.Менгниёзовга "ҳайфсан" интизомий жазоси қўлланилди ҳамда "Полвонтош" хусусий фирмасига 2008 йил 4 ноябрь куни улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи 088-сонли лицензия берилди.

Шунингдек, Денов тумани "Денов Чағониён транс" МЧЖ раҳбари М.Ибрагимовнинг жамият томонидан Россия давлатидан олиб келинган 10 дона "Газель-32213" русумли автотранспорт воситаларини рўйхатга қўйиш учун Сурхондарё вилояти фондига 20 фоиз ажратма тўлашни талаб этаётганлигидан норози бўлиб мурожаат қилинган. Аризани ўрганиш натижасида Сурхондарё вилояти ИИБ ЙХХБга 2008 йил 1 декабрда Солиқ кодексининг 324-моддаси, 4-бандига кўра, фаолиятининг асосий тури йўловчилар ташиш бўлган, қонун ҳужжатларига мувофиқ йўловчилар

ташиш учун белгиланган намунадаги лицензияга эга автотранспорт корхоналари йўловчилар ташишни амалга оширувчи транспорт воситалари бўйича автотранспорт воситаларини олиш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кириш учун йиғимни тўлашдан озод этилиши ҳақида 20-1307/2-сонли хат киритилиб, вилоят ИИБ ЙХХБ томонидан "Денов Чағониён транс" МЧЖ олиб келган 10 дона "Газель-32213" русумли автотранспорт воситалари 20 фоиз йўл фондига ажратмасиз расмийлаштирилиб, давлат рақами олиб берилди.

Шунингдек, бошқарманинг "Ишонч телефони"га тадбиркорлик субъектларидан келиб тушган мурожаатларнинг 18 таси тўлиқ қаноатлантирилиб, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари тикланди, 8 таси бўйича ҳуқуқий тушунтириш берилди, 8 таси асоссиз деб топилди. "Ишонч телефони"га мурожаатлар бўйича 7 та даъво аризаси, 3 та огоҳнома, 1 та тақдимнома, 1 та кўрсатма киритилди. 1 нафар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилди.

Қизириқ туманидаги "Зафар Тўраев Асқарович" фермер хўжалиги бошлиғи Х.Жумаевнинг АТБ "Микрокредитбанк" Қизириқ филиалидаги ҳисоб рақамидан, жами 1.800.000 сўм пул маблағи банк ходимлари томонидан асоссиз равишда бошқа ташкилотлар ҳисоб рақамига ўтказиб юборилганлигидан норози бўлиб бошқарманинг "Ишонч телефони"га қилган мурожаати ўрганилиб, 2008 йил 24 декабрь куни "Микрокредитбанк" Қизириқ тумани филиалига фермер хўжалиги ҳисоб рақамидан ноқонуний чиқим қилинган маблағларни қайтариш ҳақида 20-88-И-сонли тақдимнома киритилиб, фермер хўжалигига пул маблағи қайтариб берилди.

Коржов ЧОРИЕВ,
Бахтиёр ТОЖИЕВ,
Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси масъул ходимлари

Нафосат айёми — Наврўз,
фасллар келинчаги — гўзал
бахор азиз диёримиз
халқига муборак бўлсин!
Барчага оилавий бахт-
саодат, кўнгилар
хотиржамлиги ҳаминша
ҳамроҳ бўлсин.



Наввий ва Зарафшон шаҳри, Нурота, Хатирчи,
Учқудуқ ҳамда Навбахор тумани
ФХДЁ бўлимлари жамоаси.



SAVDOGAR BANK

Азиз юртдошлар!

Ўзбекистон-Германия "Савдогар" акциядорлик тижорат банки Наввий вилояти филиали барчани Наврўзи одам билан муборакбод этиб, миаллий ва чет эл валютасидаги куйидаги омонат турларини тақлиф этади.

Миллий валютада:	Чет эл валютасида:
1. "Талаб қилиб олгунча". Йиллик — 5 фоиз ҳисобланади.	1. "Комфорт". Муддати — 90 кун. Йиллик — 6 фоиз.
2. "Фаровон ҳаёт" пластик карточкада омонат. Йиллик — 10 фоиз.	2. "Универсал". Муддати — 180 кун. Йиллик — 6 фоиз.
3. "Эгасининг номи кўрсатилмаган" муддатли омонат. Йиллик — 18 фоиз.	3. "Элит". Муддати — 365 кун. Йиллик — 7 фоиз.
4. "Ешлек". Муддати — 180 кун. Йиллик — 17 фоиз.	4. Тақдим этувчига (эгаси номи кўрсатилмайдиган). Муддати — 365 кун. Йиллик — 11 фоиз, муддати — 270 кун, йиллик — 10 фоиз, муддати — 180 кун, йиллик — 9 фоиз, муддати — 90 кун йиллик — 8 фоиз.
5. "Оила даромади". Муддати — 90 кун. Йиллик — 17 фоиз.	
6. "Афзал". Муддати — 30 кун. Йиллик — 16 фоиз.	
7. "Сармоядор". Муддати — 90 кун.	
8. "Ҳазина палос". Муддати — 1 йил. Йиллик — 16 фоиз.	
9. "Янги инят". Муддати — 2 йил. Йиллик — 16 фоиз.	
10. "Комфорт палос". Муддати — 3 йил. Йиллик — 16 фоиз.	
11. "Барака". Муддати 90 кун. Йиллик — 24 фоиз.	
12. "Янги йил туҳфаси". Муддати — 30 кун. Йиллик — 26 фоиз.	

Унутманг, "Савдогарбанк" Сизнинг ишончли ҳамкорингиз!

Мурожаат учун манзил ва телефонлар:
Наввий шаҳри, Меъморлар кўчаси-83.
(8.436) 224-33-91, 224-82-21.

"Шўртангазкимё" мажмуаси ва касаба уюшмаси қўмитаси

Ўзбекистон халқини яшариш ва янгилашни фасли — Наврўзи олам байрами билан қутлайди!

Юртимизда тинчлик, хонадонларда тотувлик, қалбларимизда қувонч ва осойишталик доимо барқарор бўлсин!

Кўнгиларни эзгулик, шодлик, шукроналик ва келажакка умид туйғулари асло тарк этмасин!

**Национальный банк внешнеэкономической
деятельности Республики Узбекистан
Поздравляет всех жителей Узбекистана с
весенним праздником "Навруз" и сообщает о
приеме денежных средств во вклады в
национальной валюте:**

"Шинам"

- срок хранения 2 месяца;
- процентная ставка 18%+ бонус 2% годовых;
- выплата процентов по истечении срока вклада, без капитализации;
- дополнительные взносы во вклады не принимаются.

"Ором"

- срок хранения 4 месяца;
- процентная ставка 18%+ бонус 3% годовых;
- выплата процентов по истечении срока вклада, без капитализации;
- дополнительные взносы во вклады не принимаются.

"Матлуб"

- срок хранения 5 месяцев;
- процентная ставка 18%+ бонус 4% годовых;
- выплата процентов ежемесячно или по истечении срока вклада, с капитализацией невостребованных процентов;
- дополнительные взносы во вклады не принимаются.

Прием денежных средств во вклады будет производиться до
1 апреля 2009 года.

Одновременно банк сообщает о приеме денежных средств во вклады в
долларах США:

"Фароғат"

- срок хранения 3 месяца, процентная ставка — 4,5% годовых;
- выплата процентов по истечении срока вклада, без капитализации;
- дополнительные взносы во вклады не принимаются;
- выплата процентов в долларах США или в сумах по курсу ЦБ по желанию вкладчика.

"Ёғду"

- срок хранения 2 года, процентная ставка — 7% годовых;
- выплата процентов ежемесячно или по истечении срока вклада, без капитализации;
- дополнительные взносы во вклады не принимаются;
- выплата процентов в сумах по курсу ЦБ.

"Абсолют"

- срок хранения 1 год, процентная ставка — 6% годовых;
- выплата процентов ежемесячно или по истечении срока вклада, без капитализации;
- дополнительные взносы во вклады не принимаются;
- выплата процентов в сумах по курсу ЦБ.

Мы считаем себя ответственными за благосостояние тех,
кто доверяет нам управление своими сбережениями!

Дополнительная информация по телефонам: 235-42-83, 234-14-14
или в любом отделении/ филиале банка.

ИНСОН ҚАЛБИДА эзгулик туйгуларининг қарор топиши оиладан бошланади. Оилаларни эзгулик сари етакловчи маскан эса маҳалладир. Киши ўз маҳалласи томон яқинлашар экан, кўнглида хотиржамлик ҳисси уйғонади. Чунки, шу ер унинг қувончу ташвишларини ўтказадиган жой, оиласи даврасида камми-кўпми, бахтли дамларини бошдан кечирадиган кошона.

Маҳалла

Эзгулик, фидойилик йўли

БУГУНГИ КУНДА азалий қадриятларимизнинг ифодаси бўлган маҳалла институтига ҳар томонлама эътибор қаратилаётганлиги бежиз эмас. Шу маънода? маҳаллалар ободлиги, оилаларнинг тинч-тотувлигини сақлаш, осойишта муҳит яратилишида маҳалла фуқаролар йиғинининг ўрни беқийёс эканлигини таъкидламоқ жоиз. Зеро, маҳалла фуқаролар йиғинида фаолият юритаётган етакчиларнинг вазифаси жуда масъулиятлидир.

Мирзо Улуғбек туманида жойлашган 43-Хумоюн маҳалласида ҳам жонқуяр, фидойи инсонлар кўпчилигини ташкил қилади. Жумладан, маҳалла раиси Зикрилла Эрматовни маҳаллада ҳамма бирдек ҳурмат



қилади. Каттаю кичикнинг кўнглидан жой топа олган, кези келганда дардқаш, маслаҳатгўй, ўрни келганда таабчан бу инсон 11 йилдан буён маҳаллага бошчилик қилиб келмоқда. Тажрибали оқсоқол Зикрилла ака ўз маҳалладошларини доимий қўллаб-қувватлашга, қувончу ташвишли кунларида улар билан бирга туришга ҳаракат қилади.

43-Хумоюн маҳалласида шу йиллар давомида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирларига жиддий эътибор қаратилди. Маҳалла худудига 10 йил мобайнида 3000 дан зиёд экилган ҳар хил мева ва манзарали дарахтлар, бугун гуркираб униб турибди. Дарахтларнинг соя-салқини, шириндан-ширин меваларидан барча бирдек баҳраманд бўлаётганидан маҳалла аҳли мамнун.

Обод маҳаллада, албатта, ўзаро тотувликда умр кечираётган оилалар ярашади. Бу борада қайғуришда ҳам маҳалла фуқаролар йиғини ходимлари олдинги ўринларда, десак янглишмаймиз. Келинг, гапимиз

қуруқ бўлиб қолмаслиги учун мисолларга мурожаат қилайлик.

Маҳалла фуқаролар йиғини томонидан 2006 йил июнь ойидан 2008 йил 15 октябргача маҳаллада истиқомат қилувчи фуқароларга 3937630 сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. 2,5 йил мобайнида маҳалла ишсиз қатламининг 73 нафари иш билан таъминланди. Шунинг баробарида, маҳалла ёшларидан 47

нафари биржа ва маҳалла кўмаги ёрдамида хунар ўрганишди.

Фаолияти кенг қамровли бўлган маҳалла фуқаролар йиғини бугунги кунда уй ва йўлак бошлиқлари билан биргаликда коммунал тўловларни йиғишга кўмаклашмоқда. Ушбу йилда етакчилар томонидан амалга оширилган ишлардан яна бири, маҳалладаги 3 уйнинг қайта таъмирланиб, яшаш учун топширилганлиги бўлди.

Маҳалла фуқаролар йиғини томонидан амалга оширилган ишлар жуда кўп. Шунинг баробарида, келгусида бажариладиган ишлар ҳам режалаштирилган. Спорт майдончасини қуриб битириш, геофизика билан чегардош зовурлар тозаланиб, машиналарга жой ажратиш ҳамда йўлақлар асфальтини таъмирлаш, оқар сувни маҳаллага келтириш, ободонлаштириш ишларини давом эттириш айнан келгусида амалга ошириладиган ишлар жумласидандир.

Умумий ҳисобда 4993 нафар аҳолининг тинч-тотув, бирдамликда, аҳил яшашларини таъминлашга уринаётган маҳалла фуқаролар йиғини ўз фаолияти фидойилик билан ёндошишга эътибор бермоқда. Чунки, фидойилик бор жойда самимият бўлади. Самимият эса эзгу ишларга чорлайди.

Дилфуза ЭРГАШЕВА,
"Инсон ва қонун"
муҳбири

"Шўртаннефтгаз" унитар шўъба корхонаси ва касаба уюшмаси қўмитаси

Баҳор байрами, янгилик, яшарли тинчлик билан Наврўз билан бутун Ўзбекистон халқини ва меҳнатларини тинч дилдан қўтлайди.

Наврўз юртимизга фаровонлик, қўт-барака, тўқинчилик, тўқчилик ҳада элтаверсин!

Баҳорнинг қутлуғ айёми билан бошланган йилимиз энг катта ютуқлар ва қувончлар йили бўлиб қолсин.



"Тошвилбозорсавдо" АЖ жамоаси

Ўзбекистон халқини қадимий ва шукрқили Наврўз байрами муборакбати билан самимий муборакбод элтади.

Бу айём юртимизнинг ҳар бир конадорига тинчлик-тойғунлик, дастурхонга қўт-барака олиб келсин!

"Қашқадарёдонмаҳсулот" акциядорлик жамияти жамоаси

Ўзбекистон халқини қадимий ва табарруқ айём — Наврўз байрами билан табриклайди!

*Юртим, буюклигинг биласан жаҳон,
Тўқди отборларинг ўз доқинг билан.
Сийлайсан олатни ёзиб дастурхон,
Меҳнатдан яраган шу нонинг билан.*

Бизнинг Наврўз тилагимиз: илоҳим, юртимиз ҳамиша тинч, осмонимиз доимо мусаффо бўлсин!

Танти ва меҳнатқаш ўзбек халқининг дони мўл, ризқи бутун бўлсин!



Акциядорлик-тижорат «ПАХТА БАНК» жамоаси

*Ўзбекистон аҳлини ва
республикамизга таъриф
бу юрган хорижий меҳмонларни
яқинлаштириши ва яшарли айёми —
Наврўзи олам билан гўзал
тўйгулар ила муборакбод этади.*

*Барганизга сизгай-саломатлик,
узок умр, шиларинизга
ривож тилайди.*




Марказий магистрал электр тармоқлари корхонаси жамоаси



**азиз ҳамюртларимизни
Наврўзи олам билан
муборакбод этади.**

**Барчангизга сиҳат-саломатлик,
фаровонлик, қувонч ва
баҳорий кайфият тилайди.**



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ мудофаа ишлари бошқармасининг йигин пункти-дамиз. Қуролли Кучлар сафларига отланаётган чақирилувчиларни кузатиш муносабати билан катта тантанана ҳозирлик кўрилмоқда. Отаналар юрт хизматига отланаётган ўғлонларига маслаҳатлар беришяпти. Фарруҳ аканинг фарзанди Фахриддин Мўминовга қилаётган панд-насихатлари қулогимга чалинди.

Сара ўғлонлар жанговар сафга



— Ўғлим, юртга хизмат қилишнинг масъулияти бўлади. Шу боис ҳам, бу ишга Ватаннинг энг кучли, жасур, мард йигитлари жалб қилинади. Киндик қони тўқилган заминни кўриқлаш, шу юртда ўсиб-улғайган ҳар бир ўғлоннинг муқаддас бурчи. Сен шундай шарафли номга муносиб бўлмоғинг лозим. Хизматинг пайтида командирларинг топширигига амал қилиб, уларни сўзсиз бажаргин!

Йигит отасининг ҳар бир гапини диққат билан тинглаётганди. Уша дамда унинг ўзига бўлган ишончи янада ошганлиги шубҳасиз.

— Бугун ҳукуматимиз томонидан фарзандларимизнинг армия сафларида хизмат қилишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган, — дейди Фарруҳ ака. — Қолаверса, армия йигитлар учун ҳақиқий ҳаёт мактабидир. Қайси бир ота-она фарзанди юртини ҳимоя қилишидан фахрланмайди, дейсиз.

Дарҳақиқат, халқимиз орасида “Эр йигит улғайса, элни кўриқлайди”, деган гап бежизга айтилмаган. Саф тортиб турган азаматлар билан суҳбатлашар экансиз, ҳар бирининг

кўнглида шундай улкан мақсад борлигига амин бўласиз.

— Барча синовлардан муваффақият-ли ўтиб, йигитлик бурчимни адо этиш учун, Қуролли Кучларимиз сафига отландим — дейди биз билан суҳбатда чақирилувчи Жамшид Холматов. — Жонажон Ўзбекистонимга хизмат қилиш, халқим қорига камарбаста бўлиш, фарзандлик бурчимдир.

Чақирилувчиларни муддатли ҳарбий хизматга жўнатишга бағишланган тантанали митингни вилоят мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи офицер Анвар Абдураимов бошқарди. У ўз сўзида келажакимиз эгалари бўлган ёшларга самимий тилаклар изҳор этиб, уларни она Ватанга садоқатли, мард ва жасур ўғлонлар қилиб тарбиялаган ота-оналарига миннатдорчилик билдирди.

Шунингдек, вилоят “Маҳалла” жамғармасидан, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатидан, хотин-қизлар кўмитасидан вакиллар ҳам сўзга чиқишиб, ўғлонларга ўзларининг энг яхши тилак ва истакларини изҳор этишди. Чақирилувчилар номидан сўзга чиққан Нурилло Истамов барча эзгу ниятлар учун миннатдорчилик билдириб, Ватан олдидаги йигитлик бурчини ўташга ўзи ва сафдошлари шай эканлигини алоҳида таъкидлади.

Сўнгра, чақирилувчилар ва меҳмонлар учун байрамон дастурхон тuzалиб, миллий таомимиз, палов тортилди, санъаткорлар томонидан тайёрланган концерт дастури намойиш қилинди.

Аҳрор ОЧИЛОВ,
журналист

„Ўз виносаноат-холдинг“ компанияси жамоаси

юртимиз аҳли ва меҳмонларини гўзал баҳорнинг нафосатли айёми - Наврўз байрами билан қутлайди.

Ҳар бир элдошимизнинг эзгулик, бахт ва баҳор нурига чулғанган қалбига ёруғ қувончлар ҳамроҳ бўлиб, бағрикенг, болажон халқимизнинг, улғу орзуларни кўзлаган юртимиз ёшларининг истиқболи порлайверсин!

**Хуш айём алёрлари
Она юрт узра кезар.
Ҳаёт гуллари ила
Баҳор оламни безар.**

Яхши одам кўзидан, янги йил Наврўзидан маълум.

Табиатдан қут-барака ёғилаётган айни дамларда кириб келган баҳор халқимизга ризқ-рўз олиб кирмоқда. Хирмонларимиз донларга тўлсин, ҳар биримизни аҳил-иноқлик, елкадошлиқ, камарбасталиқ тарк этмасин.

Наврўзингиз муборак бўлсин!

„Жиззах дон“ АЖ жамоаси



// Ҳарбий аёлларимиз Вазифани бурч деб биледи

САЛОМАТЛИК бебаҳо бойлик дейишади. Айниқса, ҳарбий хизматчиларнинг саломатлиги жанговар шайликда муҳим ўрин тутди. Чунки тинчлик ва осойишталикка қалқон бўлаётган ҳарбийлар соғ-саломат бўлса, сарҳадларимиз дахлсиз, тинчлигимиз барқарор бўлади. Шу боис, қай бир ҳарбий қисмда бўлманг, посбонлар саломатлигига катта эътибор қаратилаётганига гувоҳ бўламиз. Лавҳамиз қаҳрамони, тиббий хизмат оддий аскари Олтиной Абророва ҳам мана етти йилдирки, ўз вазифасини аъло даражада уддалаб, ҳарбийлар саломатлиги йўлида хизмат қилмоқда.

— ЭГНИГА ҲАРБИЙ либос кийиб, жанговар хизмат машаққатларини енгиб ўтаётган аёлларни кўрганимизда, уларнинг иродасига, шижоат ва қатъиятига қойил қоламиз, — деди тарбиячи офицер Зиёд Мамажонов. — Олтиной Абророва ҳам ўз зиммасидаги масъулиятли вазифани шараф билан уддалаётганлардан бири. Энг асосийси, ўз соҳасининг билимдонларидан.

Олтинойда ҳарбийликка қизиқиш Гулистон тиббиёт билим юртида ўқиб юрган чоғларидаёқ пайдо бўлган. Айтишади-ку, астойдил ҳаракат қилсанг кўзлаган мақсадингга албатта етасан, деб. Мана шу ҳаётини ақидага амал қилган қаҳрамонимизнинг орзуси рўёбга чиқиб, бугунги кунда тиббиёт пунктида санитар-йўриқчи вазифасида хизмат қилиб келмоқда.

— Ҳарбий либос кийиб юрган аёлларни кўрганимизда, уларга жуда ҳавасим келарди. Ушандаёқ, албатта, ҳарбий бўлман, деб кўнглимдан

ўтказганман, — дейди қаҳрамонимиз. — Ушбу истагимни ота-онамга айтган эдим, улар ҳам фикримни қўллаб-қувватлашди. Мард, жасур ўғлонлар билан бир сафда, Ватан осойишталигини асрашга ҳисса қўшаётганимдан беҳад мамнунман.

Тиббий хизмат оддий аскари Олтиной Абророва хизмат жойига келиши билан, ишни аввало посбонларни тиббий кўрикдан ўтказишдан бошлайди. Уларнинг тозалик ва шахсий гигиенага риоя этишларини назорат қилади.

— Тозаликка эътиборли бўлиш турли касалликларнинг олдини олишга ёрдам беради, — дейди у. — Шу боисдан ҳам посбонлар орасида тозаликнинг, шахсий гигиена қоидаларига риоя қилишнинг аҳамияти катта.

Гувоҳ бўлганингиздек, тиббиёт пунктида фаолият юритаётган ҳамшира доимо посбонлар соғлиги учун қайғуриб, уларга ўзининг беминнат ёрдами ва маслаҳатларини бериб келаяпти. Албатта, унинг ўз устида тинимсиз ишлаши, устозларининг бой тажрибасини мукамал ўргангани бу йўлда унга катта мадад бермоқда.

Гулнора ҲОЖИМУРОВА

Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси жамоаси

*азиз ортдошларимизни эзгу қадриятлар
тинчлиги, яшариш фаслининг бетакрор айёми
— Наврўзи олам билан муборакбод этади.
Иқболи ёруғ элтимизнинг ризқу-рўзи бўли,
дастурхони тўқин бўлиб, қулқвор орзу-
мақсадлари доимо қшалаверсин!*

Термиз шаҳар ахборот технологиялари ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежи жамоаси

*Ўзбекистон халқини баҳорнинг гўзал
айёми бўлган Наврўз умумхалқ байрами
билан муборакбод этади!*

*Тўқин-сочинлик, қут-барақа рамзи бўлган
бу гўзал айём барча хонадонларга
тинчлик-тоғувлик, дастурхонларига эса
ризқ-насиба олиб келаверсин.*

**Улуғ шодиёнага улкан орзу-мақсадлар ила
пешвоз чиқаётган юртимиз меҳнаткашларини
яшариш-янгилашиш рамзи бўлган Наврўзи
олам билан муборакбод этамиз!
Йил бошидаги ёруғ уйлар ҳамиша
йўлларингизни чароғон этсин. Она диёримиз
янада фусункор ва тароватли бўлаверсин!**

*Бунёдкор халқимизнинг ёруғ иқболи
Яшнагай кун-кундан обод Ватанда.
Ризқ-рўзи бўли бўлмай тинч элтимиз
Мангу даврон сурсин овоз Ватанда.*

**"Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати" уюшмасининг
"Сурхонозиқовқатсаноат" акциядорлик жамияти жамоаси**

“КОСОН ЁҒ-ЭКСТРАКЦИЯ” ОҶЖ жамоаси

халқимизни янгилашни ва гўзаллик,
қадимий ва ҳамisha навқирон Наврўз
айёми билан қутлайди.

“Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили”да барчанинг
хонадонига қут-барака, фаровонлик тилайди.

Илму ҳунар ўрганиб

МАМЛАКАТИМИЗДА ёш авлодга янада кенг йўл очиб бериш, уларнинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши, замонавий билим ва тараққиёт чўққиларини эгаллаши борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

БИРГИНА бизнинг Қашқадарё вилоятида ўтган йили 17 та касб-ҳунар коллежи қурилиб, фойдаланишга топширилди. Замонавий жиҳозланган ва барча қулайликларга эга бўлган мазкур ўқув масканлари 12570 нафар ўқувчини қабул қилишга мўлжалланган. Яна 3 та касб-ҳунар коллежида кенгайтириш ва жиҳозлаш ишлари олиб борилиб, қўшимча равишда 525 нафар ўқувчини қабул қилиш имкониятига эга бўлди. Битта касб-ҳунар коллежида ўқувчиларнинг узоқдан қатнаб ўқиши инобатга олиниб, 1 та турар-жой биноси қуриб берилди.

Таълим муассасаларини битираётган ёшларни иш билан таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратил-

ди. Биринчи навбатда меҳнат бозори конъюктурасидаги ўзгаришлар ҳисобига олинган кадрлар тайёрланадиган мутахассисликларга ўз вақтида тузатишлар киритишни таъминлайдиган касб-ҳунар коллежлари ихтисослашувини қайта ташкил этишнинг мослашувчан тизими шакллантирилди. Худудларнинг ривожланиш шарт-шароитлари ва мутахассисларга бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб, мутахассисликлар инвентаризациядан ўтказилди. Натижада 12 та коллежнинг 16 та мутахассисликлари қисқартирилиб, уларга 11 та янги мутахассисликлар берилди. 2 та касб-ҳунар коллежининг йўналиши ўзгартирилди.

Туман (шаҳар) меҳнат

бўлимлари ва васий ташкилотлар билан олиб борилаётган ҳамкорлик натижасида яқунланган йилда 10776 нафар талаба эгаллаган касби бўйича, 6448 нафари эса бошқа касблар бўйича ишга жойлашган, 656 нафари олий ўқув юртига ўқишга кирган.

Касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда ёшларнинг ижтимоий ҳимоясига ҳам етарлича аҳамият қаратилди. Жумладан, 90 нафарга яқин кам таъминланган иқтидорли ўқувчига вилоят фан ва таълим қасаба уюшма кўмитаси, унинг бўлимлари томонидан 2008-2009 ўқув йили учун энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдоридан стипендия тайинланди. Шунингдек, кам таъминланган ўқувчилардан 42 нафарини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида совғалар берилди.

Бошқарма тасарруфидаги ўқув муассасаларидан 2000 нафар талаба ва ишлайдиган ёшларни корхоналар, ташкилотлар ҳамда ўқув муассаса-

лари санаторийларида, меҳнат қилаётган 250 нафар ёшларни Қасаба уюшмалари федерацияси Кенгаши санаторийлари ва оромгоҳларида, Меҳрибонлик уйларида 355 нафар болани болалар оромгоҳларида соғломлаштириш бўйича ишлар амалга оширилди.

Бошқарма тасарруфидаги ўқув муассасаларида таълимнинг энг сўнгги технологиялари асосида дарс ўтилишини йўлга қўйиш ҳамда илғор технологияларни ўзлаштиришда кўникма ҳосил қилиш борасида изланишлар олиб борилмоқда.

Шунингдек, ёшларнинг қалбига Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат туйғусини сингдириш, уларни бегона бўлган таъсирлардан огоҳ этиш ва ҳимоялашга қаратилган бир қатор тадбирлар ташкил этилди.

Амалга оширилган ишлар самараси ўлароқ, ёшларимиз кўплаб соҳаларда ютуқларга эришмоқда. Жумладан, Қарши

Давлат университети қошидаги 2-академик лицейнинг “Камолот” ЕИХ етакчиси Баҳодир Юсупов “Ёш сиёсатчи — 2008” кўрик-танловида олий ўринга сазовор бўлгани, Чироқчи қишлоқ хўжалик коллежи талабаси Нодира Нодиржоннова шахмат бўйича Осиё чемпиони совриндори бўлгани нафақат уларнинг, балки вилоятимизнинг ҳам ютуғи десак янглишмай-миз.

Вилоятимиз миқёсида олиб борилаётган самарали фаолиятлардан кўзланган асосий мақсад таълим муассасаларимизда таҳсил олаётган талабаларимизнинг камолини ва ютуғини кўришдир.

Арзикул ШЕРОВ,
Қашқадарё вилояти ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи в.б.

Шаҳрисабз вино-ароқ очиқ

ҳиссадорлик жамияти жамоаси

она юртимизнинг барча фуқароларини
ўлкамизга ўз сепини ёйиб келган,
мустақил Ватанимиз ҳуснига ҳусн
қўшаётган Наврўзи олам билан самимий
муборакбод этади.

Ушбу айём барчамизга қутлуғ бўлсин!

Самарқанд вилояти "Марказгазтаъминот" унитар корхонаси жамоаси

Наврўз умуммиллий байрами билан
Ўзбекистон диёрида ҳормай-толмай меҳнат
қилаётган барча инсонларни қизгин
муборакбод этади.

Ҳар тунинг қадр ўлибон,
Ҳар кунинг бўлсин Наврўз.

ҲАР БИР ФУҚАРО ўз ҳақ-ҳуқуқини билишни Конституцияни чуқур ўрганишдан бошламоғи лозим. Чунки барча тараққийпарвар мамлакатларда Конституция асосий қонун сифатида эътироф этилади ва қабул қилинадиган бошқа қонуний ҳужжатлар унга мос бўлиши шарт.

Мулк ҳуқуқи

"ДАВЛАТ ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонуний принциплар асосида амалга оширади". (14-модда).

Биз ҳуқуқшуносларнинг бугунги кундаги асосий мақсадимиз — Бош қомусимиз асосида бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик давлат барпо этиш, одил фуқаролик жамиятининг мустақил пойдеворини шакллантиришдан иборатдир.

Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқий устулларини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шакллари-нинг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баббаравар муҳофаза этилишини қафолатлайди.

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби

дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда мулкдан маҳрум этилиши мумкин.

"Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт". (Конституциянинг 54-моддаси).

Зеро, бу дегани Ўзбекистондаги ҳар бир фуқаро шахсий мулки бўлган уй-жойлари, хонадонларини ва шу каби шахсий мулкларини ўзлари хоҳлаган пайтда сотишлари, ҳадя қилишлари, шунингдек, хоҳлаган кишига фарзандларига васият қилиб қолдириш ҳуқуқига эгадирлар.

Матлуба НЕГМАТОВА,
Каттакўрғон шаҳар
1-сон катта давлат
нотариуси

РЕСПУБЛИКАМИЗ раҳбари таъкидлаганидек, болаларнинг қалбида соғлом ҳаёт тарзини шакллантиришга, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясига долзарб ва муҳим масала деб қараш, ҳаётнинг турфа хил иллатларидан асраб-авайламоқ даркор.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ прокуратураси томонидан вояга етмаганларга оид қонунчиликни мустаҳкамлаш, улар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, вояга етмаганлар манфаатлари ҳимояси борасидаги қонунлар ижросини таъминлаш юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, ўтган 2008 йил мобайнида вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлаш юзасидан 392 та текшириш ўтказилиб, аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиш мақсадида тегишли чора-тадбирлар кўрилди.

Вояга етмаганларнинг бандлигини таъминлаш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, ўрта-махсус касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларининг ишга жойлашганлиги ҳаққонийлигини аниқлаш юзасидан жойларда текширувлар ўтказилганда, ҳисоботларда ишга жойлашган деб кўрсатилган битирувчилардан 1545 нафари ишга жойлашмаганлиги маълум бўлди. Ушбу текширишлар давомида аниқланган ишга жойлашмаган битирувчилардан 730 нафари ишга жойлаштирилди.

Вилоят прокуратураси ташаббуси билан 2008 йилнинг 21 августидан 3 сентябрь кунига қадар 6 та ҳудудий меҳнат ярмаркаси ўтказилиб, унда 10790 нафар ёш қатнашди. 9025 нафар ёшнинг мурожаати қабул қилиниб, улардан 5473 нафарига ишга йўлланмалар, 3552

Вояга етмаганлар

ҳимояси долзарб ва муҳим масала

нафарига эса турли маслаҳатлар берилди.

Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, ИИБ, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси ҳамкорлигида 2008 йил давомида вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида қаровсизлик ва назоратсизлик, ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик, гиёҳвандлик, ОИТС, терроризм, диний экстремизм каби салбий иллатларнинг олдини олиш борасида чора-тадбирлар кўшма дастури ишлаб чиқилиб, амалий ишлар олиб борилмоқда.

Вилоятдаги вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази фаолиятини устидан доимий назорат ўрнатилган бўлиб, туман, шаҳар прокурорлари томонидан бунга масъул идораларнинг фаолиятлари мувофиқлаштириб борилиши натижасида вояга етмаганларнинг қаровсиз ва назоратсизлиги камайишига эришилди.

Вилоятда 10 та махсус мактаб-интернатлар мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси ҳудудий прокурорлар ва ҳокимликлар ҳузуридаги комиссиялар томонидан ўрганиб чиқилган. Ушбу интернатларнинг 7 та бинолари яхши аҳволда эканлиги, 3 та биносини эса таъмирлаш лозимлиги аниқланди ҳамда барча интернатларнинг моддий-техник базасини янада яхшилаш юзасидан тегишли чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, ҳозирда ушбу дастурнинг ижроси таъминланмоқда.

Бундан ташқари, вилоятда 40 та мактабдан ташқари таълим муассасалари фаолият кўрсатмоқда.

Ушбу таълим муассасаларининг бинолари ҳам ҳудудий прокурорлар томонидан Халқ таълими бўлимлари ходимлари иштирокида ўрганиб чиқилиб, барчаси бўйича фотоальбомлар тайёрланган ва ҳақиқатан ҳам уларнинг 15 таси капитал таъмирлаш муҳтож эканлиги аниқланиб, уларни 2009-2010 йилларда капитал таъмирлаш режаларига киритиш чоралари кўрилмоқда.

Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, маънавий-ахлоқий, сиёсий ва ҳуқуқий тафаккурини ошириш мақсадида вилоятнинг барча шаҳар, туманларида тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда турли тадбирлар амалга оширилмоқда.

"Гиёҳвандлик — умр заволи", "Шу азиз Ватан барчамизники", "Терроризм — инсоният қушандаси", "Диний экстремизм нима?" каби мавзудаги давра суҳбатлари шулар жумласидандир.

Олиб борилаётган ишлар натижасида вилоят бўйича вояга етмаганлар ўртасида 2009 йил январь ойида 2008 йилнинг шу даврига нисбатан жиноятчилик 16 тадан 14 тагача камайган, жиноятда иштирок этган вояга етмаганлар 26 тадан 17 тагача камайган.

Эртанги кун истиқболи, жамиятимиз тараққиёти фарзандларимиз тарбиясига боғлиқ. Уларнинг тақдирини ва тарбияси, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг ҳимояси учун кенг жамоатчилик бирдай масъулдир.

Баходир ҚОРАЕВ,
Тошкент вилояти
прокурорининг
катта ёрдамчиси, адлия
маслаҳатчиси

ФАРФОНА – Тошкент йўлининг шундоққина ёқасида, Бағдод ва Учкўприк туманлари оралигида узоқдан кўзга ташланувчи салобатли бино бор. Қачон ўтманг, унинг ёш йигит ва қизлар билан жавжумлигини кўрасиз. Устоз-мураббийликдек шарафли касб соҳибларини тайёрлаётган мазкур даргоҳ Бағдод педагогика коллежидир.

Ҳавасга арзигулик маскан

ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ 2006 йилда бошлаган ушбу таълим муассасаси 540 ўринга мўлжалланган.

– Айни пайтда коллежимизда 1095 нафар ўқувчи мактабгача ва оилавий таълим, бошланғич таълим, мактаб ва синфдан ташқари ишлар, жисмоний тарбия ва болалар спорти мутахассисликлари бўйича тахсил олмақдалар. Уларга 110 нафар устоз-мураббийлар сабоқ беришмоқда, — дейди коллеж директори, техника фанлари номзоди Илҳомжон Сиддиқов.

Коллежда давлат таълим стандартлари асосида тўлиқ жиҳозланган 28 та фан кабинети, кимё, физика ва биология лабораториялари, 2 та хорижий тил лингвон хонаси, битта компьютер синфи, ошхона, спорт зал, футбол, волейбол, кўл тўпи, баскетбол майдонлари, 48.515 нусха китоб захираси ва 100 дан ортиқ электрон дарслик ҳамда услубий қўлланмаларга эга бўлган ахборот ресурс маркази мавжуд. Қолаверса, рангли фотография, компьютер, тикувчилик сингари бюджетдан ташқари маблағ топиш хизматлари ҳам йўлга қўйилганки, бу муассаса моддий-техника базасини жонлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Маълумки, ҳеч бир нарса мамлакатни спорт каби тезда дунёга танита олмайдди. Бинобарин, коллеж маъмурияти

ушбу масалага жиддий эътибор қаратган. Пировардида “Жисмоний тарбия ва болалар спорти” мутахассислиги ўқувчилари Ширин Муҳаммадалиева, Эрали Дўсмаатов, Баҳриддин Ваҳобов ва Шеркўзи Қодировлар белбоғли кураш бўйича республика чемпионлигини, Хуршида Уринова, Гулнора Мўътабаровалар таэквандо бўйича вилоят биринчилигида голибликни қўлга киритишди. Шахноза Раҳимова ва Зиёда Зиёвуддиновалар эса спортнинг волейбол тури бўйича 2008 йилда ўтказилган “Баркамол авлод” спорт мусобақаларининг республика босқичида иштирок этишди.

Модомики, гап коллеж жамоасининг қўлга киритган ютуқлари ҳақида борар экан, 2008 йили ўтказилган “Энг обод маскан” кўрик-танловининг вилоят босқичида Бағдод педагогика коллежи “Энг обод ўқув муассасаси” деб топилди, вилоят ҳокимлиги томонидан мукофотланганини алоҳида тилга олиш лозим.

Жорий йилда коллежнинг биринчи қалдирғочлари учирма бўлишди. Яъни, 378 нафар ўқувчи битиради. Шу боис айни пайтгача уларни ишга жойлаштириш бўйича туман халқ таълими бўлимига қарашли таълим муассасалари билан шартномалар имзоланган.

Хуршид СУЛТОНОВ,
“Инсон ва қонун” мухбири



Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиалининг фидойи ва заҳматқаш жамоаси

улкан мақсадлар сари интилаётган, ҳар бир жабҳада зукколиги, тиришқоқлиги ва чаққонлиги ҳамда билимдонлигини намён этаётган юрт ўғлонларини, ҳуснда ва меҳнатда тенги йўқ лобар қизларини, барча мўътабар ва азиз устозларни заминимиз узра ўзининг тароватини улашаётган қадимий ва навқирон Наврўз айёми билан чин қалбдан табриклаб, уларнинг бахтли, саодатли кунлари кўп бўлишини истайди.

Ҳар байрам нафаси оилангизга, ҳаётингизга, умр йўлларингизга мазмун ва гўзаллик ошно этсин.



Азиз ва муҳтарам юртдошлар!

Ўзбекистон-Германия “Савдогар” акциядорлик-тижорат банки жамоаси



жонажон Ўзбекистонимизнинг барча фуқароларини Наврўз айёми билан самимий қутлаб, ҳар бир оилага бахт-саодат, шодлик ва фаровонлик тилайди!

Банк ушбу байрам арафасида ўзининг янги омонатларини тақлиф этади: “Янги йил тухфаси” мuddатли омонати — йиллик 26 фоиз.

1 ой мuddатга, минимал миқдор — чегараланмаган. “Барака” мuddатли омонати — йиллик 24 фоиз.

3 ой мuddатга, минимал миқдор — чегараланмаган.

Сиз азизларни ўзаро манфаатли ҳамкорликка чорлаймиз!

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Саид Барака кўчаси, 78-уй. Телефонлар: 281-30-29, 254-18-65 www.savdogarbank.uz

Холис кўмак Қулайлик ишончни орттиради

МАМЛАКАТИМИЗДА минглаб тадбиркорларга молиявий таянч бўлиб, ўз устав капиталини йил сайин бойитиб бораётган кредит уюшмалари сони йилдан-йилга ошиб бормоқда.

ҚАРШИ ШАҲРИДА фаолият кўрсатаётган “Kesh” кредит уюшмаси ташкил этилган вақтда устав фонди 60 нафар уюшма аъзосининг пай бадаллари ҳисобига 10000 АҚШ доллари эквивалентига тенг миқдорда 10807000 сўмни ташкил этган эди.

Мазкур кредит уюшмасининг асосий вазифаси уюшма аъзосига айланган юридик ва жисмоний шахсларни, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилишдан иборатдир. Шунингдек, уюшма кредит маблағлари орқали молиялаштириш билан биргаликда юридик ва жисмоний шахсларнинг бўш пул маблағларини келишилган шартнома асосида юқори фоиз даромади тўлаш шarti билан маълум мuddатга ўз депозитларига жалб қилиш орқали қўллаб-қувватлайди.

Кредит уюшмасининг устав фонди 2009 йилнинг 1 февраль ҳолатига кўра, 56450 минг сўмни ташкил этмоқда. Бу миқдор 944 нафар юридик ва жисмоний шахслардан иборат уюшма аъзоларининг пай бадаллари ҳисобига шакллантирилган.

— Шунингдек, билан қайд этиш жоизки, — дейди “Kesh” кредит уюшмаси ижрочи директори Ж.Жўраев, — воҳамизда аҳоли фаровонлигини оширишга кўмаклашувчи нобанк кредит ташкилотлари фаолияти-

ни қўллаб-қувватлашга катта эътибор берилмоқда. Мамлакатимизда бу борада бир қатор меъерий ҳужжатлар қабул қилинганлиги фаолиятимизда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Юқори фоизли, жамғарилиб бориладиган ва мuddатли депозитларимизга аҳолининг ишончи ортмоқда. Жисмоний шахслар учун йилига 30-40 фоиз, юридик шахслар учун 5-10 фоиз устама тўланадиган бу депозитлар қулайлиги билан миждозлар эътиборини тортаётир.

Миждозларга ҳар ойда ёки ҳар чоракда устамалар уларнинг ихтиёрига қараб тўлаб борилади. Кредит уюшмасининг депозитларига маблағ киритишни хоҳловчилар сафи кундан-кунга ўсиб бораётганининг яна бир боиси шундаки, талаб қилинган вақтда омонатдаги маблағ ҳеч қандай овозгарчиликларсиз тақдим этилади.

Қарши шаҳридаги Мустақиллик кўчасида жойлашган “Kesh” кредит уюшмаси ўз аъзоларини қўллаб-қувватлаб, хайрли ишларга бел боғлаган. Ҳозирги кунда унинг имкониятларидан фойдаланиб, тадбиркорликни йўлга қўйган, турли уй жиҳозлари сотиб олган кишилар сафи тобора кенгаётгани “Kesh” кредит уюшмасининг кейинги истиқболдаги фаолияти янада ёрқинроқ бўлишидан далolat бериб турибди.

Фахриддин БОЗОРОВ,
“Инсон ва қонун” мухбири

/// Ҳуқуқий тафаккур — давр тақозоси!

Тарғибот самарадорлиги йўлида

БУХОРО ВИЛОЯТИ адлия бошқармаси ва унинг тизимидаги муассасалар томонидан мамлакат аҳолисининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган тадбирлар маҳаллий идоралар, тизимга кирувчи муассасалар, бошқарма ходимлари жалб қилинган ҳолда олиб борилмоқда.

ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ ИШЛАРИДА оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланилмоқда.

Хозирга қадар, прокуратура, ички ишлар, судлар, Давлат солиқ қўмитаси ва бошқа идоралар билан ҳуқуқий тарғибот соҳасида изчил ҳамкорлик йўлга қўйилиб, мавзулар белгилаб олинган:

Президентимизнинг 2005 йил 1 августдаги **“Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”**ги Фармонида белгилаб қўйилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш;

шартномавий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарғибот қилиш;

хорижий инвесторларнинг ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарғиб қилиш;

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги **“Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида”**ги 360-сонли қарорининг ижросини таъминлаш;

“Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашни кучайтиришга қаратилган тадбирлар дастури”да белгилаб қўйилган вазифаларнинг ижроси;

“Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция талабларини бажариш юзасидан Миллий ҳаракат дастури”да белгилаб қўйилган ва-

зифаларнинг бажарилиши;

“Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг моҳиятини тарғиб қилувчи маънавий-маданий ва маърифий тадбирлар механизми тўғрисида”ги топшириқнинг ижроси;

Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги **“Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги Фармонида белгилаб қўйилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш;

“Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастури белгиланган вазифалар ижроси;

Президентимизнинг 2005 йил 8 августдаги **“Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида”**ги Фармонида белгиланган вазифаларнинг ижроси ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари юзасидан тарғибот ишлари олиб борилди ва бу давом эттирилмоқда.

Ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш борасида 2008 йилнинг 12 ойи давомида жами 2935 мартаба ҳуқуқий тарғибот ишлари олиб борилган бўлиб, 147 мартаба телевидениеда, 80 мартаба радиода, 276 мартаба газеталарда чиқишлар қилинган, 2009 йилнинг январь ойида эса 158 мартаба ҳуқуқий тарғибот ишлари олиб борилди.

Бу ишларда бевосита омма онгини, ҳуқуқий маданият даражасини янада шакллантиришнинг қулай жиҳатлари қамраб олинган.

Зафар ТАИРОВ,
Бухоро вилояти адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари

/// Фаолият

Ижро интизомини таъминлаш механизми амалда ўз самарасини бермоқда

МАМЛАКАТИМИЗ мустақиллигининг илк кунларидан бошлаб Юртбошимиз ташаббуси билан қонун устуворлигини таъминлаш, судларнинг мустақиллигини, улар томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг самарали ижроси механизмининг яратиш ва такомиллаштиришга алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2006 йил 31 августдаги **“Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги ва 2007 йил 1 ноябрдаги **“Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд департаментининг суд қарорларини ижро этиш, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги қарорларига мувофиқ ишлаб чиқилган **“Ижро иши юритиш такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”**ги Қонуни ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда.

Мазкур Қонун қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал, Фуқаролик процессуал, Хўжалик процессуал кодексларига, Ер кодексига, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига, шунингдек, **“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”**ги, **“Ўзбекистон Республика-**

сининг Давлат чегараси тўғрисида”ги, **“Дехқон хўжалиги тўғрисида”**ги ва **“Банкротлик тўғрисида”**ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Жиноят кодексининг амалдаги 232-233-моддаларида мансабдор шахсларнинг суд қарорини ижро этмаганлик учун, шунингдек, банд солинган мол-мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф этганлик учун жавобгарлик белгиланди. Янги таҳрирдаги 232-моддада муайян ҳаракатларни содир этиш ёки уларни содир этишдан ўзини тийиш мажбуриятини юклайдиган суд ҳужжатини ижро этмаганлик, шунингдек, уларнинг

ижро этилишига тўсқинлик қилганлик учун жавобгарлик ҳақида қайд этилган. Шу билан бирга ушбу моддада мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги кучайтирилиши билан бир қаторда жисмоний шахсларнинг жинойий жавобгарлиги ҳам жорий этилди. Жиноят кодексининг саккизинчи бўлимида “суд ҳужжатини ижро этмаслик” тушунчаси ўз изоҳини топди. Банд солинган мол-мулкдан мақсадли фойдаланилишини таъминлаш учун 233-модда банк ёки бошқа кредит ташкилоти ходимлари томонидан банд солинган пул маблағлари (омонатлар) билан банк операцияларини амалга

оширганлик учун жинойий жавобгарлик тўғрисидаги нормалар билан тўлдирилди.

Ушбу Қонуннинг қабул қилиниши Суд департаменти тизимида фаолият кўрсатаётган ҳар бир ходимга янада кўпроқ масъулият юклаб, ўз ишига янгича нуқтаи назар билан ёндашишни тақозо этади.

Кейинги йилларда мамлакатимизда ижро иши юриштиши ислоҳ этиш борасида ҳам босқичма-босқич асосида залворли ишлар амалга оширилди. Шунингдек, бу борада Суд департаментининг Андижон вилояти ҳудудий бошқармасида ҳам самарали ишлар қилинди.

Суд департаментининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида 2007-2010 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури, ахборотни йиғиш ва қайта ишлашнинг ташкилий ва функционал схемаси, яна ахборот-компьютер тармоғини яратиш учун белгиланган аниқ вазифалар юзасидан ҳам изчил ишлар йўлга қўйилмоқда.

Бундай кенг қўламли ишларнинг пировард мақсади суд ҳужжатлари ва бошқа органларнинг ҳужжатларини ўз вақтида ва сифатли ижро этишга қаратилган бўлиб, ўз навбатида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларнинг суд органларига бўлган ишончини кучайтиришга хизмат қилади.

Дониёр ЖўРАЕВ,
Суд департаментининг Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи

"G'allabank"

жамоаси

барча юртдошларимизни, ўз акциядорлари ва миқозларини янгилаш ва эзгулик рамзи бўлмиш Наврўз айёми билан самимий муборакбод этади! Сизларга мустаҳкам соғлиқ, хонадонингизга файзу-барака, тинчлик-хотиржамлик, ишларингизда омад тилаган ҳолда, қуйидаги янги омонат турларини таклиф этади:


"Бонус" — омонат муддати — 1 йил, йиллик 25 фоиз миқдорида устама ҳисобланади ва ҳар ой якуни бўйича тўлаб борилади.

Омонат муддати тугагандан сўнг қўшимча 2 фоиз бонус тўлаб берилади.

"Тараққиёт" — омонат муддати — 3 ой, йиллик 26 фоиз миқдорида устама ҳисобланади ва ҳар ой якуни бўйича тўлаб борилади.

"Бунёдкор" — омонат муддати — 1 ой, йиллик 25 фоиз миқдорида устама ҳисобланади ва омонат муддати тугагандан сўнг тўлаб берилади.

Депозит ҳисобварақлардаги омонатлар суммаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ-4057 сонли "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидagi омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида мувофиқ тўлиқ кафолатланади.



Омонатларга маблағлар "Галлабанк"нинг барча филиалларида қабул қилинади.

Мурожаат учун телефонлар:
(+99871) 233-71-72, 236-14-17
www.gallabank.com

Галлабанк хонадонингизга барака келтирсин!

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси жамоаси

Сраси базор келди, яшнагай олам,

Майсалар ҳайтга мактуб бийёттир.

Хусни қўз-қўз айлаб она табиат

Нафосат ишини ижро этаёттир.

азиз юртдошларимизни Наврўз айёми билан самимий қутлайди.

Файзли хонадонингиздан қут-барака аримасин.

Жаннатмонанд юртимиз осмони мангу мусаффо, заминимиз тинч, донмо халқимиз фаровон бўлаверсин!

АТ "Универсалбанк" Тошкент филиали жамоаси



*Ўзбекистон аҳлини ҳамда ўз
мирозларини Наврўз — эшикни,
дешарини айёми билан қўйлаб,
ҳамма-ҳаммага баҳорий қайриқит,
Ватанимиз рабнақи йўлида
фридокорона теҳрат қилаётган ақил
элдошларимизга энг эзу
тиллақларини йўрлайди.*



Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ДСИ жамоаси

**мамлакатимиз аҳлини
янгилашиш тантанаси
муҳассам айём – Наврўз
шодиёнаси билан чин
дилдан муборакбод этади.
Юрт осойишталиги,
кўнгиллар хотиржамлиги,
дастурхон тўкинлиги
бардавом бўлсин!**



Бўлажак устозлар маскани

СИР ЭМАСКИ, бугунги навқирон ёшлар эртанги фаровон келажакимиз соҳибларидир. Ёшларимизнинг мукамал билим олиб, комил инсон бўлиб вояга етишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Бундан тўрт йил муқаддам Бувайда педагогика коллежининг ташкил этилиши ҳам ана шу эътибор ва имкониятлар самарасидир.

КОЛЛЕЖИМИЗ 750 ўринга мўлжалланган бўлиб, ҳозир 1322 нафар ўқувчига 115 нафар устоз-мураббий бошланғич таълим, мактаб ва синфдан ташқари таълим, жисмоний тарбия ва болалар спорти ҳамда мактабгача таълим ва оилавий гувернёр мутахассисликлари бўйича сабоқ беришмоқда. Ҳозир 36 та фан кабинети, 2 та физика, 2 та кимё лабораторияси, компьютер синфи, 78.000 китоб захирасига эга бўлган ахборот ресурс маркази, спорт зал, 1,5 гектарлик спорт майдони, 212 ўринли ошхона, 50 ўринли, 110 ўринга жиҳозланган ётоқхона, 240 ўринли фаоллар зали ўқувчилар хизматида.

Халқимизда "Яхшидан боғ қолади" деган ажойиб нақл бор. Шу боис 2007 йилда 3 гектар майдонда "Нуронийлар боғи" ташкил қилиниб, унга 2150 туп мевали дарахт кўчатлари ўтқазилган. Бу йил улар ўзининг биринчи ҳосилини беради. Яқинда қатор ораларига қартошқа экилди.

Муассасамиз жамоаси бугунгача турли мусобақаларда 9 та олтин, 6 та ку-

муш, 5 та бронза медалларини қўлга киритгани билан фахрланади. Ўтган йили эса "Энг намунали таълим муассасаси" кўрик-танловида фахрли биринчи ўринга сазовор бўлдик. Шунингдек, "Сиз қонунни биласизми?" кўрик-танловида ҳам ўқувчиларимиз фаол иштирок этишди.

Шу ўринда бир хайрли ишга алоҳида тўхталмоқчиман. Туманимиздан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига сайланган Маҳмуджон Маҳамов туманининг Бўстон бува, Араб, Турк қишлоқларида истиқомат қилувчи ўқувчиларимиз учун 60 фоизга арзонлаштирилган нарҳда автобус қатновини йўлга қўйиб берди. Бу эса ёшларнинг узоғини яқин қилиб, қулайлик яратди.

2008-2009 ўқув йилида коллежимизни 461 нафар ўқувчи битиради. Улар ҳам худди устозлари сингари ёш авлодга билим бериш орқали жамият тараққиётига ҳисса қўшишлари шубҳасиз.

**Раҳима ҚЎРҒОНОВА,
Бувайда педагогика коллежи
директори**



Бунёдкорлик

УРҒАНЧ шаҳридаги "Ирригация темир-бетон" масъулияти чекланган жамияти аъзоларининг Хоразм вилояти кўркига кўрк қўшиб турган, бир-биридан чиройли ва муҳташам бинолар қад ростлашида муносиб ҳиссаси бор. Урганч шаҳридаги Нажмиддин Кубро боғ мажмуаси, "Пахта" терминали, шаҳар меъморий маркази, марказий ноозиқ-овқат моллари бозорида олиб борилган реконструкциялаш ва мукамал таъмирлаш ишларига катта улуш қўшдик.

Яратувчан қалб гўзаллиги

кўркем ва муҳташам иншоотларда намоён бўлаётир

ФАОЛИЯТИМИЗНИНГ илк палласи — 2004 йилни 735,5 миллион сўмлик бунёдкорлик ишлари билан яқунлаган эдик. 2008 йил якунига келиб, қурилиш-монтаж ишларининг йиллик ҳажми 4,7 миллиард сўмга етди. Яратувчилик ишларининг ялпи ҳажми ва қийматига кўра, вилоятда олдинги ўринларга чикдик.

Қўлга киритаётган ютуқларимизга ўтган йиллар мобайнида кўли гул қурувчи ва монтажчиларни жамоага жалб қила олганимиз сабаб бўлди, десак муболаға қилмаймиз. Қалб гўзаллигини мохир қўллар орқали намоёиш этаётган Шоназар Ортиқов, Худойберган Жабборов, Фани Ўрозов, Сарвар Иброҳимов, Аминбой Паноев, Рўзимбой Раҳимов, Дурди Эрназаров, Баҳодир Оллақулиев, Раҳимбой Бекчонов сингари ўз касбининг усталари билан доимо фахрланамиз. Воҳамизнинг турли шаҳар-қишлоқларида жамоамиз кучи билан қад кўтарган иншоотларга разм солган киши уларда шу инсонлар қалб гўзаллигининг ҳам ёрқин ифодасини кўради.

Жамоамиз 200 кишини ўзида бирлаштирган аҳил устозлару шогирдлардан иборат. Айни пайтда Урганч шаҳридаги академик лицей, замонавий бозор мажмуаси ва бошқа бунёдкорлик жабҳаларида яратувчилик ишлари қизғин давом этмоқда. Ишчилар учун мунтазам равишда



иссиқ овқат ташкил этилаёпти. Юқори маош эса уларнинг чинакам рағбат омилига айланган.

Ўлкамизда Наврўзи айём нафаси кезаяпти. Бу муборак айём биз — бунёдкорлик жабҳаси меҳнатчилари учун ҳам яшариш ва яшнатиш тимсоли. У ўлкамизда янада қизғин яратувчилик фасли бошланаётганидан дарак бераётир.

**Назар НУРБОЕВ,
Урганч шаҳридаги
"Ирригация темир-бетон"
МЧЖ кузатув кенгаши раиси**

"OIL BARAKA FAYZ" МЧЖ жамоаси


Ўлкада кезиб юрган Наврўз шодиёнаси билан халқимизни табриклайди. Ҳар бир хонадонга тинчлик, дастурхонингизга қут-барака тилайди.

"OIL BARAKA FAYZ" МЧЖда айти вақтда 130 дан ортиқ ишчи-хизматчилар меҳнат қилади. "ЕФ-мой ва озиқ-овқат" уюшмаси ёрдами эвазига қисқа муддатда қурилиш ишлари якунланди. Айти вақтда корхона тўлиқ қувват билан ишлашга тайёр, бир кеча-кундузда 200 тонна техник чигитни қайта ишлайдиган, ХХРдан "Алоқа банк" кредити эвазига замонавий ускуналар келтирилди.



Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд департаментининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси жамоаси

Мустақил Ўзбекистон Республикаси халқини кираб келган ашарини, янголанини, сўғалани ва нафосани, тўрғуваги ва савобни рағзи ёрдами Наврўз айёми билан тинчликни тўрғуваги элади!
Она ота-бобоимиздан берган ҳақдорларни фойдага олиб, оиламиз бахт-саодат, тўрғу сўғалани, эрдорларимиз қўлидан тўрғуваги қўли-барака ариласин!



Тўй Тўхтатилди...

бу яхшиликка бўлди

— **ЖАМИЛА ОПАлар келишибди. Ёнларида дўхтирлар ҳам бор эмиш.**
— **Жуда яхши бўлибди-да. Маслаҳат сўрайман, деганлар кўп эди. Уларга ҳам хабар қилайлик.**

МАЙДАЁБУ кишлоғи Косон тумани марказидан эллик, Қашқадарё вилояти марказидан эса қарийб юз чақирим олинса жойлашган. Шу боис шаҳарлик меҳмонларнинг ташрифи бу чекка кишлоқда катта воқеа ҳисобланади. Айниқса, туман ФХДЁ бўлими мудирининг ташрифини айрича интиқлик билан кутишади. Жамила ҳам кишлоқ одамларининг кўпини яхши танийди. Ҳар гал келганида уларнинг исмини айтиб, мурожаат қилиши, ўтган галги муаммолари ечим топантопмаганлиги билан кизиқиши ҳам бу ердагиларга жуда маъқул келади.

Кўп ўтмай кишлоқ фуқаролар йиғинининг чоғроқина хонаси хотинхалаж, ёшлар билан тўлди.

Бундай мулоқотларда Жамила тиббий кўрикнинг фойдали томонларини мисоллар билан батафсил тушунтириб беради. Ўтган йили тиббий кўрик пайтида бўлғуси куёвнинг бедаво дард — ОИТС билан касалланганлиги аён бўлади. Йигит юк машинаси ҳайдовчиси бўлиб, бедаво дардга чалинганидан ўзининг ҳам хабари йўқ экан. Тиббий

кўриқдан ўтказган поликлиника шифокорлари билан ҳамкорликда йигитга тушунтирилиб, даволашнига йўлланма берилди. Тўй қолди. Энг муҳими, жабрдийдаларнинг сони кўпайиши, бир оила барбод бўлишининг олди олинди.

— Бўлимимиз билан никоҳланувчи ёшларни тиббий кўриқдан ўтказувчи поликлиникалар ўртасида ҳамкорликни йўлга қўганимиз яхши самара берапти, — дейди мудир. — Ўтган йили мониторинг натижасида никоҳланувчи ёшларнинг 11 нафари оғир руҳий хасталикка чалинганлиги аниқланди. Касаллиги аниқланганлар соғломлаштиришга юборилди. Касал оила қурилишининг олди олинди.

Туман хотин-қизлар кўмитаси, марказий шифохоналар билан ўзаро ҳамкорликда ҳуқуқий, тиббий тарғибот ишларининг олиб борилиши ҳам яхши самара берапти.

— Туманнинг энг олис, — Алачабоб, Хўжақудук, Раимсўфи кишлоқларида бўлиб, хотин-қизлар билан учрашувлар, турли тадбирлар ўтказиб келаяпмиз, — дейди туман хотин-

қизлар кўмитаси раиси, туман ҳокимининг ўринбосари Шоҳида Авезова. — Кўпинча бундай тадбирларнинг ташкилотчиси Жамилахон бўладилар. Туманининг қайси манзилига бормайлик, опани танишади, ҳурмат қилишади. Ростини, буни кўриб ҳавасим келади.

Жамила Файбуллаева бундай ҳурмат-этиборга тиниб-тинчимаслиги, фидойиликлари туфайли эришган.

— 2007 йилга нисбатан ўтган йили оталикни белгилаш 200 тага камайди, — дейди Жамила. — Никоҳни бекор қилиш ҳам бирмунча камайган. Бу, албатта, ўқув юртлари, маҳалла, кишлоқларда тез-тез бўлиб, ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб боришимизнинг натижаси, деб ўйлайман.

Бундан тўрт йил муқаддам Жамиларнинг елиб-югуришлари туфайли ФХДЁ бўлими янги бинога кўчиб ўтган. Бу ерда барча шарт-шароитлар муҳайё. Никоҳланувчи ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш мақсадида "Ёш оила мактаби" ташкил этилган бўлиб, тингловчилар сони тобора ортиб бормоқда.

Бўлимда яна бир хайрли аъна бор. Яъни, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари — келин-куёвларнинг никоҳланишлари учун давлат

божи олинмас, тўлов бўлим ходимлари зиммасида экан. Бундан ташқари, ёшларнинг никоҳдан ўтиши тантанали тарзда ўтказилиб, уларга рўзғорга керакли буюмлар совға қилинар экан.

ФХДЁ бўлими мактаб, коллежларда турли танловлар ўтказишда ҳам ташаббускор экан. Яқинда Косон педагогика коллежи ўқувчилари билан "Конституция — менинг тақдирим-да" мавзуида танлов ўтказилди. Танлов ғолиблари — Асқар Бекмуродов, Дилафрўз Эштурдиева, Сирожиддин Жумаев, Моҳира Шомуродовлар ФХДЁ бўлими томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

— Мақсадимиз — ёшлар ўртасида ҳуқуқий саводхонликни ошириш, ёшларни мустақил фикрлашга ўргатишдан иборат, — дейди Жамила Файбуллаева.

Яқинда бўлиб ўтган Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси ҳайъат йиғилишида ҳуқуқий тарғибот ишларини намунали ташкил этаётган бир нечта ФХДЁ бўлимлари қаторида Косон тумани ФХДЁ бўлими ҳам тилга олинди, тажрибаларни оммалаштириш хусусида келишиб олинди. Бу ерда ўрганса, ибрат олса арзийдиган ишлар кўп. Назаримда уларнинг энг муҳими ва биринчи галдагиси — мудирнинг халқ билан ҳамсухбат бўлишидир.

Ойдин АНОРОВА,
"Инсон ва қонун"
муҳбири

"Нурли Дон" масъулияти чекланган жамияти жамоаси

жорий йил Наврўз айёми арафасида тўлиқ қувват билан ишга тушиб, халқимиз турмуш даражасининг янада фаровон бўлишига муносиб ҳиссасини қўшишга бел боғлаган.



Ўзбекистон халқига қадимий айём — Наврўз байрами муборак бўлсин! Кўнгилларга шодлик, дастурхонларга тўкинлик олиб кирсин!



"Туронбанк" жамоаси"

Бутун Ўзбекистон халқини
яшариш ва янгиланиш фасли —
Наврўз айёми билан чин дилдан
муборакбод этади.

Эзгу ниятлар изҳор этиладиган
бугунги қутлуғ кунда биз ҳам
яратгандан ҳар бир хонадонга
тинчлик, бахт-саодат ва
осойишталик тилаймиз. Наврўз
нафосати ҳар бир оилага, ҳар
бир инсонга қувонч-шодлик
олиб келсин!

Ҳазорасп иқтисодиёт коллежининг устоз-муаллимлари ҳамда талабалари жамоаси
юртимиз барча меҳнаткашларига халқимизнинг ажойиб баҳорий байрами муносабати билан энг
эзгу истаклари ва самимий тилаklarини йўлайди.
Истиқлолимизнинг ҳаётбахш нафаси билан йўғрилган Наврўз айёми қалбларга шодлик ва қувонч,
хонадонларга тинчлик-омонлик, бахту-саодат
нурларини доимо сочиб туришини тилайди.
Айёмингиз муборак бўлсин, муҳтарам юртдошлар!



Ҳуқуқий тарғибот самараси

НАВРЎЗ БАЙРАМИ арафасида табиийки, ҳар бир инсон “Йил боши” да ёрқин тилаклар ва орзулар исканжасида бўлиб, ўтган йилга ҳам ўзига хос мушоҳадалар билан назар ташлайди. Наврўздан Наврўзгача бўлган муддатда мамлакатимиз ва ҳар биримизга ҳаётимизда ёрқин из қолдирган муҳим воқеалар, тadbирлар бўлиб ўтди.

ҲАЁТИМИЗДАГИ барча муваффақиятларнинг илдизи яратилган шарт-шароитга, бунёдкорлик ишларини амалга ошириш учун йўл берувчи қонунчилигимиздаги мукамалликка боғлиқ. Ҳар бир соҳанинг ўзига хос қонуний тадрижи мавжуд. Бу тадрижлар йиғилмаси — қонунлар йиғилмаси бўлиб, бу умумий тушунча — ҳуқуқий маданият тушунчасини беради. Ҳуқуқий маданият — суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг ажралмас таркибий қисмларидан бири бўлиб, ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг ўзагини ташкил этади. Ҳуқуқий маданиятнинг ўсиши ҳар биримизнинг ҳуқуқий маърифатимизни белгилайди. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз Президенти мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ “Мустақиллик — бу ҳуқуқ” деган ҳикматли иборани айтган эди ва бу борада бир қатор Фармонлар, қарорлар ва қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Президентимизнинг “Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш,

ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида”ги (1997 йил 25 июнь) Фармони, Олий Мажлиснинг “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури” (1997 йил 29 август) қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (1998 йил 29 май) қарори шулар жумласидандир. Ҳар бир соҳада бўлганидек республика прокуратураси органларида ҳам ушбу ҳужжатлар асосида режавий тadbирлар ишлаб чиқилди.

Жумладан, Учтепа тумани прокуратураси ҳам ана шу кенг қамровли тadbирларда фаол иштирок этиб келмоқда. Жойларга чиқиб маърузалар орқали, шунингдек, газета, радио ва телевидение имкониятларидан фойдаланган ҳолда тadbиркорлик фаолиятини янада эркинлаштириш ва тadbиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ҳамда республика Президентининг Фармон ва Қарорлари ижроси юзасидан 80 дан ортиқ, “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор

қилиш тўғрисида”ги ва “Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида”ги фармонлари ижроси юзасидан 100 дан ортиқ тарғибот тadbирлари ўтказилди.

Шунингдек, туман прокуратураси томонидан қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришда фаол иштирок этиш орқали диний экстремизм ва терроризмга қарши курашиш борасида ҳам муайян тарғибот ишлари юритилмоқда. Бу мавзуларда 130 тага яқин тарғибот ишлари амалга оширилди.

Албатта, тарғибот ишларини режалаштириш ва амалиётга татбиқ қилишда худуддаги қонунийлик ва қонунчилик аҳолини чуқур ўрганиб, вазиятни ҳисобга олган ҳолда амалга ошириб келмоқдамиз ва бу услубда иш юритилиши ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Масалан, 2007 йил якунлари бўйича ўтказилган таҳлилларда туманимиздаги “Фарход”, “Хуросон”, “Гузар”, “Ватан”, “Бирлик” маҳаллаларида ҳуқуқбузарликлар кўпайганлиги қайд этилган бўлиб, бу ҳолат тарғибот ишларини режалаштиришда инobatга олинди, тегишли профилактика чоралари амалга оширилди ва 2008 йил якуни бўйича мазкур маҳаллаларда ҳуқуқбузарлик кўрсаткичлари сезиларли равишда камайлгани кузатилди.

Шу кеча-кундузда амалга оширилаётган Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан

белгиланган тadbир режаларига кўра, қўшимча иш жойларини аниқлаш, март ойида мўлжалланган меҳнат ярмаркасини ўтказиш, мавжуд бўш ўринларини мутахассислик турлари бўйича аниқлаш, ишсиз ва ишлашга хоҳиши бўлганларни иш билан таъминлаш чораларининг кўрилиши бу жараён билан боғлиқ ишлар аҳолини ижтимоий ҳимоясини янада юқорироқ савияга кўтариши табиий. Бу ишларда Учтепа туманида олиб борилган тadbирларнинг ҳам ўз ўрни бор, албатта. Тумандаги барча маҳалла, бозорларда санитария ҳолатига, нарх-наво, ободонлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш, мавжуд савдо дўконлари раҳбарлари билан мулоқот қилганда нақд пул тушуми кўрсаткич режаси бажарилиши чоралари тўғрисида, шунингдек, муаммоли масалалар юзасидан амалий ёрдам беришда банк, солиқ, монополиядан чиқариш, рақобат ва тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси ҳамда тегишли бошқа идоралар вакиллари аниқ топшириқлар берилиб, ижроси назоратга олинди. Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги жисмоний шахслар томонидан товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида”ги қарорининг маъномоҳияти ва ижроси бўйича туман прокуратураси томонидан 2007 йилда 54 та, 2008 йилга 47 та, 2009 йилнинг 2

ойи давомида 15 та тарғибот тadbирлари ўтказилди, ОАВда 35 маротаба чиқиш қилинди.

Шунингдек, туман прокуратураси томонидан диний экстремизмга қарши, одам савдосига ва терроризмга қарши кураш бўйича “Пахтакор” маҳалласида 25 та, “Боғчинор” маҳалласида 19 та, “Бешқайрағоч” маҳалласида 18 та, “Кўкча-Оқтепа” маҳалласида 16 та тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилиб, юқорида қайд этилган жиноятларнинг олдини олишга қаратилган амалий мулоқотлар бўлиб ўтди. Аммо бу ҳали етарли эмас.

Ҳуқуқий тарғибот тadbирларида воғга етмаганлар билан боғлиқ масалаларга, уларнинг ҳуқуқий онгини шакллантиришга алоҳида эътибор бериб келаямиз. Чунки уларнинг ҳуқуқий дунёқарашини шакллантириш, қонунга ҳурмат ҳиссини ёшларнинг онгига синдириш, эртанги кун учун пойдевор, ҳуқуқий давлатчиликни шакллантиришнинг энг зарур ва устувор вазифаларидан бири. Шунинг учун ҳам, тумандаги мактаб, коллеж ва бошқа ўқув марказларида бу масалада кўпроқ тарғибот ишларини олиб боришга ҳаракат қилаймиз.

Бир гап билан айтганда, ҳуқуқий тарғибот — ҳаёт ва қонун муштараклигидир. Бундай муштаракликка эришиш учун ҳаммамиз собитқдам бўлмоғимиз шарт.

Эркин ЙЎЛДОШЕВ,
Учтепа тумани прокурори,
адлия катта маслаҳатчиси

“Каттақўрғон ёғ-мой”

акциядорлик жамияти жамоаси

*технайткаш халқимизни кириб
келаяётган Наврўз айёми билан
қўйлаб, хонадонларига фрайз-барака,
дасмурхонларига тўйкинлик, бахт
ҳамиша ҳамроҳ бўлишини тилайди.*

**Йилбоши барчага омад олиб келсин,
Наврўзингиз муборак бўлсин!**

// Назорат

БУХОРО вилояти адлия бошқармаси давлат бошқарув органлари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат органлари ўртасида яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бошқарма томонидан тадбиркорликка оид қонун ҳужжатларига риоя қилинишини яхшилаш мақсадида белгиланган режалар асосида жойларда ўрганишлар олиб борилмоқда. Амалга оширилган комплекс чора-тадбирлар натижасида вилоятда тадбиркорларнинг адлия идораларига бўлган ишончи кундан-кунга ошиб бораётир.

Барча бирдай масъул

Тадбиркорларнинг ҳуқуқлари адлия органлари ҳимоясида

ХУСУСАН, вилоят адлия бошқармасига 2008 йил давомида тадбиркорлик субъектлари фаолиятига оид 131 та ариза ва шикоят, бошқарманинг "Ишонч телефони"га (008, 223-74-16) 133 та мурожаат келиб тушди. Уларнинг барчаси алоҳида назоратга олиниб, кўриб чиқилиши таъминланди.

2008 йилда жойларда ўтказилган ўрганишлар давомида жами **6.525 та** қонунбузилиш ҳолатлари аниқланган.

Бошқарма томонидан ўтказилган ўрганишлар ва мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари бўйича қонунбузилишларни барта-раф этиш юзасидан **жами 163 та** тақдимнома киритилди. Мазкур тақдимномаларга асосан 248 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилган, уларнинг **8 нафари** эгаллаб турган лавозимидан озод этилди. Шунингдек, **жами 133 та** ноқонуний қарор бекор қилиниб, **74 та** қарорнинг ижроси тўхтатилди, ноқонуний ундирилган **4,4 миллион сўм** тадбиркорларга қайтарилишига эришилди.

Ўтган йилда адлия бошқармасининг **38 та** таклифига асосан 36 нафар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилди.

Ўтган йил давомида тегишли идора ва ташкилотларга қонунбузилишларнинг олдини олиш борасида жами 189 та огоҳнома ҳамда 16 та кўрсатма киритилди.

Бошқарма томонидан 2008 йил давомида тадбиркорлар манфаатини кўзлаб, уларнинг бузилган қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини тиклаш, моддий ва

маънавий зарарларни ундириш тўғрисида судларга **жами 389,4 миллион сўмлик 166 та даъво аризаси** киритилди ва улардан 182,8 миллион сўмлик 37 та даъво аризаси судлар томонидан қаноатлантирилди.

Ўз ҳаракатлари ноқонунийлигини тушунган мансабдор шахслар судга тадбиркорга етказилган зарарларни тўлаганлиги 177,3 миллион сўмлик 109 та даъво аризаси юзасидан жавобгарлар билан келишув битими тузилганлиги ҳамда тўловлар суд жараёнигача бўлган вақтда тўланганлиги сабабли ишлар ҳаракатдан тугатилди, 94,6 миллион сўмлик 23 та даъво аризаси судларда кўрилиши назарда тутилган.

Шу билан бир қаторда, жойларда ўтказилган ўрганишларда назорат қилувчи органлар томонидан 57 та ҳолатда ноқонуний, яъни, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида текшириш ўтказишнинг белгиланган тартибини бузиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди.

Бошқарманинг 15 та тақдимномасига асосан қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган 15 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди.

Хулоса ўрнида яна шуни қайд этиш жоизки, қабул қилинган қонун ҳужжатларининг ижросини тўла таъминлашда нафақат назорат қилувчи идоралар, балки тадбиркорлар ҳам масъул эканликларига жиддий аҳамият қаратишлари кутилган натижани бериши шубҳасиз.

Отабек ЎРУНОВ,
Бухоро вилояти адлия бошқармаси бошлиғи



юртимизда барқ
ураётган гўзаллик
шодиёнаси — Наврўзи
олам байрами билан
самимий қутлайди.


Халқимиз ризқи бутун,
дастурхони тўкин,
омборлари доимо
донга тўлиқ бўлишини
тилаб қоламиз.

Энг яхши ниятлар
ижобати бардавом
бўлсин.



«КОСОНСОЙ СИҲАТГОҲИ» МЧЖ ЖАМОАСИ

*бугунги нурафшон кунларда бағри кенг
халқимизни, республикага таъриф
бўйган хорижий теҳмонларни
қўлтириш байрами — Наврўзи олам
билан қутлар экан, юртимизнинг ҳар
бир гўшасида ободлик, оилаларда
тинчлик, омонлик ва фаровонлик
бўлишини тилайди.*



// Таълим

“ҲАЗОРБОҒ” қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежида ҳозирги кунда 9 та мутахассислик бўйича 1024 нафар ўқувчи-ёшлар касб сирларини ўрганмоқда.

“Ҳазорбоғ”нинг умид ниҳоллари



ХУНАР МАСКАНИДА замонавий жиҳозланган 31 та ўқув хонаси, 11 та лаборатория, 4 та устахона, автомобиллар машқ майдони, кичик чорвачилик комплекси ва 37 гектар майдонда ўқув-тажриба хўжалиги мавжуд бўлиб, ўқувчилар назарий ва амалий билимларини пухта эгаллашлари учун барча шароитлар яратилган.

Коллеж ўқувчиларига 45 нафар ўқитувчи ўқув фанларидан, 12 нафар ишлаб чиқариш таълим устаси касб сирларидан сабоқ беришмоқда. Коллежда кейинги йилларда бир қатор ибратли ишлар қилинди. Жум-

ладан, коллежга 4 км. узунликда иккинчи электр тармоғи тортилиб, мунтазам электр энергия таъминотига эришилди. Бу эса мавжуд жиҳозлардан, компьютерлардан фойдаланиш самарадорлигини оширди. Шунингдек, коллеждаги мавжуд техникалардан 3 та энгил автомобиль, 2 та юк машинаси, 4 та трактор таъмирланиб, ўқувчилар ихтиёрига топширилди.

Коллежда назарий билимларни амалиётда қўллаш кенг жорий этилган бўлиб, замонавий техникалар билан жиҳозланган устахона ва лаборатория хоналарида, ўқув тажриба хўжалиги ҳамда чорвачилик комплексида ўқув амалиёти дарслари ўтилади. Шунингдек, шартнома асосида корхоналар ва фермер хўжаликларида ўқувчилар ишлаб чиқариш амалиётларини ўташмоқда. Шу билан бирга кўплаб корхоналарда ўқувчилар амалиёт баробарида ўз мутахассислигига мос бўлган бўш иш ўринларида иш билан ҳам таъминланмоқдалар. 2008 йилда



коллежни 237 нафар ўқувчи битириб чиққан бўлиб, шулардан 187 нафари ўз соҳаси бўйича фаолиятга киришган, 7 нафари олий ўқув юртларида таҳсил олишаётир, қолганлари турли соҳаларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқда.

Бу ерда нафақат коллеж ўқувчилари, балки маҳалла ёшлари учун ҳам турли спорт тўғарақлари очилган. Ахборот-ресурс марказидаги 45000 дан зиёд китоб фонди, 70 та электрон дарслик, вақтли матбуот нашрлари ўқувчилар ихтиёрига берилган. Ижтимоий ҳимояга муҳтож ўқувчиларга мунтазам равишда ёрдам бериб келинмоқда. Жумладан, 4 нафар етимларга давлат бюджети маблағлари ҳисобидан, 36 нафар кам таъминланган оила фарзандларига коллежнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан, 2 нафар ногирон ўқувчига моддий ёрдам бериб келинмоқда.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида коллеж ҳудудини ободонлаштиришга алоҳида эътибор қаратилган, 1000 туп арча, 200 туп мевали дарахт, 1000 дона атиргул кўчатлари ва мавсумий гуллар экилди.

Ёшларнинг замон талабига мос билим ва касбга эга бўлиши, жамиятда ўз мустақил ўрнини эгаллаши, комил инсон бўлиб вояга етиши коллеж жамоасининг эзгу мақсадига айланган.

Абдуҳалил НУРМАНОВ,
коллеж директори

Денов туманидаги “Ҳазорбоғ” қишлоқ хўжалиги касб-хунар

гулаб-яшнаётган юртимиз аҳлини, усғуз ва мураббийларни келажакимиз ворислари бўлган қалби қайноқ ёшларимизни уйғониш фаслининг кўркем байрами — Наврўзи олам билан чин дилдан муборакбод этади.

Элим, юртим, деган ҳар дилнинг гўзал орзулари рўёбга чиқсин, она юртимиз фаровон, истиқлолдан йўлларимиз чаровон бўлаверсин!

Ҳалолликнинг нафи боқийдир

МАМЛАКАТИМИЗДА кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка берилаётган эътибор иқтисодийнинг барқарор ривожланишига, аҳоли турмуш даражасининг ўсишига олиб келмоқда. Айниқса, чекка туман ва қишлоқларда ҳам тадбиркорликнинг ривожланиши ўз навбатида кўплаб ёшларнинг иш билан таъминланишига, аҳоли маиший ҳаётининг яхшиланишида асосий мезон бўлиб хизмат қилмоқда.

БУГУН қайси ҳудудга борманг мавжуд шароит ва имкониятлардан фойдаланиб, оқилона меҳнати қадрини ошираётган, ўз бизнесини очиб, одамлар оғирини энгил қилаётган, маҳалла-кўйга фойдаси тегаётган замондошларимизни учратишингиз мумкин. Уларнинг ҳам давлатга, ҳам ўзига, қолаверса, қишлоқ аҳлига тегаётган нафи ҳалоллик билан амалга ошираётган тадбиркорлик ишлари самарасидандир. Бироқ гуруч курмаксиз бўлмаганидек, баъзан орамизда фақатгина ўз манфаатини ўйлаб фаолият олиб бораётган юртдошларимиз ҳам учрайдики, уларни кўриб ачинасан



киши. Мавжуд қонунбузилишларнинг олдини олиш, бундай ҳолларга ўз вақтида барҳам беришга Жиззах вилояти давлат солиқ идоралари томонидан ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Хусусан, вилоятда давлат рўйхатидан ўтмасдан, яширин, хуфёна тарзда иш юритаётган цехлар

фаолиятига ўз вақтида нуқта қўйилмоқда. 2008 йил давомида давлат рўйхатидан ўтмасдан, хуфёна равишда фаолият олиб бораётган тегирмон хизмати, жувозда чигитни қайта ишлаш, тикувчилик ва бошқа турдаги яширин ишлаб чиқариш цехлари аниқланиб, уларнинг эгаларига нисбатан тегишли тартибда МЖТКнинг 176-моддаси, 1-бандига асосан маъмурий жарималар қўлланилди.

Шу ўринда кишини бир нарса ўйлантиради. Хўш, юртимизда тадбиркорлигу ишбилармонлар учун барча қулайликлар яратилган экан, тадбиркорлар ҳуқуқлари қонун ҳимоясига олинган экан, бундай “курмак”лар қаёқдан пайдо бўлмоқда? Юртга, халққа, давлатга қарши қилинган ҳар қандай ҳаракат қонунга ҳам, жамиятга ҳам зид иллатдир.

Гулчехра УРДУШЕВА,
Жиззах вилояти ДСБ
Ахборот хизмати
ходими

*Она диёри мизнинг ҳазрати
деҳқонларини,
барча қишлоқ, меҳнаткашларини,
зироат аҳлининг ҳам
ажойиб байрами = она еримиз
бўйлаб кезаётган.*

*Наврўзи олам = фасли
навбахор айёми билан чин
дилдан муборакбод этамиз!
Эзгу ният ила сочаётган
ризқ уруғлари юртимизга
қут-барака, ризқу насиба
келтиришини, қалбларга
доимо шодлик, бахтиёрлик,
эзгулик ва саҳоват
улашишини тилаб қоламиз.*

**Урганч туманидаги
“Мамасолай”,
Ҳазорасп туманидаги
“Шоқир қулол”,
Шовот туманидаги
“Уста Матсафо”,
Гурлан туманидаги
“Ўрозбой Бекчонов”
номли фермер
хўжаликлари
жамоалари**



МАМЛАКАТИМИЗДА бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга эътибор давлат сиёсатининг устувор вазифасига айланган. Бунинг ёрқин мисолини истиқлолнинг дастлабки давридаёқ БМТнинг “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”-ги Конвенцияси Ўзбекистон томонидан ратификация қилинганида (1992 йил) кўриш мумкин.

Бола ҳуқуқлари

юртимизда зарур қонуний асослар билан мустаҳкамланган

ШУНИНГДЕК, Бош қомусимизда ҳам болаларнинг тенг ҳуқуқлилиги мукамал тарзда ифода этилди. Яъни, Асосий қонунимизнинг **65-моддасига** мувофиқ, фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги, **64-моддага** биноан эса давлат ва жамият етим ҳамда ота-оналарнинг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлаши, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларининг рағбатлантирилиши алоҳида қайд этилган.

Бундан ташқари, “Бола

ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни давлатимизнинг айнан бола ҳуқуқлари ва уни ҳимоя қилишга оид сиёсатини янада аниқ-равшан белгилаб беради. Жумладан, Қонуннинг 4-моддаси “**Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсати**” деб номланган бўлиб, унда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ифода этилган. Бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, унинг ҳаёти ва соғлигини, шаъни, кадр-қимматини муҳофаза қилиш,

уларга тенг имкониятлар яратиш қайд этилган. Бу борада давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятининг ошқоралиги, бола ҳуқуқларини

йўлга қўйиш, бола ҳуқуқлари кафолатларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, боланинг жисмоний интеллектуал, маънавий ва ахлоқий ривожланишига кўмаклашиш, уларда ватанпарварлик, фуқаролик, бағрикенглик ва тинчлик-севарлик туйғуларини тарбиялаш, ҳуқуқий онг ва маданиятни шакллантириш, болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг камайишига, ювенал (вояга етмаганлар ҳуқуқи)

тизимини ташкил қилиш ва ривожлантиришга кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратилган.

Ушбу Қонуннинг 5-моддасида эса давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг бола ҳуқуқларини таъминлаш бўйича ваколатлари аниқ-равшан белгилаб берилган. Шу билан бирга, Қонунда бола ҳуқуқларини таъминлашда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва бошқа нодавлат-нотижорат ташкилотларининг иштироки масаласига ҳам ойдинлик киритилганки, бу ҳолат “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” деган тамойилга тамомила мос келади.

Қонунга биноан ҳар бир бола эркинлик, шахсий дахлсизлик, турар-жой ва хат-хабар сирлари дахлсизлиги, унинг шаъни ва кадр-қимматига тажовуздан, шахсий ҳаётига ноқонуний аралашувидан ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда ҳар бир бола жамиятнинг тўлақонли аъзосига айланиши учун барча зарурий ҳуқуқий асослар билан мустаҳкамланган.

Феруза АШИРҚУЛОВА,
ҳуқуқшунос

таъминлаш мақсадида давлат ва нодавлат-нотижорат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни



Ҳарбий-юримик йўналишдаги Урганч Академик лицейининг муаллим ва тарбиячилари, барча ўқувчилари ўз ҳамкасблари ва юртимиз ёшларини ёшлик, баҳор, яшнаш ва яшариш айёми — Наврўз байрами билан қизғин табриклайди.

Эл-юртимизнинг ҳар бир кунни қувончу шодликлар келтирувчи байрамлар оғушида ўтишини, она заминимизда тинчлик-тотувлик, баҳамжисҳатлик доимо барқарор бўлишини тилайди.



ЁШЛАРИМИЗНИНГ ҳар томонлама етук ва баркамол инсонлар бўлиб етишиш учун ҳукуматимиз томонидан кенг имконият ва қулайликлар яратилмоқда. Айниқса, мустақиллик йилларида замонавий академик лицей, касб-ҳунар коллежлари, умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасалари замон талаблари даражасида қад ростлаб, ёшларга хизмат кўрсатмоқда.

Замонавий даргоҳлар

— БУГУН ривожланган замон талабларига жавоб берадиган ўқув даргоҳлари Самарқанд вилоятида кўплаб учрайди, — деди Булунгур тумани халқ таълими бўлими мудирини Мамаражаб Маматов. — Айни пайтда туманимизда 67 та умумтаълим мактаби мавжуд бўлиб, 30 та мактабгача таълим муассасаси, 1 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ва 1 та болалар ижод маркази таълим стандартлари даражасида фаолият кўрсатиб, аҳолининг 3292 нафар фарзандига 2680 нафар ўқитувчи-мураббий

таълим-тарбия бериб келмоқда. Шу ўринда айтиш жоизки, март ойининг учинчи ўн кунлигида бўлиб ўтадиган фан олимпиадасида вилоят босқичига 15 та фандан 49 нафар ўқувчимиз қизгин тайёргарлик кўрмоқда. Насиб бўлса, бу борада юқори кўрсаткичларни қўлга киритамиз, деган умиддаман.

Дарвоқе, бугунги кунда Булунгур тумани халқ таълими бўлимида амалга оширилаётган ишлар нафақат мактаб ўқувчиларини, балки ўқитувчи-мураббийларни ҳам бефарқ қолдирмапти. Яқинда

бўлиб ўтган йилнинг “Энг яхши ўқитувчи” кўрик-танловида ҳуқуқшунослик фанидан 48-мактаб ўқитувчиси ҳамда тасвирий санъат фани бўйича 1-мактаб ўқитувчилари иштирок этишиб, вилоят босқичида биринчи ўринга сазовор бўлишди ва республика босқичига йўлланма олишди.

Ўйлаймизки, галдаги кўрик-танловда ҳам булунгурлик халқ таълими ходимлари юқори кўрсаткичларни қўлга киритиб, муносиб ўринларга сазовор бўлишди.


Юнус МИРЗАЕВ



“Тезинтом-ЛТД”
Ўзбекистон-Олмония қўшма
корхонаси жамоаси



Ўзбекистон халқини уйғониш ва нафосат айёми, қадимий ва шуқуҳли Наврўз байрами билан муборакбод этади.



ҚАЙСИ ЖАМОАДА тартиб-қоида мустақкам бўлса, ўша ерда иш унуми ҳам, самарадорлиги ҳам юқори бўлади. Бу тамойилга бошқармаамизда ҳам муҳим омил сифатида қаралади. Жумладан, бошқармада Адлия вазирлигининг 2008 йил 22 октябрдаги буйруғи билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасалари ходимларининг касб этикаси қоидалари" ҳақидаги Низомга тўлиқ амал қилинишига эътибор кучайтирилган. Бошқармада ушбу ҳужжат мазмун-моҳиятини тушунтириш бўйича ҳам ишлар олиб борилмоқда.

ХУСУСАН, бу борада вилоят адлия бошқармаси ходимлари ва тизимдаги нотариат, ФХДЁ органлари вакиллари билан семинар-йиғилишлар ўтказилмоқда.

Олий Мажлис палаталарининг қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Адлия вазирлиги ҳайъати қарорларига, буйруқлари ва кўрсатмаларига амал қилиш;

юксак маънавий ва ахлоқий фазилатлар соҳиби бўлиб, юриш-туриш, кийиниш ва муомалада бошқаларга ижобий томондан ўрнатилган бўлиш;

қонун ҳужжатлари билан зиммасига юкланган ҳар қандай вазифаларни амалга оширишда қонунийлик, ҳалоллик, холислик, одиллик, мустақиллик ва масъулиятни ҳис қилиш;

адлия органларига юклатилган вазифаларни амалга оши-

риш жараёнида берилган ваколатларни қонун ҳужжатлари доирасида қатъий равишда амалга ошириш, сансоларлик ва кўзбўямачилик ҳолатларига йўл қўймаслик;

ўз ҳамкасблари ва фуқароларга хушмуомалада бўлиш, уларнинг кадр-қимматини ва ҳурматини сақлаш;

ишониб топширилган хизмат хоналари, давлат мулкани асраб-авайлаб, моддий-техника

жиҳозлари ва материалларини тежаб, оқилона фойдаланиш; умумэтироф этилган ахлоқ қоидаларига риоя қилиш, миллий урф-одатлар, қадриятлар ва

БУНДАН ТАШҚАРИ, 2009 йилнинг январь, февраль ойларида Ипотека банки томонидан яна 12 та ёш оилага 15 йил муддатга 2 ва 3 хонали квартиралар сотиб олиш учун керакли маблағлар ажратилди ва ушбу кредит шартномалари бизнинг Нотариал идорамизда расмийлаштирилди.

Ёш авлодни жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом ўстириш, ёш оилаларни ижтимоий-

халқ анъаналарини ҳурмат қилиш;

Ўзбекистон Республикаси шаънини эъозлаш, мамлакатимиз эришган ютуқларни ҳурмат

тузумга содиқ бўлиш;

ўз фаолиятида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг қонуний манфа-

Ёш оилалар уй-жой билан таъминланги

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2005 йил 16 февралдаги "Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижроси юзасидан Жиззах шаҳрида эътиборли ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилда Ипотека банки Жиззах вилояти маблағи ҳисобидан 32 квартираддан иборат 4 қаватли замонавий турар-жой биноси қуриб битказилиб, ёш оилаларга тақдим этилди.

иқтисодий ҳимоя қилиш, уларнинг турмуш даражасини юксалтириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири қилиб белгиланган. Шундай экан, ёш авлодга ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг тўғри шаклланишида кўмаклашиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Набижон МАҲМУДОВ,
Жиззах шаҳар 2-сон нотариал идораси катта нотариуси

Касб этикаси — самара гарови

қилиш, уларни мустақкамлашга ўз ҳиссасини қўшиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустақамланган тамойилларга ва конституциявий

атларига риоя қилган ҳолда уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш — адлия органларининг энг муҳим вазифаларидан эканлигини ҳис қилиш;

хизмат вазифаларини ҳалол, виждонан ва масъулият билан бажариш ҳамда қонунда белгиланган чеклашларни ўз зиммасига олиш ва уларга амал қилиш;

фуқаролар ва юридик шахсларнинг муносабатларини кўриб чиқишда холислик, масъулият, синчковлик билан бир қаторда талабчанлик, омилкорлик ва жонқуярлик каби ҳислат ва фазилатларни намоён этиш;

хизмат вазифаларини амалга ошириш жараёнида қонун талабларига зид бўлган ташқи таъсирларга берилмаслик;

хизмат ваколатларидан шахсий ёки ғаразли мақсадларда, шунингдек, бошқа шахсларнинг ноқонуний манфаатлари учун фойдаланмаслик;

бўйсунувдаги идоралар ва ходимларни ноқонуний қарорлар

қабул қилиш ва гайриқонуний ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) содир этишга мажбур этмаслик; қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари, ўзига юклатилган вазифаларни амалга ошириш жараёнида тўпланган маълумотларни бошқа шахсларга ошкор қилмаслик, улардан иш фаолияти билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда фойдаланмаслик;

адлия органларини обрўсизлантириш, уларнинг мақоми ва нуфузига путур етказиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан ўзини тийиш;

хизмат вазифаларини амалга ошириш жараёнида у ёки бу ҳаракати ёхуд ҳаракатсизлиги учун пул, моддий қимматликлар, қимматбаҳо буюмлар ва хизматлар кўринишида ҳақ олмаслик;

адлия органларининг бошқа ходимларига ҳамда ишга янги қабул қилинган ходимларга зарурий амалий ва услубий ёрдам бериш адлия идоралари ходимларининг асосий касб этикаси негизини ташкил этади. Унга амал қилмаслик иш самарадорлигининг пасайишига, оқибатда турли тушунмовчиликку ножоиз ҳолатларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Бу эса ҳуқуқий демократик ва фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги улкан ишларимизга тўғаноқ бўлиши шубҳасиз.

Сайткул ШУКУРОВ,
Жиззах вилояти адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Тарғибот самараси

ҳуқуқий саводхонликни оширмоқда

ҲОЗИРГИ ДАВР ҳар биримиз жамиятнинг тўлақонли аъзоси бўлишимизда ҳуқуқ ва бурчларимизни тўлиқ англаб етишни олдимизга асосий мақсад қилиб қўйди.

ҲУҚУҚИЙ саводхонликни ошириш йўлида жойларда анжуманлар, давр суҳбатлари ўтказишнинг аҳамияти юқори. Бу борада Мирзачўл тумани аҳолиси ўртасида кенг тарғибот-ташвиқот ишлари йўлга қўйилган. Туман прокуратураси, суд, ИИБ, ҳокимлик ва маҳалла вакиллари билан ҳамкорликда аҳоли иштирокида доимий учрашувлар ўтказиб келинмоқда.

Яқинда туманимизда Жиззах вилояти адлия бошқармаси ташаб-

буси билан тумандаги "Ипак йўли" ҚФЙда "Одам савдосига қарши кураш" мавзуйда давра суҳбати ташкил этилди.

Яна шунини алоҳида таъкидлаш кераки, 2009 йил "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"да қишлоқларимизнинг обод бўлиши, оилалар турмуш фаровонлигининг янада ўсиши ҳуқуқий билим ва тарбияга бевосита боғлиқдир. Шундай экан, ҳуқуқий тарғиботни янада жонлантиришда нотариат идоралари ходимларидан чуқур масъулият талаб этилади. Бунга оғишмай амал қилиш ҳуқуқий саводхонлик самарасини янада оширишга замин яратади.

Исмоил ДҮСТМУРОДОВ,
Мирзачўл тумани Давлат нотариал идораси катта нотариуси

"Пахтабанк" Қашқадарё вилояти бошқармаси жамоаси

барча миждозларини, ҳамкасбларини, юртимиз фаровонлиги ва равнақига ҳисса қўшаётган фидойи юртдошларимизни заминимизни гўзаллик ва нафосатга чулғаб, тинчлик, эзгулик, баҳор элчиси сифатида ташриф буюрган Наврўзи олам билан табриклардан бениҳоя мамнунлигини изҳор этади.

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"да сиз азизларга янада қулай, сифатли, замонавий, жаҳон андазалари даражасида хизмат кўрсатиб, юртимиз гуллаб-яшнаши, халқимиз фаровонлиги учун ҳисса қўшишдан бахтиёрлигини яна бир бор эслатади.

Байрам нафаси, кайфияти Сизларга ҳамisha ҳамроҳ бўлсин!

"ЖИЗЗАХ ЁҒ-ЭКСТРАКТ" МЧЖ шаклидаги хорижий корхона жамоаси

**барча юрtdошларимизни Наврӯз умуммиллий
байрами билан муборакбод этади.**

**Юртимиз тинчлиги, кўнгиллар хотиржамлиги
бардавом бўлсин. Наврӯз барча хонадонга бахт-
саодат, шоду хуррамлик олиб кирсин.**

Мана, бугун Наврӯзи олам,
Қўлларимда гуллар тутарман.
Қайлардасан, суюкли эркам,
Қўлимда гул сени кутарман.
Умрим бўйи чорлаб ўтарман,
— Сен баҳорни соғинмадингми?



Адвокатура тизими

ИСЛОҲОТИНИНГ МИЛЛИЙ МОДЕЛИ

ЖАМИЯТИМИЗ ОЛДИДА турган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий вазифаларни амалга оширишда адвокатура институти муҳим ўрин тутди. Бинобарин, мазкур вазифани амалга оширишда адвокатура фаолиятининг барча турларини такомиллаштирмасдан, суд-ҳуқуқ тизимида унинг нуфузини оширмасдан туриб ҳуқуқий давлат қуриш ва ҳуқуқий асосларни демократлаштириш мураккаб. Шу боис, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳаси ислоҳотини, адвокатура институтини ислоҳ қилмасдан туриб тасаввур қилиб бўлмайди.

ИСТИКЛОЛ ЙИЛЛАРИДА жамиятимизда адвокатура-ни тубдан ислоҳ қилиш, унинг жамият ҳаётидаги аҳамиятини кўтариш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдаги имкониятларини кенгайтириш, мустақиллигини ҳамда айблов ва ҳимоянинг тенглигини таъминлаш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилиб, зарур ҳуқуқий асослар яратилди.

Адвокатура тизимини ислоҳ қилиш борасидаги муҳим чора-тадбирлар жумласига 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган «Адвокатура тўғрисида»-ги ва 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги қонунларни киритишимиз мумкин.

Бундан ташқари, давр талаби ва жамият эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда ушбу қонунларга бир неча маротаба ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Бу адвокатура институти мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаёти, миллий қонунчилиги тизимида муҳим ўрин эгаллаётгани-

дан далолат беради.

Адвокатура институти тубдан ислоҳ қилишда ижобий ишларни амалга ошириш борасида уларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтиришга мўлжалланган ҳаракатлар йилдан йилга фаоллашиб борди. Айниқса, 2008 йил 1 майдан бошлаб адвокатуранинг ҳуқуқий мақомини ошириш ва унинг ваколатларини кенгайтириш борасидаги ҳаракатлар тарихида янги саҳифа очилди. Ушбу кунда Президентимиз томонидан «Ўзбекистон Республикасида адвокатура институти янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди.

Фармон фуқароларнинг малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини мустақамлайдиган конституциявий нормани амалга ошириш, адвокатларнинг ташкилий мустақиллигини таъминлаш, адвокатлар мустақиллигининг кафолатларини кучайтириш ва ушбу касб нуфузини кўтаришга қаратилган навбатдаги муҳим қадам бўлди. Фармонда адвокатурани ислоҳ қилишнинг қатор асосий йўналиш-

лари, жумладан, адвокатликка номзод шахсларнинг малакасига нисбатан қўйилаётган талабларни кучайтириш, уларнинг мунтазам равишда касб-малакасини оширишнинг мажбурийлигини жорий қилиш, айблов ва ҳимоя тарафларининг процессуал ҳуқуқлари тенглиги ва бошқа масалалар кўзда тутилган.

Адвокатура институти такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган муҳим чора-тадбирлар ва қонунчилик тизимидаги ислоҳотлар натижасида адвокатура институтига сифат жиҳатдан берилаётган янги мақом адвокатларнинг жамият олдидаги масъулиятини ошириб, виждонан фаолият кўрсатишини талаб қилади.

Республика Адвокатлар палатаси ва унинг жойлардаги ҳудудий бошқармалари фуқаролик жамиятининг бўғини сифатида адвокатлик тузилмалари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, адвокатурани янада ривожлантириш, касбий фаолияти билан боғлиқ таъқиблардан ҳимоя қилиш ҳамда улар томонидан қонунчиликка ва касб этикаси қоидаларига риоя этилиши устидан назоратни кучайтиришга хизмат қилади.

Зебо МУҲАММЕДОВА,
Республика Адвокатлар палатаси Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи

Суд қарорларини ижро этиш, Судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаменти Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси жамоаси

халқимизни Наврўз байрами муносабати билан самимий муборакбод этади.

Меҳр ва муҳаббат, яшарини ва нафосат, осойишталик тантанаси бўлмиш ушбу байрам қутлуғ бўлсин!

Эзгу мақсадлар йўлида яратувчанлик меҳнати билан азиз юртимизни обод қилаётган мамлакатимиз аҳлини улуғ ва гўзал айём — Наврўзи олам билан чин дилдан қутлаймиз!

Барча-барчанинг хонадонидан тинчлик-хотиржамлик, қут-баракат, тўқинлик бўлишини тилаб, бозорларимиз кўрки ва файзи бўлган она заминимизнинг бетакрор неъматлари файзиёб бўлаверсин, деймиз!

Тошкент шаҳридаги «Авиавозлар», «Кўйлик», «Тош-улгуржи», «Юнубобод», «Эски жўва» деҳқон бозорлари, «Янгиобод» ихтисослашган бозори, «Кўйлик» буюм бозори жамоалари.

«НУКУС РЕММАШ»

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

барча сўртдошларимизни ва хорижлик меҳмонларни қалбларга ётлик ширкоати ҳамда шоду-хуррамлик олиб келган Наврўзи олам билан қутлайди. Жонажон дўғриликда ҳурмат сураётган тинчлик-осойишталик ҳақида барқарор бўлсин!

Бу эса Наврўзнинг ҳақиқатан ҳам ноёб ва бетакрор эканини, одамзотни фарақат эздирик ва яхшиликка қатъий эътишини яққол тасдиқлайди.

МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР, МАМЛАКАТИМИЗНИНГ АЗИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

Барчангизни янгилик ва яшарини фасли-бахор ҳамда йил боши Наврўз айёми билан муборакбод этамиз. Оилаңгизга тинчлик-хотиржамлик, дастурхонликда тўқин-соғинлик тилаймиз. Деҳқонларимизнинг хирмони ва оғори донга тўлсин!

«АРАЛСУУҚУРИЛИШ» АК жамоаси

ИНСОН ВА ҚОНУН

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги
1996 йилнинг январидан
нашр этилади

Бош муҳаррир:

Кўчкор НОРҚОБИЛ
2007 йил 3 январда
Ўзбекистон Матбуот ва
Ахборот агентлигида
0081-рақам билан
рўйхатга олинган

МАНЗИЛИМИЗ:

100047, Тошкент ш.
Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 233-65-99,
233-84-50

e-mail: inson_va_qonun@mail.ru

Масъул:

Алимкул СУЛТОНОВ
Саҳифаловчи:
Фарҳод ХУЖАНАЗАРОВ

Буюртма рақами: 09-509

Газета «Ўзбекистон»
нашриёт-матбаа ижодий
уйида чоп этилди.

Корхона манзили:
Индекс: 100129 Тош-
кент шаҳри, Навоий кўча-
си, 30-уй.